

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Тўлқин ЭШБЕКОВ

**МАФКУРА МАЙДОНИДА
АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК
ХАВФСИЗЛИК**

(Ўқув қўлланма)

ТОШКЕНТ
МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ – 2011

Филология фанлари доктори, профессор
Файзулла Мўминовнинг
умумий таҳрири остида

Масъул муҳаррир:
Шавкат Миралимов, тарих фанлари номзоди, доцент

Такризчилар:
Кудрат Эрназаров, тарих фанлари доктори
Мансур Бекмуродов, социология фанлари доктори, профессор

Ушбу қўлланмада глобаллашув жараёнларида мафкура майдонидаги гоялар кураши, ахборот хуружлари ва уларга қарши ёшларда мафкуравий иммунитетни ошириш, ахборот психологик хавфсизлик мавзулари атрофлича ёритилган. Мазкур қўлланмадан ўқув режаларига “Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик” курси киритилган олий ўқув юртлари ижтимоий-гуманитар факультетлари талабалари, журналистлар ва шу мавзуга қизиқсан барча ўқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети Ўқув-услубий кенгашининг 2011 йил 20 апрелдаги 8-сонли баённомасига асосан нашрга тавсия этилган.

Эшбеков, Тўлқин. Мафкура майдонида ахборот-психологик хавфсизлик. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: ЎзМУ, 2011. – 100 б.

КИРИШ

Бугунги глобаллашган дунёда ягона ахборот макони вужудга келишининг ижобий томонлари жуда кўп. Бироқ, ундан юқори технологик имкониятларга эга бўлган баъзи бузғунчи кучлар ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишга уринаётгани сир эмас. Бундай саъй-ҳаракатлар кўпинча “ахборот хуружи” тарзида амалга оширилмоқда. Демак, глобаллашувнинг салбий жиҳатлари ҳам кам эмас.

Янгиликка, турли ахборотларга ҳамиша қизиқиши билан қарайдиган ёшлар онгига интернет қай даражада таъсир кўрсатаётгани ҳақида айтилаётган ҳар бир фикр замираиде улкан маъно мужассам. Ёшларнинг интернетга бўлган қизиқишлигини яхши билган айрим бузғунчилар бундан жуда усталик билан фойдаланиб, “ахборот хуружи”ни авж олдирмоқдалар. “Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида бутун инсоният, ер юзидағи барча ҳалқлар ва миллатлар тараққиёти учун, айниқса, ҳаётга кириб келаётган ёш авлод учун мисли кўрилмаган имкониятлар яратиб берган. Авваламбор, фан ва техниканинг илфор ютуқлари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, интернет тизими турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги чегараларни очиб бериб, ўзаро ҳамкорлик ва интеграция ривожига сўзсиз катта ҳисса қўшаётганига бугун барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз,— деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов.— Лекин одамзот тафаккурининг юксак ва ёрқин намоёни бўлган бундай ютуқлар айни пайтда катта куч-қувват ва молиявий имкониятларга эга бўлган айрим сиёсий кучларнинг ғаразли ниятларини амалга оширишда мафкуравий қурол сифатида ишлатилаётганини ҳам зътибордан четда қолдириб бўлмайди. Одамларнинг, биринчи навбатда ёшларнинг онгу тафаккурини, маънавий оламини издан чиқаришга қаратилган бундай уринишларнинг асл моҳиятини, уларнинг узоқ ва давомли, салбий оқибатларини англаш ва бундай хавф-хатарларнинг олдини олиш бугунги кунда ўта муҳим аҳамият касб этиб бормоқда”¹. Шундай экан, ягона ахборот маконида ёшларни турли бузғунчи ғояларга йўғрилган “ахборот хуружи” ва бошқа мафкуравий таҳдидлардан асраш зарур. Бунинг учун биринчи галда уларга ҳаёт ҳақиқатини, оқ билан қорани тўғри тушунтиromoқ ва шу йўсинда ёш авлод қалбида мафкуравий иммунитетни муттасил ошириб бормоқ лозим.

¹Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 5-6 б.

Бу борада амалга оширилаётган энг муҳим вазифалардан бири республика олий ўқув юртларининг ижтимоий фанлар факультетлари ўқув режаларига 2006-2007 ўқув йилидан эътиборан “Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик” курси киритилгани бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги “Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастури тўғрисида”ги 163-қарорида “очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик масалаларини ўрганиш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва олий ўқув юртлари гуманитар факультетлари ўқув жараёнига жорий этиш” вазифаси ҳам белгиланган. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси республикамиизда мазкур муаммоларни ҳал этиш қанчалик долзарб эканлигини қўрсатади. Шу асосда тайёрланган мазкур ўқув услубий қўлланмада бугунги глобаллашув жараёнида пайдо бўлаётган қатор муаммолар ва уларнинг ечимлари, хусусан, Ўзбекистонга нисбатан амалга оширилаётган “ахборот хуружлари” ҳамда унга қарши ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга оид назарий фикрлар ўз ифодасини топган².

Таълим муассасалари ўқув режаларига киритилган “Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик” курсида асосан инсон рухиятига салбий таъсир этадиган бузғунчи ғоялар, “оммавий маданият” ниқоби остидаги “ахборот хуружлари” сабаблари ҳамда уларга қарши кураш, ёшларда мафкуравий иммунитетни ошириш усуллари назарий жиҳатдан ўрганилади.

Кўлланмада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммити мингийиллик ривожланиш мақсадларига бағишлиланган ялпи мажлисидаги нутқи (2010 йил 20 сентябрь), “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш” каби асарлари ва бошқа маъruzалари методологик асос қилиб олинди.

Иккинчиси, сўнгги йилларда чоп этилган глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ муаммоларга бағишлиланган қатор тўплам, қўлланма ва рисолаларда илгари сурилган фикрлар ўрганилди.

Учинчиси, матбуотда “ахборот хуружи”, “оммавий маданият” ниқоби остидаги таҳдид ва таъсирлардан ҳимояланиш мавзуида ёритилган мақолалар таҳлил этилди.

Мазкур қўлланмадан мафкура майдонида Ўзбекистонга нисбатан амалга оширилаётган “ахборот хуружи” ва бошқа маънавий таҳдидларга қарши кураш усулларини ўрганаётган олий ўқув юртлари талабалари,

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги “Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастури тўғрисида”ги 163-қарори. ЎзМУ журналистика факультети жорий архиви, 2006.

ОАВ ходимлари ва шу соҳада фаолият юритаётган бошқа мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

1-мавзу: АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК МОҲИЯТИ

Ахборот технологиялари бекиёс даражада ривожланиб, дунё ягона ахборот маконига айланиши баробарида лисонимизга “ахборот хуружи”, “ахборот-психологик хавфсизлик”, “мафкуравий иммунитет”, “глобаллашув” деган сўз ва атамалар кириб келди. “Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик” курсида ўрганиладиган ана шу сўз ва атамалар маъноси тегишли қонунларда¹, қомусий китобларда² ва бошқа адабиётларда аниқ баён этилган.

Сўнгги йилларда “мафкуравий иммунитет” атамаси сиёsat ва мафкурага оид адабиётларда кенг қўлланилмоқда. Унда шахс, миллат, жамият, давлатни турли заарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилувчи ғоявий-назарий қадриятлар ўз ифодасини топган.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Ҳар бир фанни ўрганишда аввало унинг қисқача тарихи ва мазмун-моҳиятига эътибор қаратилади. Маълумки, кўп фанлар ибтидоси оилада ўргатилади. Эшитган эртакларимиз – адабиёт фани ибтидоси бўлса, санашни ўрганиш – математиканинг илк сабоғидир. Ўсимликлар дунёси – ботаника, жониворлар – зоология, қуёш ва ойнинг чиқиб-ботиши – астрономия, чақмоқ чақиб, ёмғир ёғиши – табиат ва физика фанлари ҳақида тасаввур уйғотган. Отаонамиз руҳиятимизга сингдиришган одоб-ахлоқ ва тарбия замирида миллий ғоя, шарқона фалсафа, этика-эстетика фанлари илк сабоқлари мужассамлигини англаш қийинмас. Оилада ҳатто тарих, диний қадриятлардан ҳам сабоқ беришган. Ҳуқуқбузар қандай жазога тортилишини ҳам қулоғимизга қуишишган: “ўғирлик ё безорилик қилсанг, мелиса қамаб қўяди...” Демак, қонунчилик қирралари ҳам гўдакликдаёқ қалбимизга жо бўлган...

Шулар қаторида турли хил “ахборот хуружлари”дан ҳимояланиш учун мафкуравий иммунитетни ошириш муаммоси ҳам оила тарбиясидан четда қолмаган. Оналаримиз илк бора нима яхши-ю нима ёмонлигини ўргатишган. Мана бу яхши, буниси – ёмон, уни оғзингга солма!.. Ёмон болаларга қўшилма, мана бу гапдан эҳтиёт бўл, унга ишонма ва ҳоказо. Шу тариқа мурғак қалбимизда ёмон нарсаларга, бўлмағур гап-сўзларга салбий ҳодисаларга қарши иммунитет пайдо қилишган³.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонунлари. //Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-хуқуқий хужжатлар тўплами. –Т.: Адолат, 2008.

² Қаранг: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-12-жиллар. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашириёти, 2000-2006.

³ Қаранг: Эшбеков Т. “Ўргамчак тўри”. //Жамият, 2007 йил 27 апрель.

Яна бир қизиқ ҳол; гўдаклигимизда айрим қўни-қўшниларнинг оиласизга нисбатан “ахборот хуружлари”га қарши кураш усулларини ҳам ўргатишган. Эндиғина тили ва оёғи чиқиб, кўчага ўйнагани отланган боласининг қулоғига айрим оналар “керақли” гапларни қуиб қўяди...

Шу тариқа “ахборот хуружлари”га қарши иммунитети юқори даражада бўлган айрим болакайларнинг кўча-кўйларда оиласари, қолаверса, қишлоғи, маҳалласи, шаҳри шаънини қанчалик ҳимоя қилаётганини кузатган бўлсангиз керак.

Оила – ҳаёт бешиги. “Бола туғилган кунидан бошлаб оила мұхитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг мұхими, фарзандлар оиласи ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади,— деб таъкидалаган давлатимиз раҳбари.— Ўзбек оиласи мустабидлик замонида ҳам ўзининг тарихан шаклланган қиёфасини йўқотмади”⁴. Кўриниб турибдик, фарзандларида илк мағкуравий иммунитет ҳосил қилиниши оила тарбиясининг табиий жараёнига айланган. Яхши ва ёмонни фарқлаш, ёмон гаплардан эҳтиёт бўлиш мавзуси қуидаги мақолу нақларимизда ҳам ўз ифодасини топган: “Яхшига эргашдинг – етдинг муродга, ёмонга эргашдинг – қолдинг уятга”, “Қозонга яқин юрсанг – қораси юқади, ёмонга яқин юрсанг балоси уради”, “Яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади”, “Миш-мишга ишонган – ҳаром ўлармиш”, “Яхши гап – жон озиғи”, “Яхши гапдан илон инидан, ёмон гапдан қилич қинидан чиқар”, “Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир”, “Гапни гапир уққанга – жонни жонга суққанга”, “Бир ёмонни қўрмай яхшининг қадрига етмайсан” ва ҳоказо. Бу мақолу нақллар замирида одамнинг онги заҳарланиб қолишидан сақланиш ғоялари ҳам мужассам.

Оила тарбияси мактаб таълимига пайваста бўлади. Яъни, оиладаги илк тасаввурлар мактабда фан сифатида тушунтирилади.

Собиқ мустабид тузум даврида қардош республикаларда, жумладан, бизда ҳам тарих, фалсафа каби ижтимоий фанлар бутунлай ўзгача тушунтирилар эди. Миллий маънавият ҳақида гапириш ҳам мумкин эмасди. Худо йўқ, дин – афъон, деган сохта “назариялар” мажбуран ёш авлод онгига сингдириларди. Шундай оғир шароитда мағкуравий иммунитет ҳақида гап бўлиши мумкинми? Юрбошимиз жуда тўғри таъкидлаганларидек, “ноинсоний ғоя ҳукмрон бўлган мустабид тузум ўзининг бор мағкуравий қучини, оммавий ахборот воситаларини, бутун маориф тизимини ишга солиб одамлар онгини кенг миқёсда заҳарлар эди. Уларнинг миллий ва диний туйғуларини қўпол равишда камситар, тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатар эди. Ўз она тилини, миллий анъана

⁴ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. – 324 б.

ва маданиятини, ўз тарихини билмаслик кўплаб одамларнинг шахсий фожиасига айланиб қолган эди”⁵.

Ўша даврда миллатимизга, миллий ғуруrimизга нисбатан меҳр уйғотиш ўрнига аксинча унга қарши давлат сиёсати даражасида даҳшатли “ахборот хуружлари” қилинар эди. “Миллий ўзликни англашга бўлган табиий интилиш жоҳилона инкор этилар эди. Наврўз, Рамазон, Курбон Ҳайити каби кўплаб муқаддас байрамлар тақиқ этилган эди. Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддий Кубро, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Хожа Ахори Валий, Абдулхолик Фиждувоний каби буюк аждодларимизнинг, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Усмон Носир каби миллий-озодлик ҳаракати фидойиларининг номларини халқимиз хотирасидан ўчириб ташлашга ҳаракат қилинар эди”⁶. Агарки бугунги чет эл радиосидан тарқатиладиган иғво ва бошқа бузғунчи гапларни “ахборот хуружи” деб атасак, бутун собиқ иттифоқ миқёсида юритилган бунақа “сиёsat”ни нима дейиш мумкин? Ўша даврда онги шаклланган ёшларда миллатга меҳр уйғотиш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, собиқ империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашарди... “Бир эсланг, шўро замонида, 80-йилларда собиқ марказ “ўзбек иши”, “пахта иши” деган уйдирмаларни баҳона қилиб, ўзбек миллати вакилларини бутун дунёга қандай кўрсатарди? Сочи тақир қилиб олинган, қалпок кийган, белини боғлаган, соқол қўйган одамларни, мана, буларнинг башараси, деб, пешонасига тамға қўйиб, матбуот орқали намойиш этарди,— деб таъкидлаган давлатимиз раҳбари Ислом Каримов.— Мен ўша пайтда – 1989 йилда республика раҳбари бўлиб келишим билан, авваламбор, ўзбек халқини шундай уйдирма ва тухматлардан сақлаш, унинг шаънини асраш мақсадида, миллатни доғ остида қолдиришга қаратилган уринишлардан халос қилишга киришдим. Ва ҳозиргача ўзбек миллати ҳеч қачон қул бўлмаган, ҳеч қачон босмачи бўлмаган, ҳеч қачон қон тўкиш тарафдори бўлмаган, деб бутун дунёга шу фикрни англатишга ҳаракат қилиб келяпман. Бугун жаҳонда ўзбек номи, ўзбек миллатининг обрў-эътибори тан олингани шунинг исботи эмасми?”⁷.

Собиқ мустабид тузум даврида ҳам миллатимизга қарши оммавий тус олган бундай “ахборот хуружлари”га қарши кўргина ижодкорлар

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурамиз: Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – 371 б.

⁶ Каранг, ўша асар, 371-372 бетлар.

⁷ Каримов И.А. Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-кудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. –Т. Ўзбекистон, 2004. – 13 б.

дадил қурашганлар. Жумладан, атоқли шоирлар Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим”, Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон – Ватаним маним” шеърлари ўзбек элимизга отилган тошларга қарши қаратилган эди!

Юртимиз истиқолининг дастлабки йилларидаёқ миллий қадриятларимиз, тарихимиз, бобокалонларимиз аслида қандай буюк зотлар бўлгани, бетакрор урф-одатлар, байрам ва анъаналаримиз ҳақида баралла айта бошладик. Диний қадриятларимиз ҳам ижтимоий воқееликка айланиб кетди.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳонга юз тутиши баробарида дунё билан бўйлаша бошлади. Компьютер технологиясининг ажиб мўъжизаси бўлмиш интернет курраи заминни ягона ахборот маконига айлантирди. Бунинг кўпгина ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий томонлари ҳам борлигини англадик. Ўша салбий ҳолатларнинг битта кўриниши – “ахборот хуружи”дир.

Оилада ана шу “ахборот хуружи”га қарши қай тариқа иммунитет пайдо қилинган бўлса, Ватанга қарши хурожларга нисбатан ҳам ўз вақтида ёш авлод онгида тўғри тасаввур ҳосил қилиб бориш улкан заруриятга айланди. Бу ижтимоий ҳодиса илмий тадқиқ қилиниши ва ўз навбатида унинг сиру синоати таълим муассасаларида ёш авлодга ўргатилаётгани ҳам бежиз эмас. Зоро, давлат раҳбарининг ибораси билан айтганда, “Болаларимизнинг онгини ва ҳаётини бузадиган, эртанги қунига мутлақо ишончини йўқотадиган мана шундай ғояларга қарши биз қурол билан эмас, ғоя билан курашишимиз зарур. Бизнинг ғоямиз кучли бўлиши лозим. Авваломбор, ўзимиз, ҳаётнинг ўзида синалган ўз ғоямизга ишониб майдонга чиқишимиз даркор”⁸.

Синалган ғояларимиз эса оилаларда мудом куртак отади. Эътибор берган бўлсангиз, нуронийлар яратгандан асосан тинчлик-хотиржамлик тилаб дуо қиласидар. Оила – кичик Ватан, ўз навбатида Ватан – умумий оиламиздир! Жонажон Ватан сарҳадлари қанчалик бепоён бўлса, ундаги муаммолар, турфа ишлар, ҳатто гап-сўзлар ҳам шунга яраша бўлиши шак-шубҳасиз. Юртимиз истиқоли туфайли бекиёс баҳтга эришдик. Энди ана шу баҳтимиз пойдеворини ҳар томонлама мустаҳкамлаш йўлида қўлни қўлга бериб, елкама-елка туриб курашмоғимиз лозим. “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлиб яشاши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезирлигимизни, қатъият ва масъулиятилизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас

⁸ Каранг: ўша асар, 12 б.

қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин,— деб алоҳида таъкидлаган давлат раҳбари.— Эл-юртимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида бундай машъум хатарларни неча бор кўрган, уларнинг жабрини тортган. Шундай асоратлар туфайли тилимиз, динимиз ва маънавиятимиз бир пайтлар қандай хавф остида қолганини барчамиз яхши биламиз”⁹. Демак, бундай фожиали ўтмиш бугунги авлодлар учун ҳам сабоқ бўлиши табиий. Шунга яраша ягона ахборот маконида мавжуд таҳдидларга нисбатан доимо огоҳ бўлиш ҳаётий заруратга айланган.

Назорат учун саволлар:

1. Глобаллашувнинг ижобий ва салбий жиҳатларини қандай изоҳлайсиз?
2. Ягона ахборот макони ҳамда “Ахборот хуружи” деганда нимани тушунасиз?
3. “Очиқ ахборот тизимлари” қандай ахборот воситаларидан иборат?
4. “Ахборот-психологик хавфсизлик” иборасининг моҳиятини тушунтиринг.
5. “Мафкуравий иммунитет” нима ва у қандай шакллантирилади?

Асосий тушунчалар

Ахборот – манбалари ва тақдим этилиши шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар.

Хуруж – тўсатдан ҳужум қилиш, ҳужум.

Ахборот борасидаги хавфсизлик – ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати.

Психологик – психологияга оид атама, инсон руҳий ҳолати ва кечинмаларини ўзида акс эттирувчи илмий тушунча.

Хавфсизлик – хавфсиз (яъни, хавф түғдирмайдиган, хатарсиз), бирор нарса ёки кимсага хавф бўлмаслик, осойишталикни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракат.

Иммунитет (лотинча “immunitas”) – бирор нарсадан ҳалос, озод бўлиши, қутулиши.

Мафкуравий иммунитет – биз учун ёт бўлган бузгунчи гоялардан ҳимояланиши, керак бўлса, унга қаршилик кўрсатиш.

⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 4 б.

Очиқ ахборот тизимлари – оммавий ахборот воситалари (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, теле-, радио, видео, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидағи веб-сайтлар)дан ташқары рекламалар, құл телефонлари, электрон почталар ва бошқа нөкөнүний ахборот тарқатиши тизимлари.

2-мавзу: АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ

Ахборот давлат ва жамият ривожланишининг муҳим омилидир. Ахборот асрида жамият ахборотсиз яшай олмайди. Дунё ягона ахборот маконига айлаган бир паллада ундан “ҳоли” бўлиш ҳам мумкин эмас.

Мамлакатимизда ҳам жамиятни ахборотлаштириш қонун билан белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни 4-моддасида ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра:

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган.

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий хуқуқларини амалга ошириш, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишини таъминлаш;

давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш;

халқаро ахборот тармоқлари ва интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш;

давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш;

ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга кўмаклашиш;

дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожлантирилишини рағбатлантириш;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароит яратиш;

кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантиришдан¹ иборат. Булар юртимизда ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатини тўлақонли амалга оширишга хизмат қиласди.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни. Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-хукукий хужжатлар тўплами. –Т.: Адолат, 2008. – 50 б.

Очиқ айтиш керакки, собиқ мустабид тузум даврида ОАВга оид бирорта қонун йўқ эди. У даврда “бундай қонунга эҳтиёж йўқ”, деган тушунча бўлар, ОАВ ва жамият ривожи ҳам шунга яраша ҳаминқадар эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ахборотлаштиришнинг қонуний базаси мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги ва “Муаллифлик ҳукуқи ва турдош ҳукуқлар тўғрисида”ги, 1997 йил 24 апрелда “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, 1997 йил 26 декабрда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, 2002 йил 12 декабря “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, 2003 йил 11 декабря “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, 2007 йил 15 январда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонунлари қабул қилинди. Шунингдек, “Реклама тўғрисида”ги (1998 йил 25 декабрь), “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги (1999 йил 20 август) қонунлар ҳам моҳиятан кўп жиҳатдан ОАВ билан боғлиқ. Уларнинг барчаси жамиятимизда муҳим ижтимоий воқеликка айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 3 июлдаги “Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони мамлакат ижтимоий ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида халқимизнинг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг кўламда ривожлантиришга кўмаклашиш, ахборот хизматларининг замонавий бозорини шакллантириш йўлида муҳим қадам бўлди. Фармоннинг 4-бандида “Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигига цензура, таҳrir қилиш, тақиқлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятига ўзгача тарзда ғайриқонуний араласиши қатъиян ман этилади” деб белгилаб қўйилди.

Маълумки, ахборот инсоннинг доимий эҳтиёжига айланган. Ҳар куни ўнлаб телеканаллар, радиоэшиттиришлар, газеталар ва интернет орқали қанча ахборотларга эга бўлишидан қатъи назар яна ахборот кутиб яшайди. Юртимиз истиқлолга эришганидан буён халқимизнинг ахборотга бўлган ғоят катта эҳтиёжини қондириш борасида улкан вазифалар амалга оширилмоқда. Агар бундан ўн беш йил олдин республикамизда 475 та оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда бу рақам 1156 тани ташкил этмоқда. Жумладан, 702 номдаги газета, 244 номда журнал, 19 номда бюллетень-

ахборотномалар, 79 та телерадио тармоқлари, 108 та веб-сайт, 4 та агентлик² оммага тезкор ахборотлар етказмоқда.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Лицензиялашни ташкил этиш бошқармаси маълумотларида қайд этилишича, ҳозирги кундаги глобаллашув жараёнининг кучайиши, ахборот алмашинувининг кенгайиши натижасида мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари фаолиятида ҳам тубдан сифат ўзгаришлари, яъни тезкор ва пухта ишланган маълумотларни ўз вақтида узатиш, тўғридан тўғри кўрсатув ва эшиттиришларни ишлатишдек масъулиятли вазифаларни амалга оширишни тақозо этмоқда³. Демакки, матбуот ва телерадио ходимлари, интернетдаги веб-сайтлар мутасаддилари ижодий фаолиятлари самарадорлигини тобора ошириб боришлари тақозо этилади. Халқимизнинг кундалик ахборотга бўлган эҳтиёжларини имкон қадар қондириб бориш абадул-абад давом этадиган муҳим жараёндир.

Мавзу моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда айтиш жоизки, халқимиз, айниқса ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжлари қанчалик тўлақонли қондирилса, улар чет эл радиоларига, интернетдаги олди-қочди гапларга шунча камроқ қулоқ тутадилар. Назари тўқ одам ҳар хил майдачуйдаларга сукланмагани каби ҳар куни етарли даражада ахборотга эга бўлган шахс четдан келадиган олди-қочди гапларга деярли эътибор бермайди. Қулоғига кирган тақдирда ҳам ўша ишончсиз ахборот таъсирига тушиб қолмайди. Демак, жамиятнинг тўлақонли ахборотлашиши амалда одамлар, айниқса ёшларни ҳам бузгунчи ғоялардан ҳимоялашга хизмат қиласди.

Бугун кенг жамоатчиликка, айниқса талабchan ёшларга қандай ахборотлар зарурлигини изоҳлашга ҳожат йўқ. Улар мамлакатимизда ва жаҳонда юз бераётган энг муҳим воқеа-ходисалар ҳақида тезкор ва ҳаққоний ахборотга эга бўлиб боришни истайдилар. Шундай ахборотлар ўз вақтида етказилмаса, қандайдир маънавий бўшлиқ пайдо бўлиши шубҳасиз. Қаердаки маънавий бўшлиқ пайдо бўлдими, четда пайт пойлаб юрган кимсалар бузғунчи ғояларини тиқиширишга ва ёшлар онгини заҳарлаш ҳаракат қиласдилар. “Бундай кучларнинг ғаразли муносабати аввало бой ва қадимий маънавиятимизга қарши қаратилгани, улар халқимизни ана шу бебаҳо бойликдан жудо қилиш учун ҳар хил усул ва воситалар билан зўр бериб уринаётгани барчамизни ташвишлантирмасдан қолмайди, албатта,— деб таъкидлайди давлат раҳбари.— Нега деганда, инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажковузкор

² Каранг: Ғуломов Ш. Миллий матбуотимизда янги босқич. //Ўзбекистон матбуоти, 2010 йил, 1-сон, 22 б.

³ Каранг: Қонун устиворлиги – бош вазифа. //Ўзбекистон матбуоти, 2009 йил, 6-сон, 18 б.

кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”⁴. Дарҳақиқат, бу ҳол тарихда кўп бора тасдигини топган. Буни собиқ мустабид тузум даврида она тилимизга, динимизга, урф-одатлар, маросимлар, миллий байрамларимизга қилинган тажовузлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Аслини олганда ҳар бир миллат ё халқ маънавияти унинг тақдирига айланиб, ёш авлод келажаги йўлида ғоят муҳим ўрин тутишини ҳаёт ўзи исботламоқда.

Тараққиёт йўлини танлаган давлатларда ахборотлашиш қанчалик муҳим ўрин тутаётгани кузатилмоқда. Бугун жамият қанчалик ахборотлашса, унинг миллий манфаатларига хизмат қиладиган ахбороти шунчалик устувор даражада бўлади. Бундай ахборот ўзга ахборотлар таъсирини пасайтиради, таъбир жоиз бўлса, уни йўққа чиқаради. Ахборотлашган жамиятда ОАВнинг ўрнини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларининг жамият тараққиётидаги ўрни, медиа-тузилмалар ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг замонавий йўлларини муҳокама қилиш, миллий журналистиканинг энг яхши анъаналарини ривожлантириш, юртимизнинг жаҳон ахборот майдонидаги мавқенини оширишга кўмаклашиш, янгиланаётган жамиятда журналистнинг роли, вазифалари ва масъулиятини холис баҳолаш мақсадида анъанавий равишда тегишли тузилмалар билан ҳамкорликда медиафорум ўтказиб келмоқда⁵. Бундан ташқари ҳам ахборотлаштириш тизимини ривожлантиришга хизмат қиладиган жуда кўп тадбирлар ўтказиб келинади. Мақсад – ахборот истеъмолчиларининг талаб ва истакларини қондириб бориш.

Жамият ҳар қанча ахборотлашган бўлишига қарамай баъзи кишилар тўғри, ҳаққоний ахборот ўрнига турли олди-қочди, салбий ахборотларга ўзгача эътибор билан қарайдилар. Бундай ҳол айрим ёшлар орасида кўпроқ учрайди. Чунончи, баъзи давраларда “мен Ўзбекистон телевидениесини кўрмайман”, “ўзимизнинг газеталарни ўқигим келмайди” қабилида фикр юритадиганлар ҳам кам эмас. Таассуфки, шундай кимсалар “эҳтиёжи”ни яхши англаган баъзи хорижлик устамонлар атай уларбоп ахборотларни қалаштириб ташлашга ҳаракат қиладилар. Улар ўзларини гўё ҳақиқатни ошкор этаётгандек қилиб кўрсатиб, аслида чиройли никобланган ахборот хуружини усталик билан амалга оширадилар. Бу билан соддадил кишиларни, ишонувчан

⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 11 б.

⁵ Каранг: Ахборотлашган жамиятда ОАВ ўрни. //Моҳият, 2008 йил 26 сентябрь.

ёшларни аврашга уринадилар. Бу саъй-ҳаракатлар замирида қандай мақсадлар ётгани сир эмас. “Хар томонлама чукур ўйланган, катта молиявий ва моддий манбаларга эга бўлган бундай ҳаракатларнинг ортида қандай мақсадлар турибди, улар учун бу қадар кўп куч ва маблағ сарфланаётганини қандай изоҳлаш мумкин, бу ҳақда нега айнан бугун сўз юритишга, жамиятимиз, халқимиз эътиборини бу муаммога қаратишга мажбур бўляпмиз, деган саволлар кўпчиликни қизиқтириши табиий, албатта,— деб таъкидлайди давлат раҳбари.— Аввало, бундай хатти-ҳаракатлар замирида ўз ҳаёти ва келажагини ўз қўли билан барпо этаётган давлатлар, жумладан, Ўзбекистонга нисбатан муайян сиёсий марказлар томонидан турли хил фалсафий, мафкуравий, информацион воситалардан усталик билан фойдаланган ҳолда таъсир ўтказиш, ҳали дунёқараши тўлиқ шаклланмаган ўғил-қизларимизни танлаган йўлидан оғдириш, уларнинг қалбига биз учун мутлақо бегона ва заарли бўлган қарашларни сингдириш, маънавий илдиз ва томирларимиздан жудо қилишдек ғаразли интилишлар яширингани бугун тобора аён бўлмоқда”⁶.

Дарҳақиқат, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай ахборот хуружи ва “оммавий маданият” никоби остидаги таҳдидлар мамлакат хавфсизлигига, халқимиз миллий манфаатларига катта зарар етказади. Пухта ўйланган бундай ғайришуурый ҳаракатлар соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин. Аслида вайронкор ғоялар билан яшайдиган ғанимларнинг муддаолари ҳам шу.

Мутахассислар фикрича, ахборотлашув жараёни жамиятдаги иқтисодий ҳамда ижтимоий-маданий ўзгаришларга жиддий таъсир кўрсатади. Чунончи, ғарб социологлари фикрига кўра, ахборотлашган жамият техника соҳасида – ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, таълим ва майший ҳаётга ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши, иқтисодий ҳаётда – ахборотнинг товарга айланиши, ижтимоий ҳаётда – ахборот турмуш, ҳаёт даражаси ўзгаришининг асосий омилига айланиши, сиёсий соҳада – кенг миқёсда фикр алмашишга замин яратувчи хилма-хил ахборотларни эркин олишга йўл очилиши, маданият соҳасида – ахборот алмашинуви давр эҳтиёжларига жавоб берадиган нормалар ва қадриятларнинг шаклланиши билан характерланади.

Айни пайтда ахборотлашган жамият:

– уйда ишлашнинг кенгайишига, транспорт ҳаракатининг камайишига ва бунинг оқибатида табиатга тушадиган “юқ”нинг кескин қисқаришига олиб келади;

⁶ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 6-7 б.

– иш кунининг қисқариши одамларнинг уйда қўпроқ бўлишига ва оилавий муҳитнинг барқарор бўлишига замин яратади;

– кейинги юз йилликларда кишилар шаҳар яшаш ва ишлаш учун энг қулай макон, деган хуносага келдилар. Ахборотлашув жараёни эса, қишлоқдан туриб ҳам бутун олам билан мулоқот қилиш, энг обрўли ташкилотларда ишлаш, шаҳар аҳолиси баҳраманд бўлаётган маданият ютуқларини истифода этиш имкониятини яратади. Бу эса, ўз навбатида нисбатан осуда ва тинч бўлган, табиатга яқин қишлоқларга қайтиш ёки у ерда доимий қолиш учун замин яратади;

– маълумотлилик кўп даражада инсоннинг ҳоҳиши-иродасига боғлиқ бўлиб қолади⁷.

Шу билан бир қаторда ахборотлашган жамиятда қатор муаммолар ҳам юзага келаверади. Маданият янгиликлари ҳақида гап кетганда телевизорда (айниқса Россия каналларида) намойиш этилаётган ҳаёсиз фильмлар ҳақида гапирмай бўладими? Ҳозирги пайтда кечаю-кундуз узлуксиз кўрсатувлар берилаётган каналларнинг бирида шунақа фильм тугаши билан иккинчисида янгиси бошланади. Миллион-миллион томошабинлар, айниқса ёшларнинг маънавий оламига беҳаё ёки ур-йикит, беаёв қон тўкиш каби манзаралар қай даражада таъсир кўрсатишини ҳам ўйлаб кўриш зарур.

Интернет орқали тарқатиладиган “порнографик” суратлар, ғайриинсоний лавҳалар ёшлар онгига салбий таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. “Оммавий маданият” никоби остидаги бошқа хуружлари ҳақида ҳам шундай фикр айтиш мумкин. Булар ўзига хос “санъат ахбороти” бўлиб, ёшлар онгига таъсир кўрсатиш даражаси анча юқори эканлигини унутмаслик даркор.

Жамиятимизда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бу борада аввало жамоатчилик фикрини теран ўрганиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда айтиш жоизки, жамоатчилик фикри давлат ва жамият хавфсизлиги ҳамда барқарорлигини таъминлашда жуда муҳим ўрин тутади. “Ривожланган мамлакатларда жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг умумий (оммавий ахборот воситалари, телевидение, реклама, шоу дастурлар) ва горизонтал (жамоат ташкилотлари, оила, норасмий лидерлар, корхоналар, партиялар) йўналишларига амал қилиб келади,— деб ёзади тадқиқотчи Дилдора Шукурова.— Бугунги кунда ахборот тарқатиш асосан, билвосита услублар орқали, яъни, санъат ва маданият, саноат маҳсулотлари, таълим тизими орқали амалга оширилмоқда. Ахборот хуружларига қарши кураш жамоатчилик фикри социологияси фанини

⁷ Каранг: Очилдиев А. Ахборот ва жамият тараккиёти. /Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурулиши академияси жорий архиви, 2006.

⁸ Шукурова Д. Ахборот ва жамият. //Миллий тикланиш, 2009 йил 29 июль.

⁹ Каранг: ўша мақола.

ривожлантиришни тақозо этади”⁸. Муаллиф таъкидлаганидек, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида ўтган беш йил мобайнида 103 та маҳсус социологик сўровлар ўтказилиб, 130 мингдан зиёдроқ киши тадқиқотларга жалб этилган⁹. Демакки, Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ёйиш орқали ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш борасида янада самарали натижаларга эришиш мумкин.

Ҳозирги қунда дунёга тарқатилаётган ахборотларнинг 80 фоизга яқини ривожланган давлатлар таъсири остида амалга оширилади. Глобал ахборот тармоқлари ривожланган давлатларга ўзига хос геосиёсий устунлик тақдим этибина қолмай, бу бошқа давлатларга нисбатан сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, маданий тажовузларни ташкил этишда қудратли кучга айланмоқда. Натижада кўплаб давлатлар, жумладан, юртимиз миллий хавфсизлиги, осойишталиги ва барқарорлигига турли таҳдид ва ахборот хуружлари амалга оширилмоқда. Демак, ҳаётимиздаги энг катта хавф – инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш йўлида давом этаётган мафкуравий кураш. Айрим қудратли давлатлар ўз мақсадларига эришиш учун ўзларининг мафкуравий таъсирини ўтказишга ҳаракат қиласидилар. Одамлар онгини бу тариқа қарам қилишларига қарши аввало санъат ва маданият ходимлари, шоиру адиллар, журналистлар дадил курашаётгани эътиборга моликдир. “Ижодий тафаккур – тараққиётнинг муҳим омили,— деб ёзади Ўзбекистон халқ ёзувчisi Пиримқул Қодиров.— Қай бир халқ ижодий тафаккурдан мосуво бўлса, таназзул гирдобига ботмоғи ҳам аниқ. Ана шу жиҳатдан, мамлакатимиз раҳбарининг ҳозирги вақтда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, “оммавий маданият” никоби остидаги заарли хуружлар таъсиридан фарзандларимизинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда илму фан ва маданият жамоатчилиги, ижод аҳлининг ўрни ва роли тобора ортиб бораётгани ҳақидаги фикри биз ижодкорларга улкан масъулият юклайди”¹⁰. Дарҳақиқат, миллий ўзликни асраш, бекиёс қадриятларимизни муҳофаза қилиш, ёш авлод онгини ёт ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ҳар бир ижодкор, санъаткор ҳамда маданият ходимининг доимий вазифасига айланган.

Аслида ўзаро ахборот алмашиб иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ва бошқа соҳаларда янада ривожланишга хизмат қиласиди. Глобаллашган дунёда ахборот алмашинуви тараққиётнинг муҳим омилига айланди. Маълумки, бир пайтлар оғзаки нутқнинг пайдо бўлиши

¹⁰ Жабборов Н. Буюк ўзгаришлар албатта буюк натижалар беради. Пиримқул Қодиров билан сұхбат. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2010 йил 23 апрель.

билин ахборот узатиш имкониятлари кенгайган бўлса, ёзма нутқ ривожи бу борада янги босқични бошлаб берди. Фан-техника тараққиёти глобаллашув жараёнини бекиёс даражада тезлаштириди. Энди радио, телевидение, матбуот, телефон, факс, почта, интернет орқали ҳар қандай ахборот ўта тезкорлик билан тарқатилиши жамият тараққиётига сўзсиз таъсир кўрсатмоқда. Шу ўринда, кимки ахборотга эга бўлса, у дунёга эгалик қиласи, деган фикр амалда ўз исботини топмоқда.

Маънавий неъмат бўлган ахборотни истеъмол қилиш ўзига хос томонлари билан ҳам ажralиб турди. Ахборот фуқаролар, жамият ва давлат томонидан истеъмол қилинади. Бу истеъмол жараёнлари бир-биридан фарқ қиласи. Айтайлик, бирон шахс учун қизиқарли бўлган маълумот, муайян ижтимоий қатлам ёки гуруҳ учун аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Шунингдек, ахборот макон ва замон хусусиятларига ҳам эга. Фарбда ўта оммабоп бўлган ахборот Шарқ ҳалқлари учун унчалик аҳамиятга эга бўлмаслиги оддий ҳол. Бироқ, ғарблеклар учун қизиқарли бўлган ахборотларнинг шарқликларга кўр-кўrona тиқиширилишидан кимлардир манфаатдор бўлиши мумкин. Ана шундай манфаатлар йўлида турли ахборотлар оқими юртимизга муттасил кириб келмоқда. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, “чет элдаги баъзи сиёsatчи ва арбоблар нафақат сиёsat ёки иқтисодиёт, балки маънавият бобида ҳам бизга ақл ўргатишга, азалий ҳаёт тарзимиз, руҳий дунёмизга ёт бўлган қарашларни мажбуран жорий этишга уринмоқда”¹¹.

Курраи замин ягона ахборот маконига айланган ҳозирги шароитда четдан кириб келаётган турли ахборотларнинг йўлига тўсиқ қўйиш имкони йўқ. У ҳолда нима қилмоқ керак, деган саволга муҳтасар жавоб шу: биз учун ёт, бузгунчи ва вайронкор ғояларга асосланган ахборотлардан кўзланган ғаразли мақсадларни онги эндиғина шаклланаётган ёшларга тўғри тушунириб, улар онгига мафкуравий иммунитетни муттасил ошириб бориш зарур. Бу борада ишни тўғри ташкил этиш учун интернет тизимидан самарали ва оқилона фойдаланиш, уни ўзимизнинг маълумотлар билан бойитиб бориш лозимдир. Бугун интернетда юртимиз ҳаёти билан боғлиқ маълумотлар камлиги ҳақида ҳам тўғри танқидий фикрлар айтилмоқда. Миллий қадриятларимиз, тарих ва меросимиз, бугунги фан, санъат ва адабиётимизнинг энг яхши намуналарини интернетга киритиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Баъзан “оммавий маданият” ниқоби остида миллий менталитетимизга ёт ғоялар тўхтовсиз кириб келаётгани ҳақида таассуф билан гапирилмоқда. Бундай оқимга қарши ўзимизга мос маълумотларни интернетга киритиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз

¹¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 11 б.

навбатида юртимиз ҳаётига оид нохолис маълумотларга жавобан ахборотларни глобал миқёсда тарғиб-ташвиқ этишга хизмат қилиб, ахборот хуружлариға қарши ўзига хос қалқон вазифасини бажаради. Айни вақтда бундай саъй-ҳаракатлар ахборот хуружлари таъсирини камайтириш ва миллий ахборот макони хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Айтиш жоизки, сўнгти йилларда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, интернет тармоғидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони, 2005 йил 16 ноябрдаги “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2005 йил 28 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг жамоат ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги “Маълумотлар узатиш миллий тармоғини ташкил этиш ва жаҳон ахборот тармоқларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги, 1999 йил 26 марта “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2002 йил 23 сентябрдаги “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2005 йил 22 ноябрдаги “Ахборотлаштириш соҳасида норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2005 йил 28 декабрдаги “Ziyonet” ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида”ги, 2006 йил 22 сентябрдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2007 йил 23 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2007 йил 17 декабрдаги “Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа шу каби хужжатлар амалда жамиятимизни замон талабларига мос равища ахборотлаштиришга хизмат қиласди.

Эндиликда инсоният ҳаётининг ҳеч бир соҳаси ахборот ва коммуникация технологияларидан четда қолиши мумкин эмас. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация

технологиялари масалалари қўмитаси бу соҳа ривожи учун хизмат қилувчи ҳукуқий базани такомиллаштириб бориш, мавжуд қонунларнинг ижросини назорат қилиш борасида қатор вазифаларни амалга оширмоқда¹². Бугун ҳалқимизнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи ҳақида сўз юритилганда “жамиятни бир тирик организм деб тасаввур қилсақ, оммавий ахборот воситаларини организмдаги қон томирларига, ахборотни эса – мана шу қон томирларида тўхтовсиз ҳаракатда бўладиган қонга ўхшатиш мумкин, – деб ёзади Хуршид Дўстмуҳаммад.– Замонавий инсоннинг маънавий-мафкуравий, фуқаро сифатидаги тириклиги, соғломлиги ва унинг ахборот билан нечоғли тўкис таъминланганлиги билан белгиланади”¹³.

Кишилар психологик таъсирларига турли даражада мойил бўладилар. Бу нарса шахсларнинг ёш хусусиятларига, индивидуал психологик ўзига хослигига, ҳаётий тажрибаларига боғлиқ бўлди. Ҳаётий тажрибалари, олган билимлари ортиб борган сари инсоннинг уқтиришларига бўлган мойиллиги камайиб боради. Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, уқтиришларга ҳар қандай киши чалинади, улар орасидаги фарқ бегона фикр ва мақсадларнинг сингдирилиш тезлигига бўлади. Уқтиришга мойиллик маъсулиятсизлик, журъатсизлик, ишонувчанлик, безовталик, ҳаёлпрастлик, тақлидчиликка мойиллик, иримчилик каби психологик жиҳатларни кучайтиради.

Кўлланиладиган ахборот техникасига кўра бир неча ахборий-психологик таъсир омилларини ажратиш мумкин:

- оғзаки, шу жумладан овоз ва шовқин-суронларни кучайтирувчи акустик воситаларни қўллаш билан бўладиган таъсир;
- нашриёт маҳсулотларини қўллаш билан бўладиган таъсир;
- телевидение ва радиоалоқалардан фойдаланиб ўtkизиладиган таъсир.

Глобаллашган мафкура майдонларида “ахборот хуружлари”га қарши курашда айниқса оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига фоят улкан масъулият юкланишини ҳам тўғри англамоқ лозим.

Айтиш жоизки, ахборот асрида жамият тараққиёти ахборотсиз амалга ошмайди. Демак, жамият қанчалик тараққиётга эришиши унинг қай даражада ахборотлашгани билан боғлиқ. Инсоний мезонларга, миллий манфаатларга хизмат қиладиган бундай ахборотлашган жамиятга четдан уюштириладиган ахборот хуружларининг таъсири ҳам унчалик бўлмайди.

Назорат учун саволлар:

¹² Қаранг: Ўсаров О. Ахборотлашаётган жамият талаблари: конун, ижро, масъулият. //Ўзбекистон матбуоти, 2008 йил 3-сон, 7-9 б.

¹³ Дўстмуҳаммад Х. Глобаллашув даври ва ахборот макони. //Ўзбекистон матбуоти, 2007 йил 3-сон, 12-14 б.

- 1. Ахборотлашган жамият деганда нимани тушунасиз?*
- 2. Қайси қонунлар мамлакатимизни ахборотлаштиришига хизмат қиласы?*
- 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 3 июлдаги “Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни тақомиллаштириши тўғрисида”ги Фармони аҳамиятини айтиб беринг.*
- 4. Жамиятимиз учун ёт бўлган ахборотларнинг таъсирини пасайтириши учун нималарга эътибор қаратиш зарур?*
- 5. Ахборот хуружлари қандай амалга оширилади ва унинг ортида қандай мақсадлар турибди?*
- 6. Ахборотлашув жараёни жамиядаги иқтисодий ҳамда ижтимоий-маданий ўзгаришларга қандай жиҳдий таъсир кўрсатади?*
- 7. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашда жамоатчилик фикри қандай ўрин тутади?*
- 8. Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет тармоғидан фойдаланиши борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?*

Асосий тушунчалар

Ахборот мулкдори – ўз маблагига ёки бошқа қонуний йўл билан олинган ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни масарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

Ахборотни муҳофаза этиши – ахборот борасидаги хавфсизликка таҳдиодларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиши чора-тадбирлари;

Ахборот ресурси – ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси;

Ахборот соҳаси – субъектларнинг ахборотни яратиш, қайта ишилаш ва ундан фойдаланиши билан боғлиқ фаолияти соҳаси;

Оммавий ахборот – чекланмаган доирадаги шахслар учун мўлжалланган ҳужжатлаштирилган ахборот, босма, аудио, аудиовизуаль ҳамда бошқа хабарлар ва материаллар;

Махфий ахборот – фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйиладиган ҳужжатлаштирилган ахборот;

Ахборот технологияси – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жамии услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар;

Ахборот тизими – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиши имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жамии ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари;

Ахборотлаштириши – юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириши учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни;

Жамиятни ахборотлаштириши – ахборотлаштириши соҳасидаги давлат сиёсати.

Мафкуравий бўйлиқ – жамиятга зарур ахборотлар етарли даражада етказилмаган тақдирда одамлар онгида пайдо бўладиган гоявий, мафкуравий бўйлиқ ҳолати.

З-мавзу:
АХБОРОТ ГЛОБАЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА
МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Ахборот соҳасида дунё миқёсида юз бераётган глобаллашувнинг ижобий ва салбий жиҳатлари жуда кўп. Ушбу жараённи ўрганар эканмиз, аввало, глобаллашув нима, деган саволга жавоб топишга ҳаракат қиласиз.

Глобал, французча – *global*, яъни, умумий, лотинча – *globus*, яъни, шар деган маъноларни англатади. Уни кенг маънода, биринчидан, бутун ер шарини қамраб оловчи, иккинчидан, ҳар томонлама, тўлиқ, ялпи, универсал¹ деб тушуниш мумкин.

Шундан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, глобаллашув – кишилик жамиятидаги маҳаллий аҳамиятга молик ахборот, маданий, иқтисодий, геосиёсий маконларнинг бир тизимга бирлашуви жараёнидир. Ер шарининг турғун транспорт йўллари билан бирлаштирилиши, ахборот технологиялари ривожланиши натижасида ахборотнинг бир зумда бутун дунёга тарқалиши глобаллашувнинг ўзига хос кўринишлари, дейиш мумкин.

Глобаллашув жараёнини кузатсангиз, ўз-ўзидан қатор глобал муаммолар кўзга ташланади. Яъни, ҳозирги замонда жаҳон термоядро урушининг олдини олиш, халқаро террорчиликка қарши кураш ва барча халқлар учун тинчликни таъминлаш, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасидаги тафовутни бартараф этиш, очлик, қашшоқлик ва саводсизликни тугатиш, атроф муҳит ҳалокатли тарзда ифлосланишининг олдини олиш, инсониятни зарур ресурслар – озиқ-овқат, саноат хомашёси, энергия манбалари билан таъминлаш, фан ва техника тараққиёти салбий оқибатларга олиб келишига йўл қўймаслик² каби муаммолар киради. Бундай муаммолар ҳақида жаҳон аҳли тезкорлик билан ахборотга эга бўлаётганини ахборот соҳасидаги глобаллашувнинг ўзига хос кўриниши дейиш мумкин. Бу жараённи илмий жиҳатдан ўрганар эканмиз, амалиётда қанчалик муҳим ўрин туваётганини теран англаймиз. “Ана шундай глобаллашув феномени ҳақида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Умумий нуқтаи назардан қараганда, бу жараён мутлақо янгича маъно-мазмундаги хўжалиқ, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда,— деб таъкидлайди

¹ Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. З-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 39 б.

² Қаранг: ўша манба, ўша жойда.

давлат раҳбари.– Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак – бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва худудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас. Шу маънода, глобаллашув бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демақдир”³.

Глобаллашув жараёнининг ижобий ва салбий жиҳатлари анчагина. Зеро, давлатлар ва халклар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда бу жараён ғоят муҳим ўрин тутади. Айниқса, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, илм-фан ютуқларидан ҳамманинг бирдек баҳраманд бўлиши, янгиликлар ва бошқа муҳим ахборотлар тезлик билан тарқалиши ижобий ҳолдир. Турли муаммоларни ҳал этиш, айтайлик, табиий оғатларни бартараф қилиш, оғир аҳволга тушиб қолганида мамлакатларнинг бир-бирига ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятлари глобаллашув жараёнида янада юқори даражага кўтирилиши табиий ҳолга айланган.

Инсониятнинг шундай мўъжизакор ютуқларидан ҳам баъзи бузғунчилар салбий мақсадларда фойдаланаётганлари таассуфли ҳолдир. “Айни пайтда ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини таркибий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак мэрраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва заарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўрамиз,— деб таъкидлайди Юртбошимиз.– Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тифиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган ҳалқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас”⁴.

Миллат тараққиёти ҳақида сўз борганда қадимдан буюк аждодларнинг интеллектуал салоҳияти юксалишида ғоя муҳим ўрин тутгани маълум. Буни биргина бебаҳо маънавий хазинамиз “Авесто”нинг туб моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” ғоясидан ҳам билса бўлади. Айни пайтда глобаллашув жараёнида миллий ғоя мафкуравий таъсир ўтказишнинг асосий

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 111 б.

⁴ Каранг: ўша асар, 112-113 б.

қуролига айланган. Айтиш жоизки, глобаллашувнинг жадаллашуви шароитида миллий маънавият мавжудлигининг ўзи етарли эмас, унда ташки таҳдидларга қарши қаратилган ички руҳий қудрат, унинг амал қилиши ва фаолият кўрсатиши ҳам зарур бўлади⁵.

Инсон табиатидаги қизиқ бир ҳолат азал-азалдан кузатилади. Яъни, қачон ва қаердаки бирор ижобий ҳодиса юз берса, унга қарши кушандалар ҳам пайдо бўлаверган. Айтайлик, диний қадриятлар, илм-фан ютуқлари, адабиёт, санъат ва маънавият ҳам инсониятни глобаллаштиришга хизмат қилишини изоҳлашга ҳожат йўқ. Зоро, бугунги кунда тараққиётимизга тўғаноқ бўлаётган муаммолар ҳақида давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлардан ҳам англаш мумкин: “Жаҳоннинг турли нуқталарида ҳамон давом этаётган урушлар ва қарама-қаршиликлар, сақланиб қолаётган давлатлараро, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар, Мингийиллик ривожланиш декларациясида таъкидланганидек, қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, эпидэмиялар ва инсониятнинг бошқа муаммоларига қарши кураш борасидаги энг жиддий тўсиқлар бўлиб қолмоқда”⁶.

Бугунги глобаллашув жараёнларида бузғунчилар дунё тинчлигига ва осойишталигига, умумбашарий ва миллий қадриятларга рахна солаётганлари турли соҳаларда ва турфа жабҳаларда намоён бўлаётир. XXI аср бошларига келиб мамлакатлар ўртасидаги ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, бу жараёндан тўла ихоталаниб олган бирорта ҳам давлат йўқ, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин. Глобаллашув шундай жараёнки, ундан четда тураман, деган мамлакатлар, аксинча, унинг таъсирига кўпроқ учраб қолиши мумкин. Бундай ғайри ихтиёрий таъсир эса кўпинча салбий бўлади.

Айрим мутахассислар фикрича, глобаллашув жараёнининг ягона таърифи йўқ. Ҳатто унинг мазмун-моҳиятини тўла акс эттирадиган концепция ҳам яратилмаган. Мазкур жараённинг энг умумий жиҳатлари ҳақида шундай фикрлар илгари сурилган:

Биринчидан, XX аср иккинчи ярмига хос асосий технология – ядро қуролини ишлаб чиқариш билан боғлиқ эди. Глобал давр технологиялари эса телевидение, реактив самолёт, космик йўлдош, компьютер, уяли телефон, интернет каби алоқа воситалари билан белгиланади.

Иккинчидан, инсониятнинг глобаллашув даврига қадам қўйгани коммунистик ғоя, мафкура ва сиёсатнинг таназзули ва шунинг натижасида либерал-демократик қадриятлар ғалабасини англатади⁷.

⁵ Қаранг: Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. –Т.: Янги аср авлоди, 2008. – 170 б.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммити мингийиллик ривожланиш мақсадларига бағишлиланган ялпи мажлисидаги нутқи. //Халқ сўзи, 2010 йил 21 сентябрь.

⁷ Қаранг: Зокиров Б. Глобаллашув зиддиятлари. //Тафаккур, 2004 йил, 1-сон, 28 б.

Глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказаётган таъсири ҳам турлича. Бу ҳол дунё мамлакатларининг иқтисодий, ахборот, маънавий салоҳиятлари ва сиёсати қандай экани билан боғлиқ. Дунёда юз бераётган шиддатли жараёнларнинг ҳар бир мамлакатга ўтказаётган салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирини кучайтириш учун шу ҳодисанинг моҳиятини чуқуррок англаш, унинг хусусиятларини ўрганиш лозим. Бу ҳодисани чукур ўрганмай туриб унга мослашиш, керак бўлганда, унинг йўналишини тегишли тарзда ўзгартириш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессори Абдуллажон Бегматов қайд этишича, айрим мутахассислар глобаллашувни турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайиши деб таърифлайдилар. У француз тадқиқотчиси Б.Бандининг глобаллашув жараёни ҳақидаги қўйидаги фикрларини келтиради:

Глобаллашув – муттасил давом этадиган тарихий жараён;

Глобаллашув – жаҳоннинг гомогенлашуви ва универсаллашуви жараёни;

Глобаллашув – миллий чегараларнинг “ювилиб кетиш” жараёни.

Бу таърифларда келтирилган глобаллашув жаҳонда юз бераётган турли жараёнлар билан боғлиқдир.

Шу ўринда муаллиф глобаллашувнинг мамлакатлар иқтисодий сиёсати ва маънавиятига ўтказиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсири ҳақида сўз юритар экан, Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Маҳатма Гандининг қўйидаги сўзларини таъкидлайди: “Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман”.

Глобаллашувнинг ўзи мураккаб жараён экани, унинг турли мамлакатлар иқтисоди, сиёсати ва маънавиятига ўтказаётган таъсири яна ҳам мураккаб бўлгани сабабли унга нисбатан ҳам жаҳонга бир-бирига нисбатан қарама-қарши бўлган икки гурух: глобалистлар ва аксилглобалистлар гуруҳлари вужудга келди.

Глобаллашув тарафдорлари глобалистлар, деб аталади. Улар орасида давлат арбоблари, сиёсатдонлар, саноатчи ва бизнесменлар кўпроқ учрайди. Глобаллашув мухолифлари эса аксилглобалистлар номини олган бўлиб улар орасида кўпроқ сўл кучлар, касаба уюшмалари ва ёшлар ташкилотининг вакиллари бор. МДҲ худудида аксилглобалистлар Россия Федерацияси худудида фаол ҳаракат олиб

бормоқдалар. Бу ерда улар турли анжуманлар, семинарлар ўтказиши учун тўпланиб турадилар.

XX аср ўрталарида глобаллашувнинг институционаллашуви, яъни ташкиллашуви кучайгандан кейин бу жараённинг ўзи ҳам кескин тезлашди ва кучайди. Институционаллашувнинг кучайганини Бутунжаҳон савдо ташкилоти, Халқаро Валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тараққиёти ва тикланиш банки улкан ташкилотларнинг вужудга келгани мисолида ҳам кўриш мумкин⁸.

Тахлил шуни кўрсатадики, глобализм тарафдорлари ҳам, душманлари ҳам асосий эътиборни иқтисодиёт соҳасига қаратишади. Глобаллашувнинг маънавиятга таъсири ва маънавий глобаллашув масалалари социология, фалсафа каби фанларда ўз аксини топиши зарур. Бинобарин, қандайдир ёт ғоялар, оқимлар ва мафкуралар маънавиятимизга вайронкор таъсир ўтказишига йўл қўйиб бўлмайди. Четдан ўтказиладиган ҳар қандай мафкуравий таъсирга қарши ҳимоя чоралари кўришдан аввал қандай таъсирлар ижобий маъно касб этади-ю, қайсилари ортиқча эканлигини аниқлаб олиш зарур.

Ҳозирги кунда бирорта миллий маънавият йўқки, у бошқа халқлар маънавиятидан тўла ихоталанган бўлса. Ўрта Осиё халқлари маданияти ва маънавияти ҳам Шарқ ва Ғарбни туташтирган карvon йўлларида жойлашгани сабабли ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданиятидан баҳраманд бўлган⁹.

Муҳими шундаки, халқимиз Ғарб ва Шарқ маънавиятидан баҳраманд бўлиб уларнинг ижобий томонларини ўзлаштирибина қолмай, уларга ижодий ёндашиб янги чўққиларга қўтарилиди. Бу фикрнинг тасдифини маънавиятнинг таркибий қисмлари бўлган илмий билимлар, диний эътиқод, санъат дурдоналари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Айрим мутахассислар глобаллашувни аниқ воқеликларга таянган ҳолда изоҳлайдилар¹⁰. Ундан келиб чиқадиган хулосаларни изоҳлаш мумкин:

1. Ғоялар ва маданият соҳасидаги глобаллашув.

Ягона ахборот маконида илғор ва инсонпарвар ғоялар ўзаро яқинлашиб бораверади. Маданият соҳасида ҳам умумбашарий ғоялар глобаллашиб бораётгани кузатилмоқда. Бу борада Ўзбекистон дунё тараққиётига хизмат қилаётган ҳамда миллий маданиятимизга мос келадиган маданий бойликларга алоҳида эътибор билан қарайди. Яъни,

⁸ Каранг: Бегматов А. Глобаллашув, миллий маънавият ва ахборот тизимлари. /Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жорий архиви, 2006.

⁹ Каранг: Ўша манба, ўша жойда.

¹⁰ Каранг: С.Сафоев. Глобаллашув шароитида миллий хавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари. /Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жорий архиви, 2006.

¹¹ Каримов И.А. Энг асосий мезон – хаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 7-8 б.

турли ривожланган давлатлар билан маданий алоқаларини муттасил ривожлантириб бораверади.

2. Ахборот ва коммуникация соҳасидаги глобаллашув.

Дунё аллақачон ягона ахборот маконига айланган. Бунинг қатор ижобий жиҳатлари борлигини инкор этмаган ҳолда айрим салбий жиҳатларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Яъни, жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солувчи мисли кўрилмаган янги-янги хавфлар пайдо бўлмоқда. Кўпинча айрим ахборот воситалари уюшган жиноятчилар, террорчилар қўлида жуда хавфли қуролга айланиб қолмоқда. “Бунинг тасдиғини ён-атрофимизда, дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида юз бераётган воқеалар, айрим сиёсий кучларнинг сохта ғоя ва мафкураларни олдинга суриш орқали ўзлари кўз тиккан мамлакатларни таъсир доирасига олиш ва ўзига тобе қилиш, халқаро майдонда икки хил стандартларни ишга солиб, керак бўлса, куч ишлатиб, узоқни кўзлаган стратегик мақсадларини зўравонлик билан амалга оширишга қаратилган уринишлари мисолида кузатиш мумкин,— деб ёзади Президент Ислом Каримов.— Такрор-такрор айтишга тўғри келади – бундай кучлар ўз мақсадларига етиш учун шундай маккор усул-услуб ва замонавий ахборот технологияларини ишлатмоқдаки, уларнинг тазиикларига дош бериш, бундай хуружларнинг никоби ва сир-асрорини очиб ташлаш, асл ниятларини англаш – бу ўта оғир ва мушкул вазифа бўлиб, уни адo этиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди”¹¹. Ахборот соҳасидаги глобаллашув жараёнида энг муҳими, ана шундай ахборот хуружларига қарши аввало ёшларда етарли даражада мафкуравий иммунитетни ошириб бориш фақат ижобий самара бериши мумкин.

3. Иқтисодий глобаллашув.

Технологияларнинг тараққий этиши жаҳон иқтисодий тизимининг ягона комплекс сифатида фаолият олиб бориш имкониятларини кенгайиши учун шарт-шароит яратди. Бу глобаллашувнинг ҳам ўзига яраша ижобий жиҳати билан бир қаторда салбий томонлари ҳам йўқ эмас. 2008 йилда бутун дунёни ташвишга солган жаҳон молиявий инқирози деярли бирор мамлакатни четлаб ўтмади...

4. Геосиёсий глобаллашув.

“Геосиёсий” сўзининг луғавий маъносини – географик сиёсий, деб талқин этиш мумкин. Яъни, бирор мамлакатнинг ўрни, чегаралари, иқлими ва бошқа географик омилларининг давлат ташқи сиёсатига (географик-сиёсий стратегияси ва х.к.га) муайян таъсирини ифодалаш учун ишлатилади.

Геосиёсийга оид илмий қарашларга давлатнинг географик жойлашуви (макони) билан унинг ички ва ташки сиёсати ўртасидаги уйғунлик принципи асос қилиб олинади¹².

Мутахассислар фикрича, геосиёсий ва геоиктисодий омиллар ийғиндиси глобаллашувнинг қатъий, ашаддий мухолифларини вужудга келтирмоқда. Айрим ривожланган мамлакатлар глобаллашув жараёнининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, “менежери” бўлишга интилмоқда¹³.

XX аср охирларида Марказий Осиёда янги мустақил давлатлар ташкил топиши ва уларнинг жаҳон иқтисодий алоқаларига қўшилиши жаҳонда глобаллашув мисли кўрилмаган даражада равнақ топган даврга тўғри келди. Бу жараёнда эса дастлабки йилларда қатор муаммолар ҳам пайдо бўлгани сир эмас. Хўш, бу борада халқаро ташкилотларнинг ўрни қай даражада бўлмоқда, деган ҳақли саволга жавоб ахтарамиз. Сиёсатшунос Улуғбек Саидов бу масалада шундай ёзади: “Халқаро ташкилотлар, олим ҳамда мутахассисларнинг глобал миқёс касб этган муаммо ва зиддиятларга жиддий эътибор қаратадигани уларнинг ҳал этилишида муайян умидворлик уйғотади. Аммо илгари сурилган ғоялар, қабул қилинган кўплаб қарор ва дастурларга қарамай, дунё ҳалокатли йўлдан боришни давом эттиряпти. Бунинг кўп сабаблари бор. Жумладан, дунёдаги кенг жамоатчиликнинг инсоният келажаги, умуман, ер сайёрасига хавф solaётган глобал таҳдидлардан огоҳ эмаслиги ёки уларни етарли даражада ҳис этмаётгани ҳамда ҳокимиятни эгаллашдан бошқа муаммони ўйламаган айрим сиёсий арбобларнинг, фойда кетидан қувган бизнесмен ва тадбиркорларнинг, ўз ташвишидан бошқа нарсалар билан қизиқмаган оддий одамларнинг масъулиятсизлигини тилга олиш мумкин”¹⁴. Аслини олганда, бугунги кунда бирор масъул шахс ё фаол фуқаролик позициясига эга бўлган инсон глобаллашув жараёнларидан четда бефарқ туриши мумкин эмас. Бу жараён жамият тақдирига ўз таъсирини ўтказяптими, демак, шунга яраша фаол ҳаракат қилиш ҳаётимиз мезонига айланиши зарур.

Глобаллашув жараёнида дунё миқёсида пайдо бўлган хавф-хатарлардан асло кўз юмиб бўлмайди. Бу муаммолар қуйидагича:

1. Халқаро терроризм. Минтақада халқаро терроризмнинг фаоллашуви ҳам ички, ҳам ташки омиллар билан боғлиқ.
2. Диний экстремизм. Юртимиз осойишталигига рахна соладиган диний экстремизм илдизларини аниқлаш, уни моддий ва бошқа жихатлардан доимо қўллаб-қувватлайдиган манбаларини топиш.

¹² Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – 643 б.

¹³ Қаранг: С.Сафоев. Глобаллашув шароитида миллий хавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари. /Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси жорий архиви, 2006.

¹⁴ Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулокот. –Т.: Академия, 2008. – 25-26 б.

3. Халқаро наркобизнес. Терроризм ва диний экстремизм билан мунтазам ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган наркобизнес аввало уларни маблағ билан таъминлашга хизмат қилади. Шу ўринда наркоаггрессия – гиёхвандлик моддалари ва наркобизнесга қарам бўлиб қолган жамиятларни вужудга келтириш мақсадида изчил ҳаракатлар тушунчаси шундан келиб чиқади¹⁵.

Глобаллашув жараёнида жамиятимизга бундай иллатлар гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тарзда кириб келишини унутмаслик лозим.

Шуни айтиш жоизки, баъзи умумбашарий ғоялар миллий маданият ҳамда маънавиятни янада бойитишга хизмат қилади. Умуман олганда, маънавий олам ўзаро таъсирлар жараёнида ривожланади. Буни юртимиз истиқлолга эришганидан бўён маданий, маънавий ҳаётимизда юз берган ўзгаришлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бир асрлик ўтмишишимизга назар ташласак, XX аср бошларида ўзбек адабиётида драматургия жанри ҳали шаклланмаган эди, демак миллий театр санъатининг аҳволи ҳам шунга яраша эди. Мунаввар қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Фитрат сингари маърифатпарварларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли драматургия жанри шакллангани ва шунинг баробарида миллий театр санъати ривожланиш босқичлари бошлангани яхши маълум. Собиқ мустабид тузум даврида миллий қадриятлар ва маданиятни ривожлантиришга йўл қўйилмаган бўлса-да, ҳалқимиз урф-одатлари ва анъаналари замирида ана шу қадриятлар сақланиб қолди. Юртимиз мустақиллиги шарофати билангина бу қадриятлар чинакам қадр топмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, глобаллашув жараёнида миллий маънавиятга қарши турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун энг самарали восита – миллий истиқлол ғояси, ёшлар онги ва қалбида мафкуравий иммунитетни тобора ошириб боришидир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар рухида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. “Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир,— деди давлат раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузасида.— Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёхвандлик, ахлоқсизлик,

¹⁵ Қаранг: С.Сафоев. Глобаллашув шароитида миллий хавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари. /Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси жорий архиви, 2006.

четдан кириб келаётган ҳар хил заарли таъсирлардан, “оммавий маданият” никоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор”¹⁶. Шу ўринда айтиш жоизки, ахборот технологияларининг бу тахлит тезкорлик билан ривожланиб бориши натижасида бошқариш ва саралаш анча мушкул бўлган ахборот оқими вужудга келмоқда. Ахборот соҳасидаги глобаллашув ўзига хос кураш майдонига айланган. Ҳозирги пайтда жаҳонда 20 га яқин давлатда ядро қуроли ишлаб чиқариш ҳаракатлари давом этаётган бўлса, 120 га яқин мамлакатда “ахборот хуружи” уюштирилаётгани ташвишли ҳолдир. Бу ахборий тажовузлар миллат руҳига, инсоният тараққиётига сўзсиз салбий таъсир кўрсаттиши турган гап. Зотан, “глобаллашув жараёнида миллатни сақлаб қолишининг ўзи ҳам бошқа глобал муаммолар тизимида янги глобал муаммога айланади,— деб ёзади профессор Садулла Отамуродов.— Уни сақлаб қолиш иқтисодий омилларга эмас, балки маънавий омилларга бориб тақалаверади. Миллатнинг ботиний ва зоҳирий қиёфасини сақлаб қолиш йўли билангина унинг мустақил омил сифатидаги имкониятларини мустаҳкамлаш мумкин бўлади”¹⁷. Бу муаммони ижобий ҳал этиш йўлида улкан вазифаларни ҳал этиш заруратга айланиб бораверади. Пировардида, миллат маънавий олами, унинг асл қиёфаси сақлаб қолиниши мумкин. Демак, ахборот соҳасидаги глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда мамлакат миллий хавфсизлигига, миллий қадриятларга, миллат руҳиятига таҳдид солиш хавфи ҳам борлигини доимо ёдда тутиш ва унга қарши ёшлар қалбида мафкуравий иммунитетни ошириб бориш ҳаётий заруратга айланмоқда.

Назорат учун саволлар:

- 1. Глобаллашув деганда нимани тушунасиз?***
- 2. Глобаллашув жараёнида қандай глобал муаммоларни биласиз?***
- 3. Глобаллашув жараёнининг ижобий ва салбий жиҳатларини кўрсатинг.***
- 4. Маънавий қадриятларидан бири бўлган муқаддас китобимиз Қуръони каримда жсанжал-баҳс қилгувчиларга қандай таъриф берилади?***
- 5. XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро таъсир қай даражсада намоён бўла бошлади?***
- 6. Глобал давр технологиялари деганда нималарни тушунасиз?***

¹⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустахкам пойдевордир. //Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

¹⁷ Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. –Т: Янги аср авлоди, 2008. – 41 б.

Асосий түшүнчалар

Глобал (французча – *global* — умумий, лотинча – *globus* — шар) – 1) бутун Ер шарини қамраб олувчи; 2) ҳар томонлама, түлиқ, ялпи, универсал.

Глобал муаммолар - умумбашарий ҳаёт ва тараққиёт билан боғлиқ ҳозирги замон муаммолари. Улар жумласига жаҳон термоядро урушининг олдини олиш, халқаро террорчилликка қарши кураш ва барча халқлар учун тинчликни таъминлаш кабилар киради.

Глобал давр технологиялари – телевидение, реактив самолёт, космик йўлдош, компьютер, уяли телефон, интернет каби алоқа воситалари.

Глобалистлар – глобаллашув тарафдорлари.

4-мавзу:
**ШАХС, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИНГ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК
ХАВФИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**

Жамиятда ахборот-психологик хавфизлигни таъминлашда аввало четдан ахборот хурожи қиладиганларнинг “объекти”ни аниқлаб олиш мухимдир. Улар биринчи галда буюк аждодларга, шахсларга тарихимизга, жамиятга, маънавий қадриятларимизга, давлат сиёсатига қарши турли уйдирмалар ва бўхтонлар уюштирадилар. Демакки, ёш авлод онгида тарихимизга ва бошқа маънавий қадриятларимизга қарши ғайришуурий фикрлар уйғотишга ҳаракат қиладилар. “Кези келганда илгари айтган бир фикримни тақоррламоқчиман: бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлдими, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади,— деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари.— Ҳозирги кунда ким кўп – ана шундай маънавий бўшлиқни тўлдиришга уринадиган, шунинг ҳисобидан ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширишни ўйлаб юрганлар кўп. Минг афсуски, бу кучларнинг асл қиёфаси, мақсад-муддаолари ва имкониятларини тўла ва аниқ-равshan тасаввур қилиш осон эмас. Нега деганда, улар кўпинча турли никоблар, жозибали шиор ва ғоялар пардаси остида иш кўради. Бундай кучларнинг ихтиёрида жуда катта моддий, молиявий ресурслар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, уларнинг пухта ўйланган, узоқ ва давомли ёвуз мақсадларига хизмат қилмоқда”¹.

Жамиятда маънавий бўшлиқ бўлишини пойлаб юрадиган ва кези келганда унга вайронкор ғояларини тиқиширишга ҳаракат қиладиган бузғунчилар қай йўсинда таҳдид қилишлари кундай равshan бўлиб қолган. Таҳдидлар биринчи галда шахс, жамият ва давлатга қарши қаратилган бўлади. Сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, маданий, экологик, миллий масалаларда ҳам ички ва ташқи таҳдидлар сезилиб туради. Давлат ва нодавлат ташкилотларига, оммавий ахборот воситаларига, маънавий қадриятларга нисбатан амалга оширилаётган таҳдидлар ҳам жуда кўп.

Интернет дунёни ягона ахборот маконига айлантирган ҳозирги даврда тўғридан-тўғри давлат, жамият ва шахсга қаратилган таҳдидлар кўпайиб кетмоқда. Уларнинг таъсир кўрсатиш йўллари хилма-хил. Айниқса, тарихий шахсларга маънавий таҳдид қилишда турли усууллардан фойдаланилмоқда.

Собиқ мустабид тузум даврида буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темурга нисбатан жуда кўп адолатсизликлар қилингани сўнгги

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 12 б.

йилларда яратилган тарихга оид китобларда атрофлича ёритилган. “Минг афсуски, кўп йиллар давомида мустабид босқинчи мафкура даврида бизни Амир Темурдек буюк бобокалонимиздан, бой ўтмишишимиздан айириб, халқимизнинг маънавиятини, ғурурини, ифтихорини ерга урмоқчи бўлдилар,— деган эди Юртбошимиз 1996 йил 18 октябрь куни Шахрисабз шаҳрида Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида.— Юртимизда, жумладан, Шахрисабзда бевосита Соҳибқироннинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган тарихий обидалар харобага айлантирилди. Ҳатто ул зот ва авлодларининг қабр-мақбаралари ҳам “илмий тадқиқотлар” ниқоби остида талон-тарож этилди, топталди”². Шунга қарамай азалдан маънавияти юксак халқимиз улуғ аждодларининг табаррук номларини, бетакрор ишларини ва авлодларига қолдирган бой меросларини ҳамиша муқаддас билиб келди. Эл қалбida эъзозланиб келган буюк зотга нисбатан тарихий адолат тикланди! Бу улуғ сиймога нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳондаги турли мамлакатларда ҳам катта эътибор билан қаралмоқда! Юртимиз мустақиллиги шарофати билан Шахрисабзда, Самарқандда ва Тошкентда Амир Темурнинг улуғвор ҳайкаллари қад ростлади. Пойтахтда буюк бобокалонимизнинг муҳташам музейи барпо этилди. 1996 йилда Соҳибқироннинг 660 йиллиги юртимизда катта тантана қилинди. Шу билан бир қаторда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Париждаги қароргоҳи – ЮНЕСКОнинг муҳташам саройида ҳам юксак эҳтиром билан нишонланди. Амир Темурга нисбатан тарихий адолатни тиклашда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бош ташаббускор ва ташкилотчи бўлгани байни ҳақиқат³.

Атоқли адид Пиримқул Қодировнинг “Амир Темур сиймоси” илмий бадиасида буюк бобокалонимизга нисбатан турли йилларда кўплаб уйдирма ва бўхтонлар бўлгани атрофлича ёзилган. Уларни ўз номи билан тарихий шахсга нисбатан “ахборот хуружи”, деб аташ мумкин. Жумладан, Ибн Арабшоҳнинг “Темур тарихида тақдир ажойиботлари”, М.Брюннинг “Мен жаҳонни очган Темурман”, 1992 йилда Москвада босилиб чиқсан “Тамерлан”, инглиз адибаси Хильде Хуккемнинг “Етти иқлим султони”, А.Ю.Якубовскийнинг “Темур” деб номланган китобларида ҳақиқатга тўғри келмайдиган хаёлий уйдирмалар кўп учраши, академик В.В.Бартольдинг айрим сўзларида Амир Темурни “саводсиз бўлган” деган гаплари қанчалик асоссиз эканлиги “Амир Темур сиймоси” китобида теран илмий таҳлиллар воситасида очиб берилган.

² Каримов И.А. Амир Темур ҳакида сўз. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 38 б.

³ Каранг: Қодиров П. Амир Темур сиймоси. –.: Ўзбекистон, 2007. – 103 б.

⁴ Қодиров П. Амир Темур сиймоси. –.: Ўзбекистон, 2007. – 9 б.

Таассуфки, буюк бобокалонимизга нисбатан уйдирмалар, сохта гаплар ҳанузгача давом этмоқда. “Сўнгги асрларда пайдо бўлган баъзи китобларда Тарағай баҳодирнинг номини “Тўрғай” деб ёзиш ҳоллари ҳам учрайди. Бу ҳеч бир мантиққа тўғри келмайди,— деб ёзади муаллиф.— Тўрғай — кичкина сайроқи қуш. Баҳодирлар авлодидан бўлган амирга бундай нисбат бериш тўғри эмас. Туркий тилда Тарағай сўзи “нурдай таралсин, кўпайсин, катта ҳудудларни эгалласин” деган маъноларни билдиради”⁴. Бундай тилаклар ижобат бўлишига урғу берган адиб шу ўринда Амир Темур ўзининг суюкли невараси Улуғбекка дастлаб Тарағай деб исм қўйганини ҳам эслатиб ўтади.

Тарихий шахсларнинг номларини “ахборот хуружи”дан ҳимоя қилишда зарур факт ва далиллар билан кўрсатиб бериш мақсадга мувофиқдир. Атоқли адиб Пиримқул Қодиров Соҳибқироннинг тарихий ғалабаси билан бугунги тенгсиз истиқлолимизни шундай муқояса қиласи: “Энг баланд тоғ чўққиси ана шундай баланд чўққидан кўзга аниқроқ кўринади. Биз ҳам Амир Темур етакчилигига халқимиз эришган мустақилликнинг нақадар юксак қадрият бўлганини Ўзбекистон истиқлоли йилларида яққол кўрдик”⁵. Демак, буюк аждодларимизга, бошқа шахсларга қилинадиган турли ахборот хуружларига қарши курашда атоқли адибларимизнинг мана шундай тажрибаларидан ҳам ибрат олиш мақсадга мувофиқдир.

Тарихий шахслар ҳақида тарихчилар, шоирлар кўплаб асарлар яратиши ўзига хос анъана бўлиб келган. Шу билан бир қаторда уларга нисбатан турли даврларда ахборот хуружлари қилиб келинганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Темурийлар сулоласидаги ёрқин сиймолардан бири бўлган Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбекнинг бетимсол ишлари ҳақида биз асосан тарихий, адабий-бадиий асарлар орқали яхши биламиз. Унинг дунё тарихида тутган ўрнини ҳазрат Мир Алишер Навоий ушбу сатрларида шундай таърифлаган:

Темурхон наслидин султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек.
Анинг абнойи жинси бўлди барбод,
Ки давр аҳли биридин айламас ёд.
Ва лек ул илм сори топти чун даст,
Кўзи олдинда бўлди осмон паст.
Расадким боғламиш – зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Билиб бу навъ илми осмоний,
Ки ондин ёзди “Зижи Кўрагоний”.

⁵ Ўша асар, 102 б.

Киёматга декинча аҳли айём,
Ёзарлар онинг аҳкомидин аҳком.

Ўз замонасидан бошлаб ўтган асрлар мобайнида ва бугунги кунгача ҳам Улуғбек сиймоси тарихий асарларда ўзига хос тарзда улуғланган. “Қомуслар бош таҳририяти” томонидан 1996 йилда нашр этилган “Темур ва Улуғбек даври тарихи” тўпламида ана шу тарихий асарлар ҳақида маълумотлар кўп. Жумладан, Камолиддин Абдураззок Самарқандийнинг 1468-1471 йилларда ёзилган “Матлаъ ус-саъдайн” солномасида Улуғбек расадхонаси ҳақида кенг маълумотлар берилган. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида Мирзо Улуғбекни нафис адабиёт билан шуғулланган давлат арбоби сифатида тасвирлайди.

1394 йил 22 марта таваллуд топган буюк бобокалонимиз Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбек ҳақида гап кетганида гоҳо унинг фожеали ўлимига ҳам албатта “урғу берилиши” замираидан ҳам ўзига хос ахборот хуружи бордек туюлади. Ахир, буюк алломанинг муборак номини тилга олганда унинг улуғвор ишлари, авлодларига қолдирган бой тарихий мероси ҳақида сўзлаш мақсадга мувофиқ эмасми? Абдуллатифнинг фожеасини дўмбира қиласериш билан бутун темурийлар шаънига доғ тушураётгандек туюлади.

Таассуфки, бугунги кунда ҳам темурийлар шаънига гоҳо интернет орқали ахборот хуружлари бўлаётганига бефарқ қараш мумкинми? Самарқандда Амир Темур мақбарасини – “Гўри Амир” (яъни, “Амирнинг гўри”) деб аташ улуғ сиймо шаънига хуруждан бошқа нарса эмас!.. Мир Алишер Навоий ўз назмида буюк бобокалонни Темурхон деб атадими, ана шу муносабатнинг ўзи биз учун ибрат бўмоғи лозим. Токи, бу буюк сиймо номини “Темурланг” шаклида айтилишига бефарқ қарамаслигимиз зарур. Мирзо Бобур таъбири билан айтганда, бобокалонимизнинг қабрини ҳам “Амир Темур мақбараси” деб юритиш мақсадга мувофиқдир. Бу билан буюк аждодларнинг муқаддас номларини кишибилмас ахборот хуружларидан ҳимоя қилган бўламиз. Зоро, “буғунги кунда дунёning айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин,— деб таъкидлаган давлатимиз раҳбари.— Энг ёмони, бундай хуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилганида намоён бўлмоқда”⁶. Демак,

⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 12-13 б.

жамиятимизда аждодларга, тарихий шахсларга нисбатан бўладиган ахборот хуружларига ҳеч қачон бефарқ қараб бўлмайди.

Модомики, буюк аждодлар ҳақида гап кетдими, аввало уларнинг улуғвор ишларини тилга олиш мақсадга мувофиқдир. Буюк алломаларнинг илм-фан ривожидаги нуфузи шу қадар юксак эдики, уларнинг исми шарифлари ер куррасидагина эмас, балки самода ҳам шухрат топди. Атоқли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йили нашр қилинган “Селенография” китобида Ойдаги кратерлардан иккитаси икки буюк ватандошимиз – Ахмад Фарғоний ва Мирзо Улуғбек номи билан аталади⁷. Демоқчимизки, тарихий шахслар ҳақидаги улуғвор фикрлар айтиб турилиши ҳам уларга қаратилган ахборот хуружларига қарши муносиб жавобдир.

Жамиятга нисбатан қилинадиган ахборот хуружлари кўпинча халқ урф-одатлари, анъаналари, байрам ва маросимларига қилинадиган тажовузларда аён кўринади. Биргина мисол, собиқ мустабид тузумнинг сўнгги йилларида республикамизда Наврӯз байрамини нишонлаш таъқиқлаб қўйилди. Ўша давр матбуотида бу байрамни “эскилик сарқити” деб таърифлаганлар ҳам бўлди. “Наврӯзнинг икки минг йиллик тарихи давомида худбин манқуртлар, жоҳил шоҳу амирлар, дин пешволарию жаҳолатпарастлар таъқиқ қилдилар,— деб ёзади тарихчи олим Шавкат Миралимов.— Наврӯзнинг расмий жиҳатдан қайта тикланганига бир йилдан кўпроқ муддат ўтганига қарамай, амалда ҳали ҳам турли тўсиқ ва қийинчиликларга дуч келмоқда”⁸.

Очиғи, Наврӯз каби байрамлар, қатор миллий анъана ва урф-одатларимиз юртимиз истиқоли шарофати билан қайта кашф этилди. Ҳар йили Наврӯз байрами Тошкентда катта тантана қилиниши ва бутун мамлакатимизда кенг нишонланиши қадриятларимиз чинакам қадр топаётганини кўрсатади. Демак, бундай қадриятларга нисбатан қилинадиган ахборот хуружлари жамиятга маънавий таҳдиддан бошқа нарса эмасдир.

Мафкуравий таҳдидлар, “ахборот хуружи” аввало одамлар, айниқса ёшлар дунёқарашига салбий таъсир кўрсатади, жамоатчилик фикрини чалғитади. Бу ўз навбатида юрт осойишталигига ва жамият барқарорлигига путур етказади. Билинтирмай онга таъсир кўрсатадиган ахборот шахс, оила ва жамиятни ўз комига тортаверади. Давлат тараққиётига, биринчи галда, маънавий, сиёсий, иқтисодий, маданий юксалишига салбий таъсир кўрсатади. Демак, ахборот қандай мақсадда тарқатилганини, унинг ижобий ёки салбий, фойдали ёки зарарли жиҳатларини фарқлаш учун одамлар онги ҳамда маънавияти

⁷ Қаранг: ўша асар, 42 б.

⁸ Миралимов Ш. Наврӯз. –Т.: 1990. – 4 б.

юксак даражада бўлиши лозим. Айниқса, ОАВ ходимлари педагоглар, зиёлилар ва бошқалар биринчи галда ахборот-психологик хавфсизлик тушунчасига эга бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “маърифатпарварлик биз учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон хаёт ҳам бўлмайди”⁹.

Ахборот таҳдидларининг энг хавфлиси – давлат сиёсатини таъминлашга қаратилган бўлади. Шахсга нисбатан қилинган хуруж тор доирани қамраб олса, давлат ва жамиятга таҳдид бутун бир мамлакат, ҳалқ тинчлигини хавф остига қуяди. Бу жуда катта ва жиддий муаммони юзага келтириши мумкин.

Ахборот хуружларига қарши курашнинг самарали йўлларидан бири – мамлакат ўзини ўзи ахборот билан таъминлашидир. Албатта, бундай ахборот тўлиқ, сифатли ва ҳаққоний бўлиши шарт, акс ҳолда жамият аъзолари янада хорижий манбаларга мурожаат этишлари мумкин. Инсон психологиясининг шундай бир хусусияти борки, агар у бирор бир воқеа бўйича уч-тўрт соат ичидаги маълумот ололмаса, пайдо бўлган бўшликтини ҳар хил уйдирма ва миш-мишлар тўлдиради. Шул боис, ахборот асрининг муҳим шартларидан бири – давлат ва жамиятнинг барча бўғинлари учун тезкор ахборот алмашинувини таъминлашдир. “Шу маънода, ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги вазиятда мустақил онг ва мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, керак бўлса, муҳим сиёсий аҳамият касб этади, – деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари. – Бу ўта муҳим вазифани амалга оширишда таълим-тарбия тизими, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий масалалар билан шуғулланадиган идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар ўз ҳиссасини қўшиши табиий, албатта, лекин бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсир кучи бекиёс, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди”¹⁰.

Ҳар қандай ахборот инсонга турли даражада руҳий (психологик) таъсир кўрсатади. Ахборотнинг таъсирчанлиги шу даражадаки, у инсон дунёкараши ва ҳатто фикрлаш даражасини ўзгартириб юбориши мумкин. Бу жараёнда салбий ахборот инсон фикрини, ҳатто феъл-авторини ҳам номуносиб томонга ўзгартириб юбориши ҳеч гап эмас. Инсон ахборотсиз яшай олмайди. У доим янгиликлар эшитишга эҳтиёж

⁹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. –Т.: Ўзбекистон, 2000. – 23-24 б.

¹⁰ Каримов И.А. Энг асосий мезон – хаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 9 б.

сезади. Шу ўринда айтиш жоизки, кўпчилик негадир кўпроқ салбий ахборотларни эшишишга мойил бўлади. Айтайлик, замонавий кўп қаватли иморат бунёд этилгани ҳақидаги ахборотнинг қизиги йўқдек туюлади. Худо кўрсатмасин, бирор бино қулаб тушса, у ҳақдаги ахборотни такрор-батакрор эшигиси, иложи бўлса, шу фожеа ортида яна қандайдир мудҳиш гаплар чиқишини кутадиганлар ҳам кўп бўлади.

Одамлардаги ана шу “эҳтиёж”ни яхши билган айрим хориж радиолари имкон қадар ур-йиқит, портлашлар, уруш-жанжаллар, вайронагарчликлар, сунъий равишда бўлса-да “норозиликлар” ҳақидаги хабарларни устомонлик билан, имкон қадар ошириб-тошириб, бўрттириб тарқатишга ҳаракат қиласидилар. Бу билан улар ўзларини ҳозиржавоб, ҳақиқат жарчиси қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Ишонувчан одамлар онгига шу тариқа таъсир кўрсатиб, номаъқул ғоянинг ҳам “тўғри эканлигини” исботлашга уринадилар.

Ахборот хуружлари шароитида инсоннинг психологик ҳимояси қай даражада бўлиши аввало ўзига боғлиқдир. Шу ўринда, яхшига эргашдинг – етдинг муродга, ёмонга эргашдинг – қолдинг уятга, деган мақолни эслаб туриш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Ўзбекистонга четдан бўладиган “ахборот хуружлари”нинг асл мақсадлари барчага бирдек аён бўлиши лозимдир. Бундай ҳаракатлар асосан хорижий оммавий ахборот воситалари, турли нодавлат ташкилотлар, сиёсий кучлар, гурухлар ва ҳоказолар томонидан амалга оширилиши қузатилмоқда.

Ички таҳдидлар сирасига аҳолини ахборот билан таъминлашнинг ҳукукий ва иқтисодий асослари етарли эмаслиги, фуқаролик жамияти институтлари ривожланмаётганлиги ва фуқароларнинг давлат ва нодавлат ташкилотларига мурожаатлари жавобсиз қолиб кетиши, ахборот бозори қандай ривожланиши давлат томонидан назорат қилинмаслиги, фуқаролар давлат тузилмалари фаолияти ҳақида етарли ахборот ололмаслиги ҳамда юқори ташкилотлар томонидан қабул қилинган қарорлар уларга тушунтириб берилмаслиги сабаб бўлиши мумкин. Зеро, кенг аудитория билан ишлаш жараёнида психология қонунларини билмасдан самарали фаолият кўрсатиб бўлмайди. Масалан, ҳар бир инсон ҳулқи, нуқтаи назари ва позицияси турли ахборот ёрдамида ҳар хил бошқарилиши мумкин. Сиёsatшунослар ёки журналистлар бир воқеани, битта фактни шундай талқин қила оладики, ундан кенг аудитория ижобий ёки, тескариси, салбий хулоса чиқариши одатий ҳолга айланган¹¹.

¹¹ Қаранг: Мўминов Ф.А. Шахс, жамият ва давлатнинг ахборот-психологик хавфсизлигидаги манбалар ва уларнинг турлари. /Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курулиши академияси жорий архиви, 2006.

Бугунги кунда жамият ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган манбаларни ўрганиб бориш ўша салбий иллатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Миллатчилик, шовинизм, империявий тафаккур, мафкуравий экспансонизм ва бошқа шу каби иллатларни қўзғатувчи давлатлар, ташкилотлар ва шахслар ана шундай манбага айланиши мумкин¹².

Албатта ҳар бир давлат ўз ҳалқи манфаатларига, жамият тараққиётига хизмат қиладиган ахборотлар оқимини ўзи вужудга келтиради. Бунинг учун журналистлар билан бир қаторда сиёsatшунослар, файласуфлар, социологлар ва бошқа соҳа кишилари бир мақсад йўлида харакат қиладилар. Бошқа давлат вакиллари ўзга мамлакат тараққиётига хизмат қиладиган ахборот оқимини ҳеч қачон вужудга келтирмаслиги кўриниб турибди. Бильякс, ўзгалар ўз мақсадига хизмат қилиши одатий ҳол. Улар бошқа мамлакатларга “ахборот хурожи” қилиши мумкин. Бундай хурожлардан ҳимояланиш аввало ҳар бир шахс, оила, давлат ва жамият манфаатлари учун хизмат қилади.

Мамлакатни четдан бўладиган ахборот таҳдидларидан асраш учун кураш айниқса журналистлардан улкан масъулият талаб қилади. Яъни, бу вазифани асосан журналистлар амалга оширади. “Ҳозирги вақтда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари ҳам, улар олдига қўйиладиган талаблар ҳам кўп. Лекин энг муҳими – ҳаёт ҳақиқатини тўлақонли акс эттиришдан иборат. Чунки ҳақиқат журналистиканинг ўзгармас ва доимий шарти бўлиб келган ва шундай бўлиб қолиши зарур. Айни вақтда матбуот ва эфир орқали ҳақиқатни ёритиш, одамларга етказиш ҳар қайси журналистнинг билим ва тажрибаси, унинг профессионал маҳоратига, гражданлик позициясига боғлиқ эканини ҳам унутмаслигимиз лозим,— деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.— Албатта, ҳақиқатни очиб бериш дегани бир қарашда жуда содда, ҳаттоки, жўн гап бўлиб туюлиши мумкин. Ҳақиқат ё бор, ё йўқ, унинг нимасини очиб бериш мумкин, деган савол туғилиши ҳам балки ўринлидир. Лекин мафкуравий кураш тобора кескинлашиб бораётган бугунги замонда шундай устаси фаранглар борки, улар ҳар қандай ёлғонни ҳам ҳақиқат деб шундай боплаб тушунтириб қўядики, баъзан қип-қизил уйдирмаларга қандай ишонганингизни билмай қоласиз”¹³. Бу эса жамият ахборот-психологик хавфсизлигига таъсир этмай қолмайди. Айниқса, ёшлар онгига салбий таъсир қилувчи бундай ахборот хурожларига вақтида барҳам берилмаса ноxуш ҳолларга олиб келиши ҳеч гапмас. Энг аввало ёшлар онги ва қалбида етарли даражада

¹² Қаранг: Паҳрутдинов Ш. Тараққиётга таҳдид: назария ва амалиёт. –Т.: Akademiya, 2006. – 73 б.

¹³ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 10 б.

мафкуравий иммунитетни шакллантириб бориш ахборот хуружларига қарши курашда ғоят муҳим ўрин тутади.

Шу ўринда Россиядаги бир ҳолатни кўз олдимиизга келтирайлик. “Америка овози” (“Голос Америки”) радиоси орқали Россия ҳаётига оид танқидий ахборот тарқатилса, руслар уни қандай “қизиқиши” билан кутиб олишади? Мафкуравий иммунитети анча кучли бўлган рус ёшлари хориж радиосининг сафсаталарига деярли кулок ҳам тутмаслигини изоҳлашга ҳожат йўқ.

Ўзбек ёшлари орасида ҳам мафкуравий иммунитети юқори йигит-қизлар кам эмас. Афсуски, баъзи ёшлар ҳақида бундай дейиш қийин. Шунинг учун ҳам юртимизда шахснинг ақлий қобилияти, билимини ўстириш билан бирга, уни жисмонан бақувват, ахлоқий ва руҳий жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказиш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Миллий истиқлол ғояси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳам пировард мақсади шу¹⁴. Маънан етук ва мафкуравий иммунитети етарли даражада шаклланган ёшлар эса ҳар хил ёт ғоялар, маънавий таҳдидлар, ахборот хуружлари таъсирига берилмайди. Зеро, бугунги кунда дунёнинг айрим худудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, энг ёмони, бундай хуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилганида намоён бўлмоқда¹⁵. Токи, ҳар бир фуқаро, ёш авлод доимо шахс, жамият ва давлатнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш моҳиятини тўла англаб етиши зарур.

Назорат учун саволлар:

1. *Жамиятда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашда нималарга эътибор қаратиш зарур?*
2. *Жамиятда маънавий бўшлиқ деганда нимани тушунасиз?*
3. *Таҳдидларнинг қандай турларини биласиз?*
4. *Шахсга қаратилган қандай таҳдидларни биласиз?*
5. *Жамиятга нисбатан бўладиган ахборот хуружлари қай ҳолатда намоён бўлади?*
6. *Собиқ мустабид тузум даврида Наврўз байрами тақиқлангани ҳақида нималарни биласиз?*

¹⁴ Қаранг: Комилов Н. ва бошқ. Маърифатли жамият мухолифлари. – Т.: Академия, 2005. – 20-21 б.

¹⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 12-13 б.

Асосий түшүнчалар

Мафкура (араб. — фикрлар мажмуу) — муайян ижтимоий гурӯҳ, қатлам, миллат, жамият, давлатнинг манфаатлари, орзулари, мақсадлари ифодаланган қараашлар ва уларни амалга ошириши тизими. Унда манфаатлари ифодаланаётган гурӯҳ ва қатламларнинг ўтмишии, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади.

Мафкуравий таҳди — ҳукмронлик, мустабидлик, тажсовузкор, босқинчилик, экстремистик, ақидапарастлик, вайронкорлик гоялари ифода этилган ҳаракат.

5-мавзу: АХБОРОТ МАКОНИДА ҒОЯЛАР КУРАШИ

Дунё ягона ахборот маконига айланган ҳозирги даврда ғоялар кураши кун сайин турли қўринишларда авж олмоқда. Шундай кезда оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам Юртбошимиз таъбири билан айтганда, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш уларнинг асосий шиорига¹ айланмоқда. Маълумки, ҳар бир газета-журнал, радио, телевидение, интернет жамоатчилик онгига турли даражада психологик таъсир этиш қудратига эга. Айтайлик, газеталарда фикрлар ёзма равишда, кези келганда расмлар воситасида етказилади. Матбуотда берилган ахборотни қайта-қайта ўқиш ва ундан манба сифатида фойдаланиш ҳам мумкин. Босма нашрларнинг афзалликларидан бири шунда.

Радиода турли мавзуда эшиттириш беришдан ташқари аудитория билан жонли мулоқот ҳам қилинади. Радионинг яна бир афзаллиги, уни исталган жойда, ҳатто йўл-йўлакай ҳам тинглаш мумкин.

Телевидениеда овоз билан бирга ҳаракатланувчи тасвир ҳам намойиш этилиши унинг таъсирчанлигини оширади. Бугунги кунда кўплаб радио ҳамда телеканаллар кеча-ю кундуз узлуксиз эшитирриш ва кўрсатувлар бераётгани ахборот маконини янада бойитишга хизмат қилмоқда.

Интернетда матн ҳам, овоз ва тасвир ҳам бўлиши унинг таъсирчанлигини бениҳоя юқори даражага кўтарди. Унга жойлаштирилган ахборот бир зумда бутун дунёга тарқалиши янада нуфузини оширади. Дунёда қанча компьютер интернетга уланган бўлса, демак, унинг адади шунча бўлади. Бу адад кунда-кунга ошиб бораётганини изоҳлашга ҳожат йўқ.

Бугунги кунда республика телерадиокомпанияси, қатор нашрлар ва ташкилотларнинг ахборот хизматлари ҳам интернетда тегишли веб-сайтлари орқали маълумотларини жаҳон жамоатчилиги эътиборига ҳавола этмоқда. Демак, эндиликда жаҳон ахборот маконида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг ҳам муносиб ўрни бор, дейишга ҳақлимиз. Бу маконда зарур ахборотлар олиш билан бир қаторда ахборот хуружлари, маънавий таҳдидлар заарини ҳам кўряпмиз. “Ҳаммамизга аён бўлиши керакки, “ахборот асри” деб ном олган XXI асрда ҳеч қайси давлат ёки жамият ўзини темир девор билан ўраб яшай олмайди. Айни пайтда, ахвол шундай экан, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри келмайди, бундай таҳдидларга жавобан, биз ҳам, содда бўлмасдан, зарур чора-тадбирларни кўришимиз керак,— деб таъкидлади

¹ Каранг: Абдуазизова Н. Миллий мафкура ва ахборот макони. //Ўзбекистон матбуоти, 2006. 5-сон, 12-б.

давлатимиз раҳбари.– Яхши биламиз, халқимиз оқкўнгил, содда ва ишонувчан. Матбуотда босилган, телевидениедан, радиодан айтилган гапларга ишонч билан қарайди. Четдан туриб бизга қарши иш олиб бораётган информацион марказлар ҳам шундан фойдаланиб қолишга уринади”².

Демак, бизга қарши иш олиб борадиганлар ОАВдан қандай фойдаланади, деган саволга мухтасар жавоб топишга ҳаракат қиласиз. Бу борада мавзуга кенгроқ ёндашамиз. Яъни, четдан “ахборот хуружи” қилишларидан ташқари ўзимиз ҳам қай даражада бўлмасин хатоликларга йўл қўймаяпмизми, бундан ўз ўқувчиларимиз қай даражада бўлса-да маънавий зарар кўрмаяптими, деган саволга очиқча жавоб беришимиз мақсадга мувофиқдир. Модомики, одамлар матбуотга кўпроқ ишонч билан қарап экан, демак, газетада чиққан имловий хатолар, ғализ жумлалар, мантиқсиз фикрлар, нотўғри атама ва иборалар ўқувчини саводсиз қилиб қўйиши, фикрини чалғитиши турган гап. Сўнгги пайтларда баъзи нашрларда шундай камчиликларга йўл қўйилаётгани таассуфли ҳолдир.

Шуни айтиш жоизки, ахборот-психологик таъсир асосан ОАВ, хусусан, радиоэшиттиришлар орқали кўпроқ амалга оширилади. Бузғунчи ғояларга эга айрим кимсалар ОАВнинг ана шу кучидан ғаразли мақсадлари йўлида устомонлик билан фойдаланишга ҳаракат қиласидилар.

Айрим радиоэшиттиришлардаги савияси ҳаминқадар гаплар, ғализ жумла ва иборалар тингловчига маънавий озиқ бериш ўрнига унинг онгига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан ҳам ёмони: четдан “ахборот хуружи” қилувчилар асосан радиодан “самарали” фойдаланиб келаётганидан кўз юма олмаймиз. Айниқса, “Америка овози”, “Би-биси”, “Озодлик”, “Машҳад” каби хориж радиолари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи айрим республикалар телерадиоканаллари Ўзбекистон ҳақида кўпинча бирёқлама фикрларга асосланган ахборот бериши ва бу билан унинг тингловчилари онгига салбий таъсир ўтказишга ҳаракат қилаётгани сир эмас. Улар ўзларини ҳақиқатпараст қилиб кўрсатишга устомон бўладилар. Шу ўринда профессор Санжар Содикнинг қуидаги сўзлари ўринлидир: “айирмачилик билан шуғулланиш ҳозирги замон журналистигининг ҳам, радиосининг ҳам вазифалари доирасига кирмаса керак”³. Хориж радиосининг Ўзбекистон ҳаётига оид ҳар қандай “қоғозга ўралган” ахбороти замирида қандайдир ғаразли мақсадлар ётганини тўғри англамоқ зарур.

² Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 12-13 б.

³ Санжар Содик. Радиожурналистика асослари: аудиовизуал журналистика. Ўкув кўлланма. –Т.: Мумтоз сўз, 2010. – 72 б.

Милионлаб томошабинлар аудиториясига эга бўлган телевидение хақида ҳам шундай фикрлар айтиш мумкин. Яъни, айрим телекўрсатувларда “ўтиб кетадиган” мантиқсиз гаплар, савияси ҳаминқадар лавҳалар томошабинга салбий таъсир кўрсатишини изоҳлашга ҳожат йўқ.

Республикамизда Россия телеканаллари катта қизиқиш билан кузатилади. Кеча-ю кундуз узлуксиз кўрсатувлар намойиш этиладиган мазкур каналларда эътиборга молик кўрсатувлар талайгина. Шу билан бир қаторда ўта беҳаё ёки қон тўкиш каби зўравонликни тарғиб этадиган, бир сўз билан айтганда – миллий менталитетимизга асло мос келмайдиган лавҳалар ҳам бериладики, уларнинг маънавий зарарини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Интернетнинг салбий жиҳатлари: хоҳлаган одам исталган ахбороти билан виртуал майдонга тўсиқсиз кириши мумкин. Бунда биринчи галда, назорат йўқлигидан фойдаланиб қоладиган бузғунчилар кўпаяди. Натижада интернет бузғунчилик, қўпорувчилик ғояларини, порнография ва бошқа иллатларни тарғиб қилувчи “макон”га айланиб қолиши мумкин. ОАВ сифатида интернетнинг ижобий ва салбий томонлари талайгина. Унда аввало ахборот тайёрлаш ва тарқатилиши арzon, давлат чегараларидан бемалол ўтиб кетаверади. Интернет орқали амалга ошириладиган ахборот хуружларининг олдини олиш жуда мушкул⁴. Шундан фойдаланган айрим кимсалар ғаразли мақсадларини интернет орқали амалга ошириши оммавий тус олмоқда. Улар ҳар томонлама маънавий таҳдид қилишга уринмоқдалар. Хўш, маънавий таҳдид нима? Нега айнан шундоқ таҳдид қилишяпти, деган саволга “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобидан муҳтасар жавоб топиш мумкин. “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидаи қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим,— деб ёзади муаллиф.— Агарки масалага амалий кўз билан қарайдиган бўлсак, маънавиятимизга қарши қаратилган ҳар қандай хуруж – бу миллатимизни миллат қиладиган, асрлар, минг йиллар давомида аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятларга, миллий ғуур, миллий ифтихор туйғусига, бизни доимий равища тадрижий тараққиётга чорлайдиган, шу йўлдаги барча асорат ва иллатлардан халос бўлиб, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадларимизга катта зарба берадиган мудҳиш хавф-хатарларни англатади”⁵.

⁴ Мўминов Ф.А. Оммавий ахборот воситалари ва ахборот қарама-каршилиги. /Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси жорий архиви, 2006.

⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 13-14 б.

Шуни айтиш жоизки, бугунги кунда айрим оммавий ахборот воситалари ахборот-психологик уруш олиб бориш воситасига ҳам айланиб қолмоқда.

Хўш, ахборот уруши ўзи нима? “Ахборот уруши” иборасининг асосчиси физик олим Томас Рон ҳисобланади У 1976 йилда ахборотни ҳарбий кучларнинг энг заиф бўғини деб таърифлаб, ушбу масалага барча давлат миқёсидаги масъул кишилар эътиборини қаратди. Шундан буён бу атаманинг аҳамияти кундан кунга кучайиб келмоқда. Айрим мутахассислар “ахборот уруши”ни шундай таърифлайдилар: “Ахборот уруши деб, ижтимоий, сиёсий, этник ва бошқа тизимларнинг моддий ютуққа эга бўлиш мақсадида бир-бирига очиқ ва яширин мақсадли ахборий таъсирларга айтилади. Шу билан бир қаторда ахборот урушини деб янада рақиб устидан ахборий ҳукмронликка эришиш ва шунинг эвазига унга моддий, мафкуравий ёки бошқача зарар етказиш учун давлатнинг ҳарбий кучлари, ҳукумати ҳамда хусусий ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар ва операциялар мажмуасига айтилади”⁶.

Модомики, бугунги замонавий ОАВ зиммасига тезкор ахборот тўплаш ва тарқатишдек масъулиятли вазифадан ташқари мамлакат ҳалқини, айниқса, ёш авлодни турли ахборот хуружларидан, мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш масъулияти ҳам юкланаётган экан, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “журналистларимиз ўз маҳорати, билим ва истеъоди ҳисобидан замонавий ахборот воситаларининг имкониятлари, ахборот тўплаш ва уни оммага етказишнинг усул-услублари ҳақида етарли малака ва кўникмаларга эга. Бу соҳанинг сир-асори ҳаммадан ҳам кўра уларга яхши маълум. Лекин шу борада қилинаётган ишлар бугунги кун талабларига жавоб берадими-йўқми?”⁷ Зоро, ҳозирги кунда ғоявий муҳолифлар маънавиятимизга, айниқса ёшларимиз онгини “ахборот хуружлари” билан заҳарлашга уринмоқдалар. Улар “оммавий маданият” ниқоби остидаги таҳдид ва таъсирларини тобора авж олдирмоқда. Бунга бефарқ қараш асло мумкин эмас.

Ғарзли мақсадларни кўзлаб амалга ошириладиган ахборот уруши пухта ўйланган ҳолда амалга оширилади. Бу борада психологик, электрон ва бошқа усуллардан фойдаланадилар. Ахборот урушини амалга ошириш учун катта меҳнат сарфланмайди, қимматбаҳо қуролларга ҳожат қолмайди. Бу урушда давлат чегараларининг аҳамияти қолмайди ҳисоби. Ахборот қуролининг кенг ва тор маънолари бор. Кенг маънода – рақибни керакли йўналишда фикрлашга

⁶ Қаранг: Манойло А.В., Петренко А.И., Фролов Д.Б. Государственная информационная политика в условиях информационно-психологической войны. 2-нашр. –М.: Горячая линия. Телеком. 2006. – 203 б.

⁷ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 11-12 б.

ундайдиган, унинг нуқтаи назарини ўзгартиришга қодир бўлган ва керакли ахборот ёрдамида амалга ошириладиган ҳаракатлардир. Тор маънода – рақибнинг ахборот заҳиралари устидан назоратни таъминлайдиган ва унинг телекоммуникациялари тизимларига зарар етказадиган техникавий усуллар ва технологиялар. Демак, ахборот қуроли – бу рақибнинг ахборот ва бошқарув тизимларига таъсир этувчи маҳсус мослама ва воситалар. Табиийки, ахборот технологиялари ривожланган мамлакатлар томонидан бундай қуролдан фойдаланиш имкониятлари жуда кенг⁸.

Ахборот майдонида давом этаётган курашлардан асосий мақсад – миллий манфаатлар ҳимоясидир. Ахборот хуружининг “тиғи” асосан маънавиятимиз, миллий қадриятларимизни емириб ташлашга қаратилган бўлади. “Бу Шарқ ёки Ғарб мамлакатлари бўладими, олис Африка ёки Осиё қитъаси бўладими – жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин, маънавиятга қарши қандайдир таҳдид пайдо бўладиган бўлса, ўзининг бугунги куни ва эртанги истиқболини ўйлаб яшайдиган ҳар бир онгли инсон, ҳар бир ҳалқ ташвишга тушиши табиий, албатта. Бу ҳақда гапирганда, фақат битта миллат ёки ҳалқ ҳақида фикр юритиш масалани ўта тор тушуниш бўлур эди, – деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари.– Яъни, бу ўринда сўз фақат бизнинг маънавиятимизга қарши қаратилган тажовузлар ҳақида, азалий фазилатларимиз, миллий қадриятларимизни ана шундай хужумлардан асраш хусусидагина бораётгани йўқ. Мухим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ушбу муаммони кенг миқёсда, дунёning барча мамлакатлари ва ҳалқлари ҳаётига дахлдор масала сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир”⁹. Ривожланган мамлакатлар томонидан ахборот тарқатишдан мақсадлар нимадан иборат, деган саволга оддий жавоб шу: ўз турмуш тарзини ташвиқот қилиш орқали ғоявий ҳукмронликка эришишдир. Бугунги кунда ахборот оқимлари ҳаддан ташқари жадал тус олмоқда. Сўнгти эллик йил ичida дунё бўйлаб айланадиган ахборот ҳажми миллион мартага кўпайгани ва у илғор технология воситасида кундан кунга янада ошиб бораётгани кузатилмоқда.

Баъзи ривожланган давлатлар кучли ахборот технологияларидан аввало ўз манфаатига хизмат қиласиган ахборотларни тарқатиш учун фойдаланмоқда. Бу билан бошқа мамлакатлар устидан ғоявий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳукмронлик қилишга уринаётгани кўриниб турибди. Дунёга ҳукмронлик қилишга интилаётган баъзи қудратли давлатлар бу мақсадига эришиш учун аввало “инсон ҳукуқлари” ёки “демократия” ниқоби остида ўз мафкураси ва ғояларини бошқа

⁸ Қарант: Мўминов Ф.А. Оммавий ахборот воситалари ва ахборот қарама-қаршилиги. /Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси жорий архиви, 2006.

⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 13 б.

мамлакатлар ва халқлар ўртасида кенг тарқатиш ва тарғиб қилишга ҳаракат қилмоқда. Глобаллашган дунёда ривожланаётган давлатлар миллий хавфсизлигига “ахборот хуружлари” орқали таҳдид қилиниши аллақачон ўз исботини топган. “Ахборот хуружи” турли йўллар билан амалга оширилаётгани кузатилмоқда. Масалан, ёлғон ахборот тарқатиш, ижтимоий онгни манипуляция қилиш, миллий-маънавий қадриятларни емириб ташлаш, етти ёт бегона ғояларни сингдириш, халқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартиришга қаратилган мафкуравий таҳдидлар айrim хориж радиолари ва интернет сайtlарида яққол сезилиб турди.

Шу йўсинда бузғунчилар “рангли инқилоб”ни амалга оширишга ҳаракат қиласи. Рангли инқилоб – қонуний ҳукуматни ноқонуний йўл билан ағдариб ташлаш, демакдир. Сўнгги йилларда бундай ҳол Сербия, Грузия, Украина, Қирғизистон давлатларида кузатилди. Рангли инқилоблар қўпинча Фарбнинг кучли ахборий босими асосида амалга оширилади. Бу ғаразли ишда замонавий коммуникация воситаларидан усталик билан фойдаланадилар. Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён унга ҳар томонлама “ахборот хуружлари” қилинмоқда. Бу ахборот тажовузи гоҳо “демократия ва инсон ҳуқуклари бузилмоқда” деган сийқаси чиққан шиорлар остида амалга оширилаётгани яхши маълум. Бундай “ахборот хуружлари”га қарши курашмоқ учун ҳар бир онгли инсон ва ватанпарвар ёшлар лоқайд бўлмаслиги, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиши, ҳар қандай бўхтон ва уйдирмаларга қарши ҳозиржавоблик билан курашмоғи лозим. Бу курашда асосий омил – миллий истиқлол ғояси бўлиши мақсадга мувофиқдир. “Ватан ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш авлодимизни турли тажовузлардан асрашда фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам чуқур мазмун ва аҳамият касб этмоқда,— деб таъкидлadi Давлат раҳбари.— Бу борада муайян ишлар амалга оширилаётганини эътироф этган ҳолда, айтиш зарурки, ҳали яна жуда кўп иш қилишимиз лозим. Биз одамларнинг фикрини бошқариш эмас, аксинча, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва юксалтириш тарафдоримиз. Яъни, ўзини кимнинг авлоди эканини, қандай буюк маънавий мероснинг вориси эканини яхши англайдиган ва улуғ аждодларининг меросига муносиб бўлиб, ўз ақл-заковати ва соғлом ҳаётий қарашларига таяниб яшашга интиладиган ёшларни камол топтиришда халқимиз, жамоатчилигимиз оммавий ахборот воситаларидан кўп нарса кутишга албатта ҳақлидир”¹⁰.

Дунё ахборот маконида баъзи қудратли давлатлар ҳукмронлик қилишга интилади. Ривожланаётган мамлакатлар эса кўпроқ ўзини

¹⁰ Каримов И.А. Энг асосий мезон – хаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 11 б.

ҳимоя қилишга мажбур бўлади. Акс ҳолда, ўша мамлакат катта маънавий заарар кўриши ҳеч гап эмас. Бундай маънавий таҳдидларнинг олдини олиш учун энг самарали йўллардан бири – ахборот истеъмолчиларида, айниқса, хали онги тўла шаклланиб улгурмаган ёшларда кучли мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш ва уни муттасил ривожлантириб бориш зарур. Хорижий радиолар орқали қилинадиган ахборот хужумидан ҳимояланиш учун энг самарали йўл – маҳаллий ОАВдан унумли фойдаланишдир. Яъни, ахборот хуружларига қарши миллий газета, радио ва телевидениемиздан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда мутахассислар “ахборий қурол” тушунчасига шундай тавсиф беришади: кенг маънода ахборий қурол – ўзга мамлакат фуқароларининг маълум бир йўналишда фикрлашга ундейдиган, унинг нуқтаи назарини ўзгартиришга қодир бўлган ва керакли ахборот ёрдамида амалга ошириладиган ҳаракатлар. Тор маънода эса ахборий қурол – рақибнинг ахборот заҳиралари устидан назоратни таъминлайдиган ва унинг телекоммуникациялари тизимларига заар етказа оладиган техникавий усуллар ва технологиялардир. Хорижий оммавий ахборот воситалари муттасил тарқатадиган ахборот хуружидан ҳимояланиш йўллари қуйидагича изоҳланади: миллий ахборот инфратузилмасини замон талаблари даражасига қўтариш, миллий оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари фаолиятида дунёвий давлатлар қабул қилган журналистиканинг сифат стандартларига риоя қилиш, миллий қадриятларни сақлаш ва ривожлантириб бориш мақсадга мувофиқдир. Хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиладиган баъзи ахборотлар орқали одамлар онгини манипуляция қилишга ҳаракат қиласидиган кучлар талайгина. Улар айниқса ёшлар онгини заҳарлашда турли усуллардан фойдаланадилар. Айтайлик, сиёсий латифалар, мишишлар, уйдирмалар, таниқли шахсларни обрўсизлантириш, атай мантиқий хатоларга йўл қўйиш, сохта рейтинг ва сўровлар ўтказиш, қайта-қайта такрорлаб мажбурий ишонтириш, сохта хабарлар, баъзи расмларни монтаж қилиш, атай ёлғон гапларни тарқатиш орқали қизиқувчан ва ишонувчан ёшлар онгини забт этишга ҳаракат қилинади¹¹. Шундай шароитда барча журналистлар ахборот маконида ўз ўрнига эга бўлиш билан бир қаторда юртини турли ахборий хужумлардан ҳимоялашга ҳаракат қилиши тақозо этилади. Ахборот маконида адолатли кураш маърифий кучда намоён бўлади. Шу маънода, Ўзбекистон ахборот маконининг ўзаро ҳамкорлик имкониятлари

¹¹ Қаранг: Мўминов Ф.А. Оммавий ахборот воситалари ва ахборот қарама-қаршилиги. /Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси жорий архиви, 2006.

кенгайишидан, ҳақиқий миллий, маърифий, хавфсиз майдон бўлиб қолишидан манфаатдордир¹²

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳозирги даврда дунё ахборот маконида ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш энг аввало мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу саъй-ҳаракатлар ўз навбатида келажагимиз бўлмиш ёш авлод онгини ёт ғоялардан ҳимоя этишга, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириб бориш ҳамда Ватанга садоқат руҳида камолга етказишида ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Назорат учун саволлар:

1. Давлат раҳбари Ислом Каримов ахборот хуружларига қарши кураш борасида ОАВ ходимлари зиммасига қандай вазифалар юклайди?
2. ОАВнинг жамоатчилик онгига психологоик таъсир этиши деганда нимани тушунасиз?
3. Газета, радио, телевидение ва интернетнинг афзалликлари нимада?
4. Жаҳон ахборот маконида Ўзбекистон ОАВ қандай ўринга эга?
5. ОАВ орқали ахборот-психологик таъсир қай дараҷада бўлиши мумкин?
6. Интернетнинг салбий жиҳатлари нималардан иборат?
7. “Ахборот уруши” деганда нимани тушунасиз?
8. Тор ва кенг маъноларда “Ахборот қуроли” деганда нимани тушунасиз?
9. Ривожланган мамлакатлар томонидан ахборот тарқатишидан мақсад нима?
10. Ахборот хуружи турларини айтиб беринг.

Асосий тушунчалар

Ахборот уруши – ижтимоий, сиёсий, этник ва бошқа тизимларнинг моддий ютуқча эга бўлиши мақсадида бир-бирига очиқ ва яширин мақсадли ахборий таъсирларга айтилади.

Ахборот қуроли – рақибнинг ахборот ва бошқарув тизимларига таъсир этувчи маҳсус мослама ва воситалар.

Бузгунчи гоя – мамлакат ва миллат манфаатларига зид бўлган, ўз номи билан бузгунчиликка қаратилган вайронкор гоялар.

Жаҳон ахборот макони – глобаллашган ахборот макони, жумладан, интернет тизимида пайдо бўлган ахборот макони.

¹² Қаранг: Абдуазизова Н. Ахборот майдони ҳимояси. //Ўзбекистон матбуоти, 2010. 1-сон, 27 б.

Маънавий зарар – фуқаронинг шаъни, қадр-қимматига доз туширилиши ёки ишибилармонлик обрўсига путур етказилиши.

Маънавий таҳдид – тили, дини, эътиқодидидаи қатъи назар одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқарии мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, гоявий ва информацион хуружлар.

Гоялар кураши – турли давлатлар ва миллатлар манфаатлариға хизмат қиласидиган гоялар, мафкуралар бошқа давлат ва миллатлар манфаатига мос тушмаслиги мумкин. Улар ўртасида бўладиган мафкуравий кураши гоялар кураши ҳисобланади.

6-мавзу:
**АХБОРОТ СОҲАСИДА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ**

XXI аср том маънода ахборот асрига айланди. Бугун жамиятнинг бирор жабҳасини ахборотсиз тасаввур этиш қийин. Йиллар мобайнида оммавий ахборот воситалари такомиллашган сари ахборот жамият тараққиётининг муҳим омилига айланаверганини изоҳлашга ҳожат йўқ. “Ўзбекистонимизни янада равнақ топтириш учун юртимиз кундан-кунга қандай катта ютуқ ва мэрраларни қўлга киритаётган бўлса, оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам ғоят муҳим янгиланиш ва ривожланиш жараёнлари юз бераётганини, матбуотимизнинг ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб бораётганини муштариylар, жамоатчилигимиз чуқур ҳис этмоқда ва ана шу ўзгаришларнинг амалий самарасига гувоҳ бўлмоқда,— деб таъкидлади Юртбошимиз Ислом Каримов 2009 йилда “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига” йўллаган табригида.— Шуни қайд этиш керакки, бугунги кунда ахборот тарқатишнинг тезкор усули бўлмиш интернет журналистикасини ривожлантириш бўйича ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Бунинг исботини юртимиздаги юздан ортиқ оммавий ахборот воситаси интернетда ўз веб-сайтига эга экани, олий ўқув юртларида интернет журналистикаси бўйича маҳсус фанлар ўқитилаётгани, шу йўналишда ижод қилаётган журналистлар сони тобора кўпайиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин”¹. Журналистларнинг касб байрами муносабати билан йўлланган ушбу табрикда, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси кўрсатувлари сунъий йўлдош орқали тарқатилиб, Ватанимизнинг бой тарихи, бетакрор маданияти, бугунги сермазмун ҳаётини дунёга тараннум этишга хизмат қилаётгани мамлакатимизда Энг замонавий электрон воситалар ва телекоммуникация тизимини жадал ривожлантириш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ишларимиз амалий натижаси² эканлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Демак, бугун биз том маънода ахборотлашган жамиятда яшаяпмиз. Бу давримизнинг ўзига хос ютуғи бўлиб, жамият тараққиётига бениҳоя катта ҳисса қўшаёттир. Давлатлараро иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий, экологик ва бошқа соҳаларда ҳам ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда замонавий оммавий коммуникациянинг ўрни бениҳоя каттадир.

Шу билан бир қаторда ахборотлашган жамиятда ўзига яраша муаммо ва чигал масалалар ҳам пайдо бўлишини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Нур бор жойда соя бўлгани мисол эзгулик кушандаси саналмиш ёвузлик иллатлари ҳам урчиб кетаверар экан. Яъни,

¹ Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига. //Халқ сўзи, 2009 йил 27 июнь.

² Каранг: ўша жойда.

жамиятимизда ахборот соҳасида миллий хавфсизликка таҳдид соладиган ҳолатлар ҳам юз берайтганидан кўз юма олмаймиз. Инсоният оммавий ахборот воситалари соҳасида шу қадар юксак тараққиётга эришдики, бунинг оқибатида “ўзининг бошини ўз оғритадиган, ўз ҳаётига ўзи таҳдид соладиган, ўз истиқболини мавҳумлаштирадиган ҳолатларга ҳам дуч келмоқда,— деб ёзади профессор Нарзулла Жўраев.— Инсоният ёзув ихтиро қилингунга қадар тахминан уч миллион йил оғзаки алоқа қилган бўлса, ундан беш минг йил кейингина саноат асосида китоб босишни ўрганди. Ундан беш юз йил ўтиб телефон, радио ва телевединиега эга бўлди. Анъанавий эшитув-кўрув воситаларидан компьютерларга ўтиш учун эса атиги эллик йилча вақт керак бўлди, холос. Ана шу тарихий ҳақиқатнинг ўзи инсон тафаккури тараққиёти, фан-техника ривожи билан боғлиқ бўлган оламшумул ўзгаришлар динамикасини қўрсатади”³. Бугунги кунда ягона ахборот маконида яшар эканмиз, ҳар куни янги ахборот билан яшаш турмуш тарзимизга айланиб бормоқда. Ёшлар онги ва дунёқарашини шакллантиришда ҳам кундалик ахборотлар муҳим ўрин тутмоқда. Шу билан бир қаторда, ҳалқимиз оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимизда ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида холис ва тезкор ахборотлар олишга, шу билан бирга, биринчи навбатда, ҳокимият органлари ва бошқарув тузилмалари фаолияти ҳақидаги танқидий фикрларни, ислоҳотлар ва янгиланишлар йўлидан илгари боришимизга тўсиқ бўлиб турган нуқсонлар, ҳаётдаги долзарб муаммолар хусусида ошкора, профессионал таҳилилий материаллар кутади⁴. Ҳақиқатан ҳам бугун одамлар ахборотсиз яшай олмайди. Замонавий инсоннинг маънавий-мафкуравий, фуқаро сифатидаги тириклиги, соғломлиги эса унинг ахборот билан нечоғли тўқис таъминланганлиги билан белгиланади⁵. Қизиқарли ахборотлар ҳар бир ахборот истеъмолчисининг домий эҳтиёжига айланганини яхши билган бузғунчилар айнан ОАВ орқали жамиятимиз миллий хавфсизлигига таҳдид солишга ҳаракат қиласидилар. ОАВ соҳасида жамият миллий хавфсизлигини таъминлаш шу тариқа долзарб муаммога айланиб бормоқда. Негаки, дунё ахборот маконида чиройлигина сўзлар билан ифода этилган ахборот хуружлари кўпаймоқда. Уларни таҳлил қилганда, миллий манфаатларга зид бўлган, урф-одат ва анъаналаримиз, миллий қадриятларимизни таҳқирловчи вайронкор ғоялар аён бўлиб қолади. Бу ҳол шак-шубҳасиз ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш муаммосини кўндаланг қилиб қўймоқда. Айрим

³ Жўраев Н. Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг моҳияти ва унсурлари. /Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси жорий архиви, 2006.

⁴ Қаранг: Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 36 б.

⁵ Қаранг: Хуршид Дўстмуҳаммад. Глобаллашув даври ва ахборот макони. //Ўзбекистон матбуоти, 2007 йил 3-сон, 13 б.

сиёсатшунослар фикрича, ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини яратишнинг қўйидаги усулларини қўллаш зарур:

Биринчидан, социологик йўналиш. Бунда ахборот олиш ва тарқатиши жараёнида жамият тараққиётида ахборотнинг ижтимоий воқелик сифатидаги ролидан келиб чиқиб жамиятда шаклланаётган ижтимоий онг йўналишлари, ижтимоий тафаккур даражаси ва унинг оқимларини ўрганишни йўлга қўйиш керак. Аҳоли турли қатламлари қарашлари, касбий ва бошқа ижтимоий ҳолатлари асосидаги фикрлаш тарзини аниқлаб бориш зарур.

Иккинчидан, статистик йўналиш. Кўпмиллатли мамлакатда, хусусан, 130 дан ортиқ миллат ва элат яшаётган, 20 га яқин диний конфессиялар фаолият кўрсатаётган Ўзбекистонда миллатлараро ва динлараро можароларни, турли сиёсий манфаатлар ва бузғунчи ғоялар таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган сиёсий низоларни ўрганиб бориш. Бу борада аниқ таҳлилий фикрларга эга бўлиш.

Учинчидан, сиёсий конфликтология ва сиёсий психология. Ахборот-психологик хавф авж олаётган бир пайтда, турли бузғунчи ғоялар инсон онги ва тафаккурига ўз таъсирини ўтказаётган бир шароитда сиёсий можаролар келиб чиқиши мумкин бўлган манбаларни ўрганиш, омилларни аниқлаш ҳамда унинг натижасида жамиятда шаклланиши мумкин бўлган жамоатчилик фикри, сиёсий қарашлари, руҳияти – ижтимоий-сиёсий психология изчил равишда ўрганиб борилмоғи лозим.

Тўртинчидан, мантикий-тизимий ва функционал таҳлил. Ахборот тизими, хусусан, ахборот-психологик таъсир ахборот сиёсати тизими ва воситасининг муҳим қисми сифатида баҳоланиши лозим. Воқеликка ана шу тарзда ёндошиб, илмий-таҳлий, назарий ва амалий хуносалар чиқариш керак. Тифиз ахборотлашган жамиятда ахборот оқими таъсирида шаклланаётган ижтимоий фикр фан нуқтаи назаридан изчил ўрганилмоғи, унинг предмети ва методологиясини ишлаб чиқиш муҳим бўлиб қолди.

Бешинчидан, ахборот тизимида миллий истиқлол ғоясининг устиворлиги. Ҳар қандай фуқаро ахборот бозоридан “маҳсулот” танлаш жараёнида унинг қалбида, руҳиятида, кайфиятида, феъл-авторида, буларнинг барчасининг оқибати сифатидаги хатти-ҳаракати ва муносабатида мафкуравий иммунитет устиворлигини таъминлаш⁶.

Кўриниб турибдики, ОАВ соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш –жамиятда тинчлик ва осойишталикни барқарор сақлашга хизмат қиласи. Чунки, миллий қадриятларимизга путур етказадиган ёт ғоялар билан онги заҳарланган инсонда ватан туйғуси, ўз халқига муҳаббат ришталари сусайиб бораверади. ОАВ соҳасида миллий

⁶ Қаранг: Жўраев Н. Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг моҳияти ва унсурлари. /Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси жорий архиви, 2006.

хавфсизлигимизга таҳдидларга қарши кураш журналистларимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан бирига айланиб бораётгани сабаби ҳам шунда. Зотан, ёшлар онгини мафкуравий хуружлардан ҳимоя этиш келажак пойдеворини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шакшубасизdir. “Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, бундай мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини, ўйлайманки, юртимизда яшайдиган соғлом фикрли ҳар бир одам яхши тушунади,— деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.— Бундай тажовузкорона ҳаракатлар бизлар учун мутлақо бегона мафкура ва дунёқарашни аввало беғубор ёшларимизнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилгани билан айниқса хатарлидир. Бундай ҳолатларга дуч келганда, умрида мамлакатимизга қадам қўймаган, Ўзбекистонни ҳатто харитадан ҳам кўрсатиб беролмайдиган, лекин ўзини мутлақ ҳақиқатнинг ягона ифодачиси деб ҳисоблайдиган кимсаларнинг енгил-елпи фикрларини эшитганда, уларга қарата беихтиёр, э, барака топкур, олдин юртимизга бир келиб кўринг, тарихимиз, маънавиятимиз, ҳаёт тарзимиз билан танишиб, ундан кейин гапиринг, деб айтгингиз келади”⁷.

Дарҳақиқат, баъзи Россия телеканаллари орқали ўзбеклар шаънига тош отишдан чарчамаётган В.Жириновсийга ўхшаган сиёsatдонлар Ўзбекистонга қачон келган? Урф-одат ва аньналаримиз билан яқиндан танишганмикин? Турмуш тарзимизни қай даражада биларкин? Том маънодаги жаннатмакон юртимизга келмасдан, мустақиллик нашидасини сураётган оилалар ҳаётини кўрмасдан, баҳтиёр кунларига шукrona айтиб яшаётган баҳтли одамлар билан юзма-юз сухбат курмасдан туриб ОАВ орқали бўхтон қилиши, ўзича тўқиб-бичиб гапириши қайси қуюшқонга сиғаркин?

Бундай ахборот хуружларига қарши миллий матбуот орқали Иброҳим Норматов, Қобилбек Каримбеков, Шарофиддин Тўлаганов, Шуҳрат Жабборов, Мурод Абдуллаев, Абдумажид Азимов, Исмат Худоёров, Кўчкор Норқобил, Салим Ашур, Ислом Ҳамро, Қодиржон Жўраев, Ҳусnidдин Бердиев, Шуҳрат Орипов, Беҳзод Шукуров каби кўплаб журналистлар ва сиёсий шархловчилар муносиб жавоб қайтараётганлари эътиборга моликдир.

Айни пайтда Файзула Мўминов, Қудрат Эрназаров, Хуршид Дўстмуҳаммад, Шавкат Миралимов, Шерзод Қудратхўжаев, Олимжон Ўсаров, Олим Тошбоев каби таниқли журналист-олимларнинг бу борадаги тадқиқотлари ҳам журналистлар учун муҳим қўлланма бўлмоқда.

⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 14-15 б.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон телевидениесида ҳам “ахборот хуружлари” қурбонига айланганлар қисматини акс эттирувчи кўрсатувлар, республика радиосида шу мавзуга оид таъсирчан эшиттиришлар берилаётгани кўпчилик эътиборини тортмоқда.

Зеро, ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш мавзуси соҳа мутахассисларидан муттасил изланиш ва бу борада ОАВда тез-тез чиқиб туришни тақозо этади. Негаки, ахборот маконида миллий қадриятларга, маданий-маънавий бойликларимизга путур етказувчи мафкуравий таҳдидлар тўхтовсиз давом этмоқда. Бир жиҳатдан қаралганда, тезкор ахборот тарқатиш асносида мафкуравий таҳдидлар ҳам пайдо бўлмоқда. Маданийлаштириш никоби остида ёшлар онгига турли санъат, маданиятларни сингдиришга ҳаракат қилинмоқда. Иш шу даражага бориб етдики, ОАВда мафкуравий курашни ахборот хуружларисиз тасаввур этиб бўлмай қолди.

Назарий жиҳатдан қаралганда, ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг компонентлари ва мазмунини чуқур ўрганиб бориш ғоят муҳимдир. Мутахассислар фикрича, бу компонентлар қуидагича:

- ахборотдан фойдаланишда инсон эркинлиги ва хукукини таъминлаш, фуқаролар томонидан очиқ тармоқлардан ахборот олиш имкониятларини яратиш, мамлакатни маънавий ривожланиш борасидаги жамиятнинг психологик ҳимояси ва маънавий қадриятларининг мустаҳкамланиши, ватанпарварлик ва инсонийлик, маданий ва миллий потенциални таъминлаш ҳамда кучайтириш;

- давлат сиёсатини ахборий таъминлаш, маҳаллий аҳолига ҳамда чет эл аудиториясига мамлакатнинг ижтимоий ҳаёти ва давлат нуқтаи назари, долзарб ички ва халқаро воқеа-ҳодисалар ҳақида объектив ахборот бериш;

- маҳаллий ахборот технологияларини, миллий ахборот индустриясини, ахборотлаштириш воситаларини, телекоммуникация ва алоқаларни ривожлантириш, маҳаллий ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни сақлаш, янги йўналиш ва технологияларни шакллантириш⁸ каби омиллардан иборат.

Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш турли ижтимоий хавфларга, жамият тараққиётига тўғаноқ бўлаётган унсурларга барҳам беришга хизмат қиласи. Бироқ, мутахассислар фикрича, мамлакатимизда яқин йилларгача ижтимоий фикр, жамиятнинг умумий сиёсий-маърифий даражаси замонавий “ахборот хуружи”га ва унинг шиддатига дош бериши мушкул, аникроғи, унинг бутун кўламини, моҳиятини, ахборот остидаги яширин ғояни ва ахборот

⁸ Каранг: Мўминов Ф.А. Ахборот хавфсизлиги ва ижтимоий тараккиёт. //Ўзбекистон матбуоти, 2007 йил 6-сон, 32 б.

тарқатувчи манба мақсадини етарли даражада баҳолаши қийин бўлиб келган эди. Бугунги кунда бу муаммо ҳам ижобий ҳал этилиши йўлида пухта ўйланган саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Бинобарин, ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш йўлида қандай бузғунчи ғояларга, ёшлар онгига салбий таъсир этадиган бузғунчи ғояларга қарши ҳам сиёсий, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан фаол ҳаракат қилинмоқда. Бу борада самарали натижаларга эришиш учун мутахассислар фикрича қуидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

- инсоннинг шахс ва фуқаро сифатидаги имкониятларни рўёбга чиқариш ва уни шакллантириш;
- инсоннинг ўзини ўзи ҳимоя қила олиш инстинктини, ўзини ўзи бошқариш салоҳиятини шакллантириш;
- алоҳида одамлар, гурӯҳлар, қатламлараро муносабатларни яна ҳам барқарорлаштириш;
- жамоалар бирлигини, умумий хонадон – яхлит мамлакат тақдири учун жавобгарлик ҳиссини кучайтириш;
- миллатидан ва диний эътиқодидан қатъи назар Ўзбекистон фуқароси бўлган ҳар бир шахснинг келажак учун масъуллигини таъминлаш;
- келиб чиқиши мумкин бўлган можаролар, келишмовчилик асосларини, йўналишларини, уларнинг ривожланиш омилларини ва динамикасини доимий тарзда, узлуксиз равишда ўрганиб бориш⁹.

Шу тариқа ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш такомиллашиб бораверади. Пировардида, ОАВ орқали фуқаролар миллий қадриятларига путур етказиш, одамларни бузғунчиликка даъват этиш, ёшлар онгига ёт ғояларни сингдириш ва уларни маънан қашшоқлаштиришга қаратилган иллатларга барҳам берилаверади.

Назорат учун саволлар:

1. Ахборот соҳасида миллий хавфсизликка таҳдид деганда нимани тушунасиз?
2. Жамият тараққиётида ОАВнинг роли қандай бўлади?
3. Юртимиизда интернет журналистикасини ривожлантириши қай даражада амалга оширилмоқда?
4. Ёшлар онги ва дунёқарашини шакллантиришида ахборотнинг ўрнини изоҳланг.
5. ОАВ соҳаси миллий хавфсизликни таъминлаши учун нималарга эътибор қаратиши керак?

⁹ Қаранг: Жўраев Н. Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг моҳияти ва унсурлари. /Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси жорий архиви, 2006.

6. Бугунги кунда ахборот хуружларига қарши мақолалар ёзаётган қайси журналистларни биласиз? (Мисоллар билан тушунтиринг).

7. Ахборот маконида миллий қадриятларга путур етказувчи иллатларга қарши кураш усулларини изоҳланг.

8. Бузгунчиларнинг юртимизга ахборот хуружларини амалга оширишдан мақсадлари нима?

9. Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг компонентлари нималардан иборат?

Асосий тушунчалар

Диний ташкилот – диний эҳтиёжларни биргаликда қондириши ёки қондиришга кўмаклашиши мақсадида тузиладиган ва диний маросимларни адo этиши асосида иш кўрадиган ихтиёрий, тенг ҳуқуқли ва ўзини ўзи бошқарувчи уюшма. Айни вақтда у фуқароларнинг вижедон эркинлигини кафолатловчи тузилмалардан ҳисобланади.

Диний экстремизм – баъзи диний ташкилотлар ёки айрим диндорларнинг жамият қонун-қоидаларига мос келмайдиган мафкураси ва фаолияти. Бу кўп динларда мавжуд бўлиб, унинг тарафдорлари ўз олдига сиёсий мақсадларни қўяди.

Интернет – (лат. *inter* – аро ва *net* (work) – тармоқ] – катта (глобал) ва кичик (локал) компьютер тармокларини ўзаро боғловчи бутунжасаҳон компьютер тизими. Унда географик ўрни, замон ва макондан қатъи назар, айрим компьютер ва майда тармоқлар ўзаро ҳамкорликда глобал информация инфратузилмасини ташкил этади.

Интернет журналистикаси – ОАВнинг интернетдаги веб-сайтлари, айрим электрон наширлар фаолияти билан боғлиқ тушунча. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириши тўғрисида”ги (2003), “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги (янги таҳрири) (2007) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривоҷлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2005), “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиши тўғрисида”ги (2005) қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маълумотлар узатиш миллий тармоғини ташкил этиши ва жаҳон ахборот тармоқларидан фойдаланишини тартибга солиши тўғрисида”ги (1999), “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги (1999), “Интернет”нинг халқаро ахборот тизимларига кириб боришни таъминлаш дастурини ишлаб чиқишини ташкил этиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2001), “Zyonet” ахборот тармоғини янада

ривожлантириши тўғрисида”ги (2005), “Интернет тармогида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2007) қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар мамлакатимизда интернет журналистикасининг ривожига хизмат қиласди.

7-Мавзу:

ЖАМИЯТДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ ҲАЛ ЭТИЛИШИ

Ўзбекистонда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш борасида сўз юритганда аввало мамлакатимизга четдан мафкуравий таҳдидлар, “ахборот хуружлари” амалга оширилиши сабаблари, бунинг туб илдизларини теран англамоқ зарур.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон давлат мустақиллигини эълон қилгач, ўзбек ҳалқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқишига бекиёс замин яратилди. Иқтисодий тараққиёти учун катта имкониятлар эшиги очилди. Ўз олтинини, бошқа еости бойликларини ихтиёрий равишда қазиб ола бошлади ва уларни сақлаш йўлга қўйилди. Бошқа табиий бойликлари, ҳалол меҳнати билан яратилган моддий неъматлар одамлар фаровон турмушининг кафолати ва ижтимоий тараққиётимиз асоси бўла бошлади. Мамлакат ўзининг миллий валютаси ва бошқа бойликларига эга бўлган ҳолда ривожланмоқда.

Тарихда илк бор 1992 йилнинг 2 марта Ўзбекистон ҳалқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Ўтган йиллар мобайнида қатор ҳалқаро ташкилотларга қўшилди. Ўнлаб тараққийпарвар давлатлар билан ҳамкорликлар ўрнатилди. Буларнинг барчаси республика тараққиётида муҳим ўрин тутмоқда. Чинакам мустақилликни кўлга киритган юртимизнинг гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, ҳалқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаши олий мақсадимиздир. Оқсан дарё оққани мисол ўзбек ҳалқи яна тарих саҳнасидаги улуғвор ўрнини тиклашга муваффақ бўлмоқда! Ҳалқимизнинг собиқ мустабид тузум даврида ҳам ўзлигидан бутунлай жудо бўлмагани сабабини тўғри англамоқ лозим. Юксак маънавиятга эга бўлган буюк ҳалқ абадул-абад енгилмас куч сифатида боқий яшар экан. Ҳамма даврда ҳам юрт, миллат ва миллий қадриятлар учун курашган фидойи инсонлар бўлгани ҳақида кўплаб адабиётларда ҳам ёзилган. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан бебаҳо миллий удумларимиз, урф-одатларимиз, бетакрор анъаналаримиз авлоддан-авлодга бекиёс маънавий мерос сифатида ўтиб келаётир. Миллий ўзлигимиз сақлаб қолинишида юксак маънавият – чинакам енгилмас куч эканини намоён этмоқда.

Шу ўринда баъзи саволлар пайдо бўла бошлайди: Ўзбекистоннинг дунё билан бўйлашиши, тараққиёт сари дадил одимлаши ҳеч кимнинг ҳасадини келтирмайдими? Неча йиллар мобайнида уни мустамлака ичканжасида тутиб бойликларини талаганлар энди унинг мустақил давлат сифатида эмин-эркин ривожланишига хайриҳоҳ бўла оладими? Бугун ҳам унинг пахтасию пилласи, мева-чеваларию тилласи, бошқа

бойликларига суқланиб қараётганлар холис муносабатда бўлармиди? Бу озод мамлакатнинг ҳаёти ва тараққиётидан ҳасад ўтида ёнаётганлар унинг йўлига ғов бўлмайдими?

Дунё ҳаритасидан муносиб ўрнини эгаллаган Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлидан илдам боришига турли тўсқинликлар бўлаётгани сезилиб турди. Бундай кўз илғамас “тўсиқ”лардан бири – мафкуравий, ғоявий таҳдид, ахборот хуружиdir. Жамиятда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш ҳақида сўз борар экан, аввало кечаги ўтмишда юз берган баъзи воқеа-ҳодисаларни яна бир бора эслаб кўрсақ, бу хуружларнинг илдизлари ойдинлашгандек бўлади. Собиқ мустабид тузум даврида “марказ”нинг буйруғини бажариб яшаш “иттифоқ” исканжасидаги республикалар учун одатий ҳолга айланган эди. Ўша даврга ҳаққоний баҳо берган Президент Ислом Каримовнинг қуидаги фикрларини эслаш ўринли: “Гоҳ ошкора, гоҳ зимдан: “Сизлар ўз-ўзларингни мустақил бошқаришга, мустақил давлат куришга қодир эмассизлар”, “Сизлар муте, қарам миллатсизлар”, “Сизлар учун биз фикрлаймиз, назария яратамиз, амру фармон берамиз, сизлар эса бажарасиз, холос”, деб миямизга қуйиб келишмаганми? – Шу ўринда давлат раҳбари чинакам ҳаётбахш, илғор ғояларни илгари сурган.– Мустақилликка эришганимиздан сўнг биз соҳта мафкуранинг яккаҳокимлигидан қутулдик. Маънавиятни, мафкурани зуғумлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик”¹. Эндиgi асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончнинг орта бориши ҳақида сўз юритар экан Юртбошимиз тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилишини² алоҳида таъкидлайди. Ўтган давр мобайнида бутун халқимиз мустақиллик моҳиятини теран англаб етганига ва Ўзбекистоннинг келажаги нақадар буюк давлат эканига умид қилиб яшаётганига шакшубҳа йўқ!

Эртанги келажагимиз ҳисобланмиш баркамол авлоднинг ҳам ана шундай илғор фикрли бўлиб етишишлари учун қанчадан-қанча улуғвор ишлар амалга оширилмоқда. Юртимиз мустақиллиги шарофати билан бунёд этилган замонавий лицей ва коллежларни 1 миллион 446 мингдан зиёд фарзандларимиз, жумладан, 1 миллион 55 минг нафардан ортиқ қишлоқ ёшлари битириб, бугунги кунда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, бошқарув ва ижтимоий соҳаларда, барча жабҳаларда меҳнат қилаётгани шу йўлда эришган энг катта ютуғимиз бўлганини³ алоҳида таъкидлаш мумкин. Ундан ташқари ҳар йили ўн минглаб йигит-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, 1995. – 201 б.

² Каранг: ўша асар, ўша жойда.

³ Каранг: Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. //Халқ сўзи, 2009 йил 8 декабрь.

қизларимиз олий ўқув юртлари бакалавр ва магистратура босқичларини муваффақиятли тамомлаб, ишлаб чиқариш соҳаларига йўлланмалар олишмоқда. Айни пайтда мазкур таълим муассасаларида юз минглаб ёшларимиз замонавий билимлар олиб камолга етмоқдалар. Юртбошимиз таъкидлаганидек, таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усусларини ўзлаштириш, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар нафақат мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларига, балки ҳар қайси оила ҳаётига кенг кириб бориши учун замин туғдиришнинг аҳамиятини чуқур англаб олишимиз лозим⁴.

Хозирги глобаллашган дунёда ёшлар онгига салбий таъсир қилаётган унсурлар ҳам пайдо бўлаётганига бефарқ қарай олмаймиз. Ягона ахборот маконида авж олаётган турли мафкуравий таҳдидлар, ахборот хуружлари ёш авлод онгу шуурига жиддий зарар етказиши мумкин. Энди асосий мақсадлардан бири – ёш авлодни ўша хуружу таҳдидлардан ҳимоя қилишга қаратилмоғи зарур. Зеро, “глобаллашув – инсоннинг онгу шуури, тафаккури самараси сифатида вужудга келган жаҳон миқёсидаги умумий жараён, таъбир жоиз бўлса, инсоният бошидаги яна бир синов,— деб ёзади профессор Абдуғафур Расулов.— Бугунги кунда дунёдаги айрим қудратли давлатлар ўз миллий манфаатларини амалга оширишда глобаллашув жараёнидан устамонлик билан фойдаланиб қолишга уринмоқда. Бу манфаатларнинг шакли, кўриниши, соҳаси, йўналиши, турлича”⁵. Биз ана шу таҳдидларнинг кўринишларини теран англаған ҳолда ёш авлод қалбида ундан ҳимояланишга хизмат қиласидиган мафкуравий иммунитетни пайдо қилишимиз ва шакллантиришимиз тақозо этилмоқда. Очиқ айтиш керак, ҳозирги вақтда ҳар бир миллатнинг маданий савиясини шакллантиришга хизмат қиласидиган мезонлар бор. “Энг асосийси – интеллектуал онг, юксак маънавият, асрий анъаналарга таянадиган, замоннинг илғор ютуқларидан озиқланадиган миллий дунёқараш ва эътиқоддир. “Оммавий маданият”, туб моҳиятига кўра, миллий маданиятларнинг кушандаси, у маданий хилма-хилликни хушламайди, бу оламни якранг кўриш унинг асл мақсади,— деб ёзади филология фанлари номзоди Олим Тошбоев.— “Оммавий маданият” кўплаб жамиятларни сунъий, сохта идеаллар билан чалғитибгина қолмасдан, одам боласи учун муқаддас бўлган табиий жуфтликни инкор этади, ғайриинсоний ахлоқ муносабатларини қонунийлаштиради ва буни эркинликнинг олий намунаси деб кўз-кўз қиласи”⁶. Демак, бугун

⁴ Каранг: ўша маъруза, ўша бетда.

⁵ Расулов А. Глобал жараёnlар ва маънавият. //Ўзбекистон матбуоти, 2008 йил 5-6 сон, 8-9 б.

⁶ Тошбоев О. Ёшлар ва маънавий тарбия: “Оммавий маданият” таҳдиди ва унга қарши кураш зарурати. //Ўзбекистон матбуоти, 2008 йил 5-6 сон, 43-44 б.

“оммавий маданият” ниқоби остида интернет орқали ва бошқа йўллар билан намойиш этилаётган порнография сингари ўта ғайриинсоний “фильм”лар таъсирига ишонувчан ёшлар тушиб қолишиларининг олдини олиш, уларни вайронкор ғоялардан асраш ҳаётий заруратга айланган. Бунинг учун аввало ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш орқали ёшларда кучли мафкуравий иммунитетни ошириб бориш тақозо этилмоқда.

Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг вазифалари, асосий йўналишлари ва усуллари илмий асослангандир. Бу ерда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги миллий манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ вазифалар, турли таҳдидларга қарши кураш усулларини назарий жиҳатдан ўрганилиши ва таҳлил этиб борилиши зарур. Зотан, жамиятни бошқариш сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-психологик йўллар орқали амалга оширилади. Буларнинг негизида аввало информацион бошқариш мавжуддир.

Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг маънавий-маърифий аспекти, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, ОАВ ходимлари фаолиятининг ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларига қатъий амал қилиш ахборот-психологик хавфсизлигининг муҳим шартларидан⁷ бири ҳисобланади.

Шуни айтиш жоизки, ахборот-психологик хавфсизлик – давлат, жамият ва шахсга зиён етказиши мумкин бўлган тасодифий ёки қасдан қилинган ахборий таъсирлардан ҳимоялашга қаратилган муҳим саъи-ҳаракатdir. Мутахассислар фикрича бу қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш;
- ахборотнинг конфиденциаллигини сақлаш, унинг ОАВда чиқиб кетиши, ўғирланиши ва йўқолишининг олдини олиш;
- ахборотни бузиб кўрсатиш ва сохталаштиришнинг олдини олиш⁸.

Демак, бугунги глобаллашган маконда ахборот хавфсизлигини таминалаш – ахборот соҳасига зиён етказилишининг олдини олишга хизмат қиласди. Бу жараёнда ёзув ниятли кишиларнинг кирдикорларига қарши кураш билан бир қаторда турли даражада келтирилиши мумкин бўлган заарларнинг ҳам олди олиниши табиий.

Жамият ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашда унинг қуйидаги компонентлари (таркибий қисмлари)ни билиш зарур, яъни, таҳдидлар, таҳдид объектлари, таҳдид манбалари, таҳдиднинг мақсадлари, ахборот манбалари, ахборотни ғайриқонуний тарзда қўлга

⁷ Каранг: Мўминов Ф.А. Ахборот хавфсизлиги ва ижтимоий таракқиёт. //Ўзбекистон матбуоти, 2007 йил 6-сон, 32 б.

⁸ Каранг: Раимов Ш.У. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш – миллий хавфсизлик стратегиясининг энг муҳим йўналиши. /Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси жорий архиви, 2006.

киритиш усуллари, ахборотни ҳимоялаш йўналишлари, ахборотни ҳимоялаш усуллари, ахборотни ҳимоялаш воситалари⁹. Шу ўринда айтиш жоизки, ахборотни турли таҳдидлардан ҳимоялаш учун ғайриқонуний ҳаракатларга бефарқ қарамаслик, уларнинг олдини олиш, ахборот манбаларига рухсатсиз киришга йўл қўймаслик ва зарур пайтда қаршилик кўрсатишни таъминловчи турли тадбирлар, йўллар, усулларни қўллаш тақозо этилади. Бу фикрни илгари суриш зарурати қандай пайдо бўлганини изоҳлашга ҳожат йўқ. Бугун компьютерлаштирилган дунё, ялпи ахборотлаштирилган глобал тизимнинг вужудга келиши миллатлар, халқлар ва бутун инсоният тақдирини бир-бирига боғлаб қўйди. Ахборот олиш ва тарқатиш технологияси ғоят тараққий этиб кетди. Ҳозирги компьютерлар процессорида 80-100 миллион атрофида транзистор бўлиб, улар ҳар сонияда бир-икки миллиардгача вазифани бажаар экан. Ахборот технологиясининг бундай ривожланиши бир жиҳатдан жиддий ташвишлар туғилишига ҳам сабаб бўлмоқда. Интернет орқали одамлар ер юзининг исталган жойидаги кишилар билан алоқа ўрнатиши, қатор сайтларга ахборотини жойлаштириши мумкин. Бундай мўъжизакор имкониятлардан баъзилар ғаразли мақсадларда фойдаланиб, “ахборот хуружи”, ахборот-психологик ҳужумлар уюштиришга ҳаракат қилмоқда.

Ахборот-психологик ҳужумнинг инсон руҳиятига салбий таъсири ҳақида кўп фикрлар илгари сурилаётгани бежиз эмас. Оқкўнгил, содда ва ишонувчан кишилар матбуотда босилган, телевидениедан, радиодан айтилган гапларга ишонч билан қарашидан усталик билан фойдаланиб қоладиган ва “ахборот хуружлари” уюштирадиган кимсаларга бефарқ қарамаслик учун нима қилмоқ керак, деган саволга муҳтасар жавоблар ҳам кўп. “Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш” асарида бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, маънавий-маърифий тарғибот ишларини кучайтириш учун аввало нималарга эътибор берилиши лозимлиги шундай асослаб берилган:

Биринчидан, одамнинг иродаси, дунёқарashi бақувват бўлиши учун унинг ҳаётга, эртанги кунга, ўзининг куч ва имкониятларига ишончи мустаҳкам бўлиши керак. Айниқса, фарзандларимиз қалбida келажакка ишонч туйғусини ошириш учун уларнинг, юқорида таъкидланганидек, асосли ва ҳаққоний маълумот ва ахборотларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Шу борада оммавий ахборот воситалари бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий сиёсатни, янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнларини ҳар томонлама чуқур, таъсирчан усуллар орқали ёритиб бориши зарурлигини тушунтириб

⁹ Каранг: ўша манба.

ўтиришнинг ҳожати йўқ. Лекин бу масалада фақат оғаринбозлик, "яшасин" деган гаплар билан иш битмайди.

Бугун бизга ислоҳотларимизни тўлиқ амалга ошириш, уларнинг самарадорлигини янада кучайтириш йўлида нималар ғов-тўсиқ бўляпти? Бу – бюрократия, манфаатпарастлик, порахўрлик, маҳаллийчилик, шуҳратпарастлик, лоқайдлик каби салбий иллатлардир. Бундай иллатларни ўз номи билан атаб, амалий мисолларда кўрсатиб бериш учун оммавий ахборот воситалари, авваламбор, эл-юрт манфаатларининг ҳимоячиси бўлиши, журналистлар эса бу ўта оғир, кучли иродани талаб қиласидан жабҳада том маънода фидоийлик кўрсатишини ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Иккинчидан, биз ўз юртимизни ўзимиз, ўз меҳнатимиз, пешона теримиз билан обод этмасак, бунинг учун белни маҳкам боғлаб ишламасак, ҳеч ким четдан келиб бу ишни қилиб бермайди. Шунинг учун ҳам биз ота-боболаримиз хоки ётган бу юрт, бу муқаддас замин – бизники, унинг бугуни ва истиқболи фақат ўзимизга боғлик, мустақиллик пойдеворини қурган инсонлар бошлаган ишларни давом эттириш – бизнинг эзгу бурчимиз, деган тушунчани, керак бўлса, ҳаётий эътиқодни ёшларимизнинг онгу шуурига чукур сингдиришимиз даркор¹⁰.

Айтиш жоизки, ҳар бир инсон ҳаётга ўз нуқтаи назари билан қарайди. Ташқи муҳит инсонга турлича таъсир кўрсатади. Заарли таъсирлардан ҳимояланиш ўша инсонда мафкуравий иммунитет қай даражада эканлигига боғлиқлиги аллақачон ўз исботини топган. Зоро, инсон маънавий-маърифий, ахлоқий-рухий даражасидан келиб чиқсан ҳолда фаолият кўрсатади. Шунга яраша фикрлайди, ахборот қабул қиласи, хулоса чиқаради. Бу хулоса унинг онги қай даражада шаклланганини кўрсатади. Ҳар қандай ахборот мазмуни, моҳияти, таъсир этиш даражаси, жамиятга фойдали ёки заарарлилиги, кишини эзгуликка ёки ёвузликка даъват этишини эътибор билан ўрганиш лозим. Зоро, миллий манфаатларни асраш ва ривожлантириш учун ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш ғоят муҳимдир. Шу ўринда ахборот-психологик хавфсизлик тушунчасини теран англаб олмоқ жоиз. Мутахассислар фикрича, ахборот-психологик хавфсизлик – бу бевосита инсон руҳиятига таъсир ўтказиш орқали уни ўз ақидаларидан, муқаддас идеалларидан, эътиқодидан айирадиган бузғунчи ғоялардан асрashdir. Демак, ахборот-психологик хавфсизликка эҳтиёж, энг аввало бевосита инсон ва жамият, инсон ва давлат, шахс ва унинг дахлсизлиги, миллат ва миллий қадриятлар, жумладан, урф-одатлар, анъаналар, тарихий ва маданий мерос, авлодлар ворисийлиги, миллатнинг истиқболи билан

¹⁰ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 13-15 б.

боғлиқ бўлган қадриятларга маънавий-руҳий таъсир, бузғунчи ғояларнинг мавжудлигидан келиб чиқади.

Ахборот-психологик хавфсизликка риоя қилинмаса, унинг таъсирчан чоралари кўрилмаса, бузғунчи ғоялар миллий қадриятларни барбод этиш орқали тарихан мавжуд бўлган ҳалқлар ва миллатларни геноцидга олиб келиши муқаррар. Тифиз ахборотлашган жамиятда ахборот орқали замонавий руҳий таъсир технологияларининг тобора ривожланиб бораётганлиги шахс ва жамият тафаккурининг шаклланишига у ёки бу тарзда кучли таъсир ўтказади. Жамоатчилик фикрининг қай даражада шаклланганлигига, жамиятнинг сиёсий онги, ҳуқуқий билимлар савияси, маънавий-маърифий даражасига қараб жамиятнинг тараққиётга ёки таназзулга юз тутиши муқаррар. Ижтимоий фикрни шакллантиришда ахборот таъсирини ошириш, ахборот технологияларидан фойдаланиш усуллари ва услубларининг тобора кенгайиб бораётганлигини назарда тутсак, ахборот-психологик хавфсизлик муаммоси яна ҳам кескинлашиб қолади. “Ахборот-психологик хавфсизлик” атамасининг моҳияти шундаки, у инсон, жамият тушунчалари доирасидан чиқиб кетиб, яхлит инсоният, бутун кишилик тақдири билан боғлиқ бўлган глобал масалаларни ҳам қамраб олади, натижада ҳозиргача мавжуд бўлган глобал муаммоларнинг энг тажовузкори, энг бузғунчиси ёки, аксинча, энг ташаббускори бўлиб қолиши муқаррар. Бу ҳолатни ҳалқаро сиёсатда, давлатлараро, минтақалараро муаммоларни ҳал этишда буюк давлатчилик шовинизми авж олиши мумкин бўлган ҳолатларда яна ҳам хавфлироқ моҳият касб этади. Бундай пайтда кўпроқ анъанавий сиёсий мувофиқлаштириш тажрибаларидан кенгроқ фойдаланиш тақозо этилади. Демак, ахборот орқали юзага келган психологик можаролар шароитида давлат ахборот сиёсатининг вазифаси жамиятни салбий ахборот-психологик ҳуруждан ишончли сақлаш, қатъий ҳимоя қилиш механизмини яратиш билан белгиланади¹¹. Ахборот технологиялари ривожланаётган жамиятда турли таҳдидлар ҳам пайдо бўлиб туриши одатий ҳолга айланмоқда. Ахборот-психологик ҳимоя етарли даражада таъминланмаган жамиятда турли таҳдидлар одамларда қурқув, ҳадик ва ишончсизлик туйгуларини пайдо қиласеради. Шу ўринда жамиятда ахборот-психологик хавфсизликнинг тўла таъминланиши шундай салбий ҳолатларга чек қўйиши мумкин. Ахборот-психологик хавфсизлик ҳар қандай ёт, бузғунчи ғоялар, мафкуравий таҳдидларнинг салбий таъсирини йўққа чиқаришга хизмат қиласади.

¹¹ Қаранг: Жўраев Н. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг вазифалари, асосий фаолият йўналишлари ва услублари. /Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси жорий архиви, 2006.

Жамият тараққиёти жараёнида ахборот-психологик хавфсизлик маънавий-ахлоқий мезонларга ҳам айланиши мумкин. Бунда ахборот олиш ва тарқатиш билан шуғулланувчи ОАВ ходимларининг сиёсий савияси, касб маҳорати ва энг муҳими фаол фуқаролик позицияси ҳам намоён бўлаверади.

Жамиятда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш учун ташкилий-техник жиҳатдан таъминланган бўлиш, замонавий техника ва технологиялар билан етарли даражада қуролланиш зарур. Бу борада моддий-молиявий база бўлиши керак. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш моҳиятини теран англайдиган соҳа ходимлари имкониятларини кенгайтириш, замонавий ахборот технологиялардан самарали фойдалана оладиган билимларга эга, ҳар томонлама кенг фикрлайдиган кадрларни тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Тобора авж олиб бораётган “ахборот хуружи” ҳар бир инсон онгига кучли таъсир ўтказиши шак-шубҳасиз. Шундай экан, жамият тараққиётини ҳал қилишга қодир бўлган ахборот тизимини тўғри бошқариш ғоят муҳимдир. Бу муаммоларнинг ижобий ҳал этиб борилиши ўз навбатида юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга ҳам хизмат қиласи. Ахборот-психологик таъсир мамлакат ички ва ташқи сиёсатига, жамият ҳаётига бевосита дахлдор масала. Демак, ахборот-психологик ҳимояни таъминлаш жамият маънавий тараққиётига факат ижобий таъсир кўрсатади.

Ахборот маконида Ўзбекистонга ҳам “ахборот хуружлари” қанчалик авж олдирилаётгани кўриниб турибди. Масалан, 2005 йил май ойида Андижонда юз берган мудҳиш ҳодисалар айрим давлатлар матбуотида “бош мавзу”га айланган эди. Ўшанда Ўзбекистонга қарши кўплаб “ахборот хуружлари” уюштирилган. “Оммавий ахборот воситаларида башланган мазкур кенг қамровли кампания бу – тергов ишлари тугагунга қадар воқеалардан илгарилаб кетиши, Ғарбдаги кенг жамоатчилик онгига ўзлари истаган соҳта манзарани чуқур сингдириш, Европа ва АҚШда яшайдиган ҳар бир одамда “тинч намойишчилар” ўққа тутилди, мана Ўзбекистонда қандай мустабид тузум ҳукмронлик қилмоқда, деган фикр уйғотишга интилишдан бошқа нарса эмас,— деб таъкидлаган эди Президент Ислом Каримов Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан берган баёнотида.— Бу кенг қамровли кампания ташкилотчилари мана нимани хоҳлайди. Улар бунинг учун катта пул тикишган”¹². Ўша кезда айниқса Ғарб матбуоти саҳифаларида Андижон воқеаларига оид тарқатилган хабарлар таҳлили шуни кўрсатадики, бу мафкуравий таҳдид замирида Ўзбекистон ҳукуматини

¹² Каримов И.А. Ҳақиқат – журналистиканинг доимий, ўзгармас қоидаси ва унга амал қилиш шарт. /Ўзбек халқи ҳеч качон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 102 б.

обрўсизлантиришга ва мамлакатда сиёсий вазиятни издан чиқаришга қаратилган саъй-харакатлар аён кўриниб турибди. Бу мамлакатимизга қарши “психологик уруш”нинг ўзига хос кўриниши эди.

“Психологик уруш”нинг маъносини мутахассислар шундай изоҳлайди: у “муайян бир давлат маҳсус органларининг ўз сиёсий ва ҳатто соф ҳарбий мақсадларига эришиш учун бошқа давлатнинг фуқаро аҳолиси ва ҳарбий хизматчиларига психологик таъсир ўтказишдан иборат фаолият мазмунини акс эттиради”¹³.

Баъзи мутахассислар эътироф этишларича, қатор давлатлар томонидан қўлланилаётган “психологик уруш” олиб бориш методлари аслида қадимги эрамиздан олдинги VI асрда яшаган хитой файласуфи ва ҳарбий арбоби Сунъ Цзи қўлланмаларида жуда аниқ ифодалаб берилган. Улар қуидагилардан иборат:

1. Душманингизнинг мамлакатидаги ҳамма яхши нарсаларни пароканда қилинг.
2. Душманнинг кўзга кўринган арбобларини жинояткорона ишларга жалб қилинг.
3. Душман раҳбарларининг обрўсини тўкинг ва пайти келганда уларни жамоатчилик олдида изза қилинг.
4. Шу мақсадда энг қабиҳ ва разил одамлар билан ҳамкорликдан фойдаланинг.
5. Ўзингизга душман мамлакат фуқаролари орасида низо ва тўқнашувлар келтириб чиқаринг.
6. Ёшларни кексаларга қарши гиж-гижланг.
7. Ҳукуматнинг ишига барча воситалар билан халал беринг.
8. Душман қўшинларининг нормал таъминланишига ва уларда тартиб сақланишига барча усууллар билан тўскенилик қилинг.
9. Душман қўшинлари майлини ашула ва мусиқалар билан банд қилиб қўйинг.
10. Душманларингизнинг анъаналарини қадрсизлантириш ва ўз худоларига ишончини йўқотиш учун мумкин бўлган ҳамма нарсани қилинг.
11. Маънавий бузилишни авж олдириш учун енгилтабиат аёлларни юбориб туринг.
12. Ахборот ва шериклар сотиб олиш учун таклиф ва совғаларга сахий бўлинг.
13. Умуман пулни ҳам, ваъдаларни ҳам аяманг, чунки улар ажойиб натижалар беради¹⁴.

¹³ Криско В. Секреты психологической войны. Цели, задачи, формы, опыт. –Минск. Харвест, 1999. с-6.

¹⁴ Қаранг: Раимов Ш.У. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш – миллый хавфсизлик стратегиясининг энг муҳим ўйналиши. /Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жорий архиви, 2006.

Эътибор берсангиз, ҳозирги кунда ҳам юртимизга нисбатан қилинаётган ахборот хурожлари ва бошқа бузғунча хатти-ҳаракатлар замирида ўша ғояларнинг деярли ҳаммасини амалда кузатиш мумкин. Уларга қарши курашда аввало ўша мақсад ва режаларини аниқ билиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Демак, тинчлик ва осойишталикка эришиб яшаш осон эмас. Буни ўтган йиллар мобайнида юртимиз ҳаётига қилинган тажовузлар, қўпорувчилик ҳаракатлари мисолида кўрдик. Давлатимиз раҳбари тўғри таъкидлаганидек, кўпчилик замондошларимиз гувоҳи бўлган воқеаларни, бизга ҳасад билан қарайдиган ташқи ва ички душманларимизнинг юртимизда хукмонлик қилиш, ўз ёвуз мақсадларига эришиш учун қандай ўта хавфли хурожлар қилганини эсласак, масаланинг моҳиятини янада теранроқ англашимиз мумкин. Шундай қабих ният билан 1989 йил май-июнь ойларида Фарғона, 1990 йил февраль-март ойларида Бўка ва Паркентда содир этилган, ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайдиган даҳшатли фожиалар; 1990 йилнинг июнь ойидаги Ўш ва Ўзган воқеалари; 1991 йилнинг 8 декабрида Намангандаги собиқ вилоят ижроқўми биносини эгаллаб олган диний экстремистларнинг конституцион тузумга қарши тажовузлари; 1991 йил октябрь ойида собиқ Марказ тарбиялаган ва тезлаган партия-совет номенклатуроси томонидан ташкил қилинган, Олий Совет 7-сессиясида Президентни ағдаришга бўлган уринишлар; 1992 йилнинг 16 январида Талабалар шаҳарчасида ўзимизнинг фарзандларимизни ёлғон даъват ва чақириқлар билан йўлдан оғдириб, уюштирилган тартибсизликлар ва шунга ўхшаган хатти-ҳаракатлар авваламбор ўзбек халқининг ҳамжиҳатлигини бузиш, унинг эркинлик ва озодлик учун олиб бораётган курашига зарба бериш, томирига болта уришга қаратилганини бугун барчамиз яхши англаймиз.

1999 йил февраль ойида пойтахтимиз Тошкент шахрида ёвуз террорчи кучлар томонидан содир этилган портлашлар натижасида қанча бегуноҳ одамлар ҳаётдан кўз юмгани ва ярадор бўлгани ҳам халқимиз хотирасидан асло ўчмайди.

1999, 2000 ва 2001 йилларнинг ёз фаслида Афғонистон худудида ўзига уя қуриб олган террорчи тўдаларнинг чегараларимиздан бостириб кириб, бизни азиз фарзандларимиз ҳаётга эндиғина қадам қўяётган ҳарбий аскарлардан жудо қилиб, оналар юрагини дарду аламга тўлдирганини, Ўзбекистоннинг озодлиги ва тинчлигига қарши ташкил қилинган хурож ва ҳаракатларни бошимиздан кечирганимизни ҳам биз ҳеч қачон унутмаслигимиз ва бундан тегишли сабоқлар чиқаришимиз зарур¹⁵.

¹⁵ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. –Т.: Ўзбекистон, 2002. – 7-8 б.

Эндиликда юрт хавфсизлигига таҳдидларнинг кўринишлари ҳам ўзгача. Замонавий коммуникация технологиялари билан қуролланган бузғунчилар очиқ майдонда жанг қилишмайди. Улар қўпорувчилар “сопи”ни ўзимиздан чиқаришга уринишмоқда. Яъни, ҳали онги шаклланиб улгурмаган баъзи ёшларни турли йўллар билан онгини заҳарлаш орқали ўзимизга душман қилишга ҳаракат қилишаётир.

Жамият хавфсизлигига таҳдидларнинг бундай қабих усули янгилик эмас. Ўтмишда буюк бобокалонларимиз ҳаётида ҳам шундай аянчили ҳоллар кўп бора кузатилганидан кўз юма олмаймиз. Айтайлик, темурийлар шаънига чексиз иснод келтирган Абдуллатифнинг Самарқанд таҳтини эгаллагач, ўз отаси Мирзо Улуғбекка қилган хиёнати, ҳатто ҳаётига тажовуз қилишгacha бориб бошини олдирганини қандоқ изоҳлаш мумкин? Балки ўшанда унинг атрофидаги манфаатпарастлар ҳам шаҳзода онгини обдан заҳарлашгандир? Кўхна заминимизда ёрқин из қолдирган Соҳибқирон Амир Темур давлатида бундай хунрезлик бўлиши мумкин эмас эди-ку! “Ватан хавфсизлигини, барқарорлик ва тараққиётни таъмин этишда Амир Темурнинг буюк ибрати ва ўлмас анъаналари биз учун юксак бир миллий мезон бўлиб хизмат қиласи, – деб ёзади атоқли адаб Пиримқул Қодиров “Олти аср адолати” сарлавҳали мақоласида. – Лекин беш қўл баробар бўлмас экан. Улуғбекнинг фожиавий ўлимидан кейин бошланган инқирозли даврларда тор маҳаллий манфаатларга ва уруғ-аймоқчилик иллатларига берилган хон ва сultonлар давлат тепасига келдилар. Улар Амир Темур меросига, у яратиб кетган тарихий обидаларга қарши бузғунчилик сиёсатини юргиздилар. Шу сабабли XVI-XVIII асрлар мобайнида Самарқанддаги Бибихоним мадрасаси харобага айланди. Улуғбек расадхонаси нобуд бўлди. Шахрисабздаги Оқсаройга тўплардан ваҳшиёна ўқлар отилди”¹⁶. Минг афсуски, бундай тажовузлар Ином ал Бухорий, Абу Али ибн Сино, Абурайҳон Беруний, Мирзо Бобур каби ўнлаб буюк аждодлар ҳаётига ҳам қилингани тарихдан яхши маълум. Турли даврларда таҳдидлар, тажовузлар оқибатида Самарқанду Бухоро, Хаваю Қўқон, Тошкенту Термиз, Андижону кўхна Кеш ва улар атрофидаги минглаб қишлоқлар неча бор вайроналарга айлангани аждодлар қалбида битмас жароҳат бўлгани ҳам сир эмас.

Тарихдан сабоқ ва хулоса шуки, бузғунчилар бир мамлакат миқёсида хунрезлик қилишни режалаштирганларида аввало ёшлар онгини заҳарлашдан бошлар экан. Бунга ўз ҳаётимизда ҳам бир неча бор шоҳид бўлдик. Юртга четдан қилинадиган ахборот хуружларининг аянчили натижаси 1999 йил 16 февраль куни Тошкентда яққол намоён бўлди. Шу куни пойтахтимизнинг бир нечта жойида, жумладан, Вазирлар

¹⁶ Қодиров П. Қалб кўзлари. –Т.: Маънавият, 2001. – 4 б.

Маҳкамаси ёнида, “Нодирабегим” кинотеатри, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ички ишлар вазирлиги бинолари олдида кучли портлашлар содир этилди. “Бизни ҳеч ким танлаган йўлимиздан қайтаролмайди,— деди Президент И.Каримов воқеа жойида берган интервьюсида.— Кўпорувчилик қилганларнинг мақсади – халқимизнинг тинчлигини бузиш, қўрқитиш, юрагига ваҳима солиш, юритаётган сиёсатимизга ишончини сўндириш, амалга ошираётган улкан ишларимизга зарба беришдан иборат бўлган”¹⁷.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, глобаллашган дунёда бундай хуружлар ва унинг оқибатида даҳшатли қўпорувчилик ҳаракатлари асосан ривожланган ва эндиғина тараққиёт йўлини танлаган мамлакатларга қаратилмоқда. Биргина сўнгги ўн йилликда АҚШ, Россия, Англия, Франция каби ривожланган давлатларда ҳам бир неча бор қўпорувчилик, террорчилик ҳаракатлари содир этилгани фикримиз далилидир.

Энди мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистонга ҳам таҳдид қилинаётгани сабаби аён. Яъни, сўнгги йилларда юртимизга хорижий сармоялар оқими кўпаймоқда. Республикамизда хорижлик ҳамкорлар билан биргалиқда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Шунга ҳasad кўзи билан қараётган бузғунчилар сармоядор ишбилармонларни чўчишишга, уларда Ўзбекистонга нисбатан ишончсизлик уйғотишига ҳаракат қилмоқда.

16 февраль воқеаларини амалга ошириш учун маккор бузғунчилик жуда пухта ҳозирлик кўрганлари, аввало бир гурӯҳ ёшларимизнинг онгини обдан заҳарлаганлари аён бўлди. Хунрезликларини асосан уларнинг қўллари билан амалга оширидилар. Ўша таҳликали воқеалар ҳақида ёзувчи Ғаффор Хотамов шундай ҳикоя қиласиди:

“Бу қонли фожиани содир этган... жиноятчилар аввалига суд залида ўзларини жуда бамайлихотир тутишган. Айниқса, Бегали Султонов деган ёш ва дўлвар айбланувчи жиноятдаги ўз иштирокини жуда маромига етказиб, кибр ва иддао билан ҳикоя қиласиди.

— Селитра, олтингугурт, алюмин пудра олиб келишди, портловчи моддани кўпроқ тайёрлаш керак, портлатишлик билан ҳокимиятни босиб оламиз, дейишли, шунда мен, чиройлик қилиб портлатамиз, дедим...

Суд мажлисининг олтинчи куни террорчилар содир этган мудхиш жиноятлар видеотасвири намойиш этилди. Қанчалик золим бўлмасин, одам ўзи қилган ваҳшийликнинг юзига тик қарай олмас экан. Қора қонига беланганд пажмурда жасадлар уларнинг ўзларини ҳам даҳшатга

¹⁷ Қаранг: Танлаган йўлимиздан бизни ҳеч ким қайтаролмайди. /Февраль воқеалари. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – 5-6 б.

солди. “Полвон” аталмиш “амир” ҳатто ўз оқловчиси ҳимоясидан воз кечди...¹⁸

Асли четдан қилғиликни қилганлар қай даражада бўлмасин муддаоларига етгач жим туришармиди? Бундай пайт улар турли хорижий оммавий ахборот воситалари орқали ўзларига мақбул “нуктаи назардан” шарҳлашларини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Россиядаги “Сегодня” газетасининг мухбери Тошкентга келмаган, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтмаган бўлса-да худди воқеаларни кўзи билан кўргандек, одамлар билан гаплашгандек “ишонарли” қилиб ёзди. Бундай уйдирмалар замирида одамларнинг бошини айлантириш, турли бўхтон гаплар билан фикини чалғитиш ва қўрқитиш мақсади ётгани барчага аён. Содир этилган ўша мудҳиш ҳодисаларни ёритишида айрим хорижлик журналистлар қанчалик нохолислик қилишгани ва бунинг ортида қандай мақсадлар ётганини давлатимиз раҳбари жуда аниқ ифодалаб берди. “Яъни, сизлар биздан узоқлашаверсангиз, бундай портлашлар, фожиалар бўлаверади, деган хулосани онгимизга сингдириш. Россия армияси шу минтақада турса, бу гаплар бўлмайди, деган фикрни ўтказиши. Мақсад эса Россиянинг 201-дивизияси Тожикистонда тургани каби, бошқа ҳарбий қисмларини ҳам шу минтақага жойлаштириш,— деди Президентимиз.— Мен қайсиdir мамлакатнинг ҳарбий кучлари бу ёққа олиб келинишига, минтақамизда бегона ҳарбий куч ўрнашиб олишига қаршиман. Мен буни фақат бугунни ўйлаётганимдан эмас, балки келажак авлод тақдирини ўйлаб айтаяпман. Бошқача айтганда, озод бўлсанг –озод бўл! Эркин бўлсанг – эркин бўл! Мустақил бўлсанг – мустақил бўл! Ҳақиқий мустақил бўл!”¹⁹.

Юртимизни турли мафкуравий таҳдидлардан, ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш – Ватан мустақиллигини асраш демак! Курраи замин ягона ахборот маконига айланган ҳозирги шароитда афсуски мафкуравий таҳдид ва бошқа хуружларнинг йўлини тўсиб бўлмайди. Энди энг ишончли йўл – унга қарши фуқаролар, айниқса, ёшлар қалбида кучли мафкуравий иммунитет ҳосил қилишдир. Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари ҳар бир инсоннинг фаол фуқаролик позициясига замин яратиши зарур.

Тараққиётнинг йўлини бирор куч тўса олмайди. Фақат ана шу қудратли оқимни эзгулик мақсадларига йўналтира олиш ҳаёт тақозосидир. 16 февраль воқеалари халқ қалбида жароҳатга айланди. Бу жароҳат хали битмасдан 2004 йил 29-30 март ва 1 апрель кунлари мамлакатимизда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатлари янада хушёр торттирди. Зеро, Юрбошимиз Иккинчи чақириқ Ўзбекистон

¹⁸ Хотамов Ф. Тарихнинг қонли ва кўзёшли саҳифалари. – Т.: Адолат, 2004. – 13-16 б.

¹⁹ Қаранг: Танлаган йўлимиздан бизни ҳеч ким қайтаролмайди. /Февраль воқеалари. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 13-14 б.

Республикаси Олий Мажлисинг ўн тўртинчи сессиясида (2004 йил 29 апрель) сўзлаган нутқида бу фожиалар илдизини, сабаб ва оқибатларини очиқ-ойдин ифодалаб берди. Энг муҳими, бу борада Ўзбекистонга тўхтовсиз ахборот хуружи қиласиган хориж оммавий ахборот воситаларининг нохолис иш тутишларини асосли танқид қилди. Чунки, “хорижий матбуот вакиллари ва баъзи сиёсатдонлар ақлга сифмайдиган гапларни ҳам тиқиширишга уринмоқда,— деди давлат раҳбари.— Яъни, юз берган террорчилик чиқишлардан фойдаланиб, бугунги Ўзбекистон ҳокимияти ўз халқига, аҳолисига нисбатан репрессияларни кучайтиришга уринармиш...”²⁰.

Буни қарангки, юртимизга бирор марта келмаган, ўлкамиз ҳаёти, туберли халқларнинг неча минг йиллик тарихи, миллий қадриятлари, урфодатлари ва удумларини билмасдан туриб улар ҳақида уйдирмалар тўқийидиган кимсалар ҳам қам эмас. Улар сохта даъват ва уйдирмалар билан жамоатчилик фикрини чалғитишига уринади. Юқорида таъкидлаганимиздек, глобаллашган дунёда турли даражадаги бузғунчилик жабрини тортмаган, терроризм тажовузидан ўзини ҳоли ҳис қиласиган бирорта қитъа ёки давлатнинг ўзи йўқ. Худди вабо сингари ер юзининг кўплаб мамлакатларига ёйилиб бораётган бу балоқазо эртага кимни нишонга олишини ҳам олдиндан айтиш қийин. Буни кейинги йилларда Туркия ва Саудия Арабистонида, Индонезия, Россия, Испания ва Сурия давлатларида содир этилган қўпорувчилик ҳаракатлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бизнинг юртимизда рўй берган қўпорувчилик ҳолатлари ҳам ана шу халқаро террорчилик ҳаракатлари билан бевосита боғлиқ, деб айтишига барча асослар бор. Юртимиз тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган барча хатарлардан, юртимизга қарши тузилаётган турли фитналардан ўз вақтида огоҳ бўлишимиз, уларни бартараф этиш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга солишимиз зарур. Зоро, ўз куч-қудратига ишонган халқни енгиб бўлмайди! Демак, ҳар бир фуқаро аввало ўзини ўзи, қолаверса давлат ва жамиятни турли бало-қазолардан ҳимоя қилиши лозим. Инсон табиати қизиқ; ўзининг бошига бирор фалокат, жудолик ёки айрилиқ тушмагунча лоқайд юраверади. Гоҳо сoddадиллик қилиб, дўстни душмандан ажрата олмайди. Ҳатто, ўзгалар фожеасини кўриб ҳам хулоса чиқармайди. Шу ўринда, қачонгача биз атрофимизда қабих ният билан юрган, ич-ичидан заҳарга, фасодга тўлган кимсалардан андиша қиласиз, уларнинг қора қилмишларини фош этиб, жойига ўтқазиб қўйишга журъат этолмаймиз, деган савол туғилиши табиий. Бирлашган ўзар, деганларидек, бу борада барча зиёлилар – журналистлар, шоиру адиблар, олиму сиёсатшунослар,

²⁰ Каримов И.А. Тинчлигимиз ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. –Т.: Ўзбекистон, 2004. – 260 б.

турли соҳа кишилари маънан бирлашсак, ҳамфикр, маслакдош бўлсак, осуда ҳаётимизга рахна солаётганларга муносиб жавоб қайтаришга қодир бўлур эдик. Ана шунда журъатсизлик ўрнини маънавий жасорат эгаллаб, оқ билан қорани тўлақонли фарқлай олармиз! “Оммавий маданият” ва дин ниқоби остида қилинадиган маънавий таҳдидлар моҳиятини тушунмаган айрим соддадил кимсалар, онги энди шакланаётган ёшлар ўша гирдобга тушиб қолаётгани барчага бирдек аён-ку. 2004 йилдаги мудҳиш ҳодисалар ҳали ёдимииздан чиқмасдан туриб 2005 йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида юз берган воқеалар янада мудҳиш фожиага айланди.

Ўрмонга ўт кетса жониворлар бир хилда жонсарак бўлиб қоларкан. Бироқ, тинчлик ва осойишталик элчиси бўлган қалдирғочлар тумшуқчаларида сув ташиб, ўт-оловни ўчиришга ҳаракат қиласар экан. Қузғун ва қарғалар эса қора панжалари орасига хас-хашак қистириб келганча олов устига ташлаб, баттар алангалатишга тушаркан. Андижон воқеаларини ҳам шундай алангалатишга ҳаракат қилган айрим хориж журналистлари у ҳақдаги нохолис гапларини роса бўрттириб, ошириб-тошириб ёритишга уринганлари сир эмас.

Давлатимиз раҳбари маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари учун ўтказилган матбуот анжуманида шундай деганди: “Бугун Россия телевидениеси орқали Андижонда жиноий ҳаракатлар содир этган шахсларга нисбатан “қўзғолон кўтарғанлар” деган ибора ишлатилганини эшитиб қолдим. Шу муносабат билан сизларни, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган ҳурматли журналистларни бирон бир иборани қўллашда, ҳар қалай, журналистик одоб доирасидан чиқмасликни, ҳар қайси сўзни билиб, вазминлик билан ишлатишга чақираман”²¹. Шу ўринда баъзи журналистлар билиб-билмай ишлатадиган “рангли инқилоб” иборасини тўғри талқин қилмоқ ойдинлик киритиш мақсадга мувофиқдир. Грузия, Украина ва Қирғизистондаги воқеаларни ягона занжирга боғлаш ноўриндир. Ҳар бир давлатнинг ўз тарихи бор, ўзига хос шарт-шароити бор. Шунинг учун ҳам айрим воқеаларни “атиргул рангли инқилоб”, бошқасини “апельсин рангли инқилоб”, учинчисини – “лоларанг инқилоб” деб аташ ноўрин. Қирғизистондаги воқеаларни “лоларанг инқилоб” деб қанча гапиришмасин, Украинадаги воқеаларни “апельсин ранг инқилоб деб қандай жар солишмасин, буларнинг барчаси куруқ сўздан бошқа нарса эмас.

Ўзбекистоннинг тараққиёт сари дадил одимлаб боришига мудом ҳасад билан боқадиган кимсалар кам эмас. Улар юртимизга ахборот хуружлари уюштиришда гоҳ демократия, гоҳо муқаддас динимизни

²¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 3-4 б.

ниқоб қилиб оладилар. Коса тагида нимкоса, деганларидек, асли мақсадлари юрт тинчлигига, эл осойишталигига таҳдид солиш бўлган бундай кимсаларга қарши курашда ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифатни маънавий қалқон қилиб олиш мақсадга мувофиқдир. Чет эл оммавий коммуникация воситаларининг таъсирига нисбатан барқарор психологик мутаносибликка эришишнинг йўли ва воситалари кўп. Бунинг учун биринчи галда, табаррук заминимиз – она Ватанимизнинг қадрига етиш лозим. Юрт тупроғи нечоғли табаррук ва азиз эканлигини ёш авлод қалбига буюк аждодларимиз маънавий жасоратини улуғ мерос сифатида сингдириш муҳимдир.

Бобокалонларнинг буюк ва ибратли анъаналарини бугунги замон тараққиётига мос равиша изчил давом эттириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу қўлланма нашрга тайёрланаётган дамларда, яъни, 2010 йил 21 июль куни “Ахборот” кўрсатувида яна бир оламшумул янгилик намойиш этилди. Самарқандлик фалакшунос олимлар томонидан қуёш тизимида аниқланган янги сайёрага – “Самарқанд” номи берилибди! Шу муносабат билан АҚШдаги халқаро Гарвард кичик сайёralарни ўрганиш маркази томонидан Самарқанд шаҳар ҳокимлигига “Сертификат” топширилганини кузатиб, юрагимда ифтихор туйғуси жўш урди! “Самарқанд” сайёрасини энди бутун жаҳон эътироф этди!

Хўш, бу оламшумул ҳодисаларни бугунги ёшларимиз қай даражада биладилар? Қанчалик дилдан ҳис этадилар? Агар бу борадаги билимлари юзаки бўлса, дилдан ҳис этмаса, у ҳолда қалбida маънавий бўшлиқ пайдо бўлмайдими? Бу “бўшлиқ”ни ўзларининг ғайришуурӣ мафкураси билан тўлдиришга уринадиган кимсалар эса усталик билан фойдаланиб қолиши ҳеч гапмас.

Демак, жамиятда ёш авлодни “ахборот хуружи” каби ташқи таъсиrlардан доимо асрash ва улар қалбida “мафкуравий иммунитет”ни оширган ҳолда Ватанга садоқатли қилиб камолга етказиш учун жуда катта маънавий замин мавжуд. Энг муҳими, улуғвор илдизларидан қувват олган ниҳоллар мисол баркамол авлоднинг ана шу улуғ заминда чинакам камол топа олишидир.

Назорат учун саволлар:

1. *Юртбошимиз томонидан илгари сурилган “Озод бўлсанг – озод бўл! Эркин бўлсанг – эркин бўл! Мустақил бўлсанг – мустақил бўл! Ҳақиқий мустақил бўл!” гоясининг мазмун-моҳиятини тушунтиринг.*
2. *Ўзбекистонда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашга қандай заруриятлар бор?*
3. *Собиқ мустабид тузум даврида ҳалқимиз миллий ўзлигини қай тариқа сақлаб қолган?*

4. Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида дунё билан бўйлашиши, тараққиёт сари дадил одимлашига қандай тўсиклар пайдо бўлмоқда?

5. 1999 йил 16 февралда Тошкентда қандай тажсовузли воқеалар юз берди?

6. Ўтмишида буюк бобокалонлар ҳаётида онгни заҳарлаш билан боғлиқ қандай хунрезлик, падаркушилеклар юз берган?

7. Ўзбекистонга нисбатан ахборот хуружларининг илдизлари қаерда?

Асосий тушунчалар

Ахборотга таҳдиidlар – унинг яхлитлиги, конфиденциаллиги, тўлалиги ва фойдаланишининг бузилишида ифодаланаади.

Ахборот-психологик таъсир (салбий маънода) – бевосита инсон руҳиятига таъсир ўtkазishi орқали уни ўз ақидаларидан, муқаддас идеалларидан, эътиқодидан айришига қаратилган ҳаракат.

Конфиденциаллик – ахборотнинг рухсатсиз танишишидан ҳимояланиши.

Конфиденциал ахборот – фуқароларнинг шахсий ҳаётидаги факtlар, воқеалар ва бошқа маълумотлар, суд-тергов маълумотлари, касб-корга оид: шифокор, нотариус, адвокат, почта ёзишилари, ихтиrolар каби шахсий характердаги маълумолар.

Психологик уруши – бир давлат маҳсус органларининг ўз сиёсий ва ҳамто соғ ҳарбий мақсадларига эришиши учун бошқа давлатнинг фуқаролари ва ҳарбий хизматчиларига психологик таъсир ўtkазishi.

Таҳдиид – бу маънавий ёки моддий зиён етказувчи потенциал ёки реал ҳаракатлар.

8-мавзу: ШАХСНИНГ АХБОРОТ ТАҲДИДЛАРИДАН ЎЗИНИ ЎЗИ ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯЛАШИ

Инсон руҳий кечинмалари ҳаётдаги мавжуд ижтимоий борлиқ билан чамбарчас боғлиқ эканлиги илмий жиҳатдан асосланган. Шахс онгидаги ва фикрнинг пайдо бўлиши ва қай даражада шаклланиши жамиятдаги муҳитга, жумладан, ўзаро мулоқотлар, урф-одатлар, байрам ва маросимлар, анъаналар ва турфа ахборотларга боғлиқ. Албатта, ёш авлод онги ва дунёқарашининг шаклланиши биринчи галда оила, боғча ҳамда мактабдаги тарбияга жуда боғлиқ эканлигини изоҳлашга ҳожат йўқ.

Яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади, деган нақл бежиз айтилмаган. Очиғи, ҳамма оила, боғча ва мактабда ҳам тарбия, муомала маданияти бир хилда деб бўлмайди. Ёш ўғил-қизлар яхши гаплар билан бир қаторда баъзи хунук гап-сўзларни ҳам ана шу муҳитнинг ўзида эшитадилар. Яхши гапдан қалби маънан бойиса, ўша хунук гаплардан руҳан (психологик) ҳимояланишга хизмат қилувчи “иммунитет” пайдо бўла бошлайди. Бир ёмонликнинг бир яхшилиги, деганлариdek, бу ҳол инсоннинг умри бўйи ташқи муҳитда учрайдиган турли салбий ҳодисаларга, жумладан, бугунги ахборот маконида одамлар, айниқса ёшлар онгини заҳарлашга қаратилган “ахборот хуружлари”га нисбатан ҳам “иммунитет” пайдо бўлиб бораверади. Бузғунчи ғояларга асосланган салбий ахборотларга нисбатан “иммунитет” пайдо бўлдими, энди уни муттасил ривожлантириб бориш ҳам ахборот асрининг талабларидан бирига айланаётганини изоҳлашга ҳожат йўқ.

Хориж радиоэшиттиришлари, интернет ва бошқа очик ахборот тизимлари орқали юртимизга кириб келаётган вайронкор ғоялар ёшлар онгини заҳарлай бошладими, демак, бу хатарга бепарво қараш мумкин эмас. “Агарки биз бундай хатарларга қарши ўз вақтида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормасак, турли зарарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни ўз гирдобига тортиб кетишини, оқибатда уларнинг ота-она, оила, эл-юрт олдидаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худписанд кимсаларга айланиб қолиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас,— деб таъкидлadi давлатимиз раҳбари.— Такрор айтишга тўғри келади – ота-оналар, устоз-мураббийлар бу масалада хушёрликни йўқотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бепарво бўлмаслигимиз зарур”¹.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 15 б.

Дунё ягона ахборот маконига айланган бугунги кунда бирор ахборотнинг йўлига сунъий тўсиқ қўйиб бўлмайди. Истиқлол шарофати билан дунёга юз очган, ёшлари дунё тилларини бемалол эгаллаб, “интернетомания” касалига чалиниш арафасида турган юртмизга ҳам яхши, ҳам ёмон таъсирлар, турли хуружлар мавжудлиги шароитида шахснинг ўзини-ўзи психологик жиҳатдан салбий таъсирлардан ҳимоя қила олиш имкониятларини кенгайтириш энг долзарб муаммолардан биридир².

Юртимиз мустақилликка эришганидан буён халқаро маданий алоқалар кенгайиб бораётгани ижобий ҳодиса. Умумбашарий, жаҳон маданиятини ҳар томонлама ўрганиш халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлашга, дунё билан бўйлашишга хизмат қиласди. Ўз навбатида ўзбек маданияти ва санъати ҳам дунёда янада кенгрок ўрнига эга бўлаётгани эътиборга молиқдир. Сўнгги йилларда биргина “Ўзбегим ёшлари” бадиий жамоасининг Малайзиядан Испаниягача ўнлаб давлатларда ўз санъатларини намойиш этиб келганлари миллий маданиятимизнинг дунё узра қанот қоқаётганидан далолатдир. Ёш тадқиқотчи Барно Мелиқулова ёзганидек, маданият – умуминсоний ҳодиса, фақат бир халқнинг ўзигина яратган соф маданият бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир миллий маданиятнинг асосий қисмини шу миллат ўзи яратган бўлса-да, унда жаҳон халқлари яратган умуминсоний маданиятнинг улуши ва таъсири бўлади³. Муҳими, ҳали онги тўла шаклланиб улгурмаган айрим ёшларнинг ана шундай муҳитда миллий ўзлигимизга салбий таъсир қиласидиган “оммавий маданият” никоби остидаги ёт ғоялардан ўзини ўзи психологик ҳимоя қила олишида. “Агарки биз Ўзбекистоннинг ўзимиз орзу қилган эртанги ёруғ кунини, буюк келажагини барпо этмоқчи бўлсак, бир ҳақиқат барчамизга равshan бўлиши керак: бу вазифа, авваламбор, бошлаган эзгу ишларимизнинг давомчиси бўлган, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эришиш йўлида ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган, таянчимиз-суянчимиз бўлмиш болаларимизни бундай ёвуз таъсирлардан ҳимоя қилиш билан бевосита узвий боғлиқдир,— деб ёзганди давлатимиз раҳбари.— Бошқача айтганда, ёш авлодимизнинг қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар рухида тарбиялаш, фарзандларимизнинг дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмуни ва асл сабабларини чуқур англаши, ўз атрофида содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга, энг муҳими, ўз мустақил фикрига эга, содда килиб айтганда, оқни

² Қаранг: Каримова В. Очиқ оммавий ахборот тизими шароитида шахснинг психологик ўзини-ўзи ҳимоялаши. /Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси жорий архиви, 2006.

³ Қаранг: Мелиқулова Б. Маданиятлар тўқнашуви. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 8 б.

қорадан ажратишига қодир бўлишига эришиш таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шарти ва мезони бўлиши даркор”⁴. Шуни ёдда тутиш жоизки, сўнгги йилларда ҳали шаклланиб улгурмаган ёшлар онгини заҳарлаш, уларни ўз таъсирларига тушириш учун атайлаб қилинаётган “маданий тажовуз”лар ҳам йўқ эмас. Бу тажовузларни чиппакка чиқаришнинг йўлларидан бири – ўсиб-униб келаётган ёш авлод онги ва қалбida мафкуравий иммунитетни кучайтириб боришдан иборатдир. Зеро, етарли даражада мафкуравий иммунитетга эга бўлган шахслар ҳар қандай ахборот хуружларидан ўзини ўзи психологик ҳимоя қилиш хусусиятига эга бўлади.

Очиқ ахборот тизимлари шароитида фуқароларнинг турли мафкуравий таҳдидлардан ўзини ўзи ҳимоя қилишлари илмий жиҳатдан ўрганилган. Мутахассислар фикрича, психологияда эгоцентризмнинг бир қанча турлари – билишга оид, ахлоқий ва коммуникатив эгоцентризмлар фарқланади. Охиргиси – бошқаларга бирор хил маълумот бериш жараёнида уларнинг фикри билан ҳисоблашмаслик, уларни менсимасликда намоён бўлади⁵. Аён бўлишича, бугунги кунда ахборот хуружлари уюштираётганлар айнан шундай эгоцентризм қобиғида ҳаракат қилишмокда. Улар ўз манфаатларини қўзлаб иш тутадилар. Мақсадлари эса ёш авлод онгини қамраб олишга қаратилган. Демак, улар учун психологик ҳимоя зарур. Ўзини ўзи психологик ҳимоя қилишга эришиш учун ҳар бир шахсда мустақил фикр бўлиши, воқеликларга фаол фуқаролик позицияси нуқтаи назаридан ёндашиши зарур.

Биз фаол фуқаролик позицияси ҳакида қачондан буён баралла айтадиган бўлдик? 1991 йил 31 августда Ўзбекистон давлат мустақиллигини эълон қилгач, собиқ мустабид тузумни қўмсайдиган, тарих ғилдиракларини ортга қайтаришига уринадиган кимсалар ҳам пайдо бўла бошлади. Давлатимиз раҳбари ўринли таъкидлаганидек, ўша даврдаги “қийинчиликларнинг сабаби иттифоқнинг парчаланиб кетгани билан боғлиқ эмиш”. Россиянинг ўша даврдаги раҳбари Борис Ельциннинг “собиқ Иттифоқни қайта тиклаш фожиага айланиб кетади” деган фикри эркпарвар кишилар томонидан тўла қўллаб-қувватлангани ҳам бежиз эмас. Шундай шароитда юрт мустақиллиги учун қайғурадиган кишилар аввало фаол фуқаролик позициясига эга бўлиши заруратга айланган. Бу зарурат бугун ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. Зотан, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган кишигина ахборот хуружларига дуч келганида ўзини ўзи осонгина психологик ҳимоя этишида муаммо пайдо бўлмайди.

⁴ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 8-9 б.

⁵ Қаранг: Каримова В. Очiq оммавий ахборот тизими шароитида шахснинг психологик ўзини-ўзи ҳимоялаши. /Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси жорий архиви, 2006.

Собиқ иттифоқни қайта тиклашга уринишлар замирида буюк давлатчилик шовинизми ва миллатчилик таҳди迪 аён кўриниб турарди. Юрбошимиз бу масалага ойдинлик киритар экан, бундай вазиятда қуидаги хавфлар пайдо бўлишидан огоҳ этган:

Биринчидан. Халқаро, давлатлараро ва элатлараро қарама-қаришиликни келтириб чиқариш;

Иккинчидан. Халқаро-хуқуқий ва ички давлат суверенитетимизни рўёбга чиқаришга қаршилик кўрсатиш;

Учинчидан. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини чегаралашга, уларни тенг ҳуқуқли бўлмаган шароитга солиб қўйишга уриниш;

Тўртинчидан. Мамлакатимиз аҳолисига ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазиик ўtkазиш, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга интилиш⁶ ва ҳоказо.

Жаҳон майдонида муносиб ўрнига эга бўлган мамлакатимиз тараққиёт сари дадил одимлаётган ҳозирги шароитда ахборотлар таҳди迪га ҳам дуч келаётган эканмиз, аввало ёш авлодда мафкуравий иммунитетни ошириб бориш орқали улар қалбида ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини тўғри шакллантиришга эришиш мумкин. Бунинг учун оиласда ва таълим муассасаларида ҳам жиддий ҳаракат қилиш заруратга айланмоқда. Негаки, хавфсизликка солинаётган таҳдиidlар анча серқирра. Улар сиёсий экстремизм, шу жумладан диний руҳдаги экстремизмни, миллатчилик ва миллий маҳдудликни, этник, миллатлараро, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик асосидаги зиддиятларни, коррупция ва жиноятчиликни, экология муаммоларини ўз ичига олади⁷.

Жамиятга ахборий ҳужумларнинг турлари жуда кўп. Ёшларни ана шу ҳужумлардан ўзини ўзи психологик ҳимоя этишга ўргатиш учун аввало ўша воқелик ё ахборотнинг моҳиятини тўғри тушунтириш зарур. Яъни, ахборот хурожларига қарши мақолалар, бадиий асарлар, кино ва видеофильмлар яратиш орқали ҳам кенг жамоатчиликда “иммунитет” уйғотиш мумкин. Айтайлик, шоир Эркин Воҳидовнинг “Бир бурда нон” шеърида юртимизга сайёҳ қиёфасида келадиган айрим хорижилкларнинг тирноқ орасидан кир ахтаришга уринишлари замирида қандай мақсад борлиги ва бу ҳақиқий “ахборот хурожи” эканлиги бадиий бўёқларда хаққоний тасвирланганини тушунтириш керак. Шеърда шундай сатрлар бор:

⁶ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. /Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – 466-467 б.

⁷ Қаранг: ўша асар, 426 б.

Мўйсафид йўл узра бир бурда нонни
Тупроқ орасида кўрдию ногоҳ,
Аста қўлга олди, ўпди, бу онни
“Шақ” этиб сувратга туширди сайёх.

Бир куни бу суврат олис маконда
Рўзномалар аро бўлди намоён,
Ёздилар: шўрлик халқ Ўзбекистонда
Мана шундай яшар зору нотавон.

Ким рад этар сурат далолатини,
Ишонмай, не қилсин бехабар одам?
Ўзбек деб аталган халқ одатини
Қаёқдан ҳам билсин бехабар олам?

Қаёқдан ҳам билсин ғофил одамлар,
Бир бурда нон узра энгашган шу чол,
Кеча тўй қилганин катта ош дамлаб
Етмишга етгани учун безавол?

Бу шеърдан мақсадим раддия эмас,
Юртим жаҳон билган Ўзбекистондир.
Дастурхони олам қилгудек ҳавас,
Лекин нон қадри ҳам унга аёндир⁸.

Очиғи, ҳозир ҳам айрим хориж радиоэшиттиришларида тилга олинадиган “мавзу”лар учун маълумотлар “Бир бурда нон” шеъридаги воқеаларга ўхшаш ҳолда тўпланишини асослаб бериш мақсадга мувофиқдир. Бундан ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшлар тўғри хулоса чиқарадилар ва шунга ўхшаш ахборий хужумларга тўғри келганда ўзини ўзи психоложик ҳимоя қилишга қийналмайдилар.

Хориж телекўрсатувлари ва радиоэшиттиришлари, шунингдек, интернет хабарларига алоҳида қизиқиш билан қарайдиган юртдошларимиз ҳам кам эмас. Уларга қайси ахборот тўғри ва холис ёритилгану қай бири нотўғри эканлигини битталаб тушунтириб боришининг имкони йўқ. Яхшиси, одамлар тўғри ё ғаразли мақсадда ёритилган ахборотнинг фарқлай оладиган даражада бўлишига эришиш ҳар бир шахснинг ўзини ўзи психоложик ҳимоя қилишига ёрдам беради. “Дунёнинг демократик қадриятларидан баҳраманд бўлишда ахолининг билимдонлиги муҳим аҳамият касб этмоқда,— деб ёзади давлатимиз

⁸ Қаранг: Эркин Воҳидов. Садоқатнома. Сайланма. –Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 119-120 б.

раҳбари.– Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишини ва, аксинча, билими кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда”⁹. Буни бугунги маърифатли жамиятимизда айниқса зиёлилар ҳаётида яққол кузатиш мумкин. Маънавий олами юксак инсон онгини ҳеч ким бузғунчи ғоялар билан чалғита олмайди.

Таассуфки, беш қўл баробар эмас, деганларидек, маънавий қашшоқ ва дунёқарashi ҳаминқадар кимсалар йўқ эмас. Ҳали онги ва дунёқарashi тўла шаклланиб улгурмаган айrim ёшлар эса турли заарли таъсирларга ҳам тез берилувчан бўлади. Уларда заарли таъсирлардан ўзини ўзи психолигик ҳимоя қилиш тушунчasi ҳам бўлмайди ҳисоби. Айтайлик, бетгачопарлик, андишасизлик каби Ғарбда ривожланган ахлоқсизликни бизнинг ёшлар онгига сингдиришга уринаётганлари тагида жуда катта фалокат бор. Бу демократия эмас, балки демократия ниқоби остида миллий қиёфани бузиш, миллий ифтихор ва ўзликни англашдан маҳрум этиш¹⁰ эканлигини изоҳлашга ҳожат йўқ. “Оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган ана шундай заарли таъсирлардан жамиятни тўлақонли ҳимоя этишнинг энг самарали йўли – ҳар бир шахснинг ўзини ўзи психолигик ҳимоя қила олишига эришишдир. Мутахассислар фикрича, психолигик ҳимоя – шахсни турли салбий таъсирлардан асрашга, психолигик таъсирни бартараф этишга хизмат қиласиди. Шундай холатларда одам одатда шахслараро муносабатларда ўзини бошқачароқ тутадиган бўлиб қолади. Бунда қатор ҳимоя механизмларига риоя этиш мақсадга мувофиқдир. Яъни, очиқ ҳис-кечинмаларни босиш, рад этиш, яъни номаъқул маълумотни очиқ рад этиш, унга қўшилмаслик, проекция, идентификация, регрессия, ёлғизланиш, рационализация, конверсия¹¹ йўлларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мустақил фикрга эга бўлган инсон ўзига нисбатан қаратилган яхши ёки ёмон маълумотнинг моҳиятига этиши мумкин ва унга нисбатан ўзида муайян тасаввур ҳосил қиласиди. Турли ёт ғоялар ва ахборот хуружларидан ўзини ўзи психолигик ҳимоя қилиш қобилиятига эга бўлади. “Дунё сиёсати сахнида мафкура полигонларининг тобора кенгайиб бораётгани, мафкура уруши оқибатлари ядро полигонларида синовдан ўтказилган даҳшатли қуроллардан қўра хавфлироқ экани ҳеч кимга сир бўлмай қолди,— деб ёзади журналист Кўчқор Норқобил.– Гегемонликка муккасидан кетган

⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. /Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – 534-535 б.

¹⁰ Қаранг: Комилов Н. ва бошқ. Маърифатли жамият мухолифлари. –Т.: Академия, 2005. – 25 б.

¹¹ Қаранг: Каримова В. Очиқ оммавий ахборот тизими шароитида шахснинг психолигик ўзини-ўзи ҳимоялаши. /Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси жорий архиви, 2006.

ташқи кучларнинг ягона мафкура маконини яратишга астойдил уриниши, ўзга халқлар, миллатлар устидан ҳукмронлик қилиш иштиёқи тобора алганга олиб боряпти. Глобаллашув, демократия экспорти, тезкор ахборот тарқатиш мафкуравий хуруж учун асқотмоқда”¹². Бундай хурожларга қарши кураш мудом давом этаркан, биринчи галда ёш авлод онги ва қалбида мафкуравий иммунитетни муттасил ошириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Назорат учун саволлар:

- 1. Инсон руҳий кечинмалари деганда нимани тушунасиз?**
- 2. Шахс онгидаги гоя ва фикрнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши қандай омилларга боғлиқ?**
- 3. Инсонда “мафкуравий иммунитет” қай тарзда пайдо бўлади?**
- 4. Шахснинг ўзини ўзи психологияк ҳимоя қилиши деганда нимани тушунасиз?**
- 5. Эгоцентризм нима?**
- 6. Буюк давлатчилик шовинизми ва миллатчилик таҳдиди деганда нимани тушунасиз?**
- 7. Жамиятга ахборий ҳужумларнинг кўринишларини айтинг.**
- 8. “Бир бурда нон” шеърида ахборот хурожи гояси қай тарзда акс эттирилган?**
- 9. Психологияк ҳимоя механизмлари деганда нималарни тушунасиз?**

Асосий тушунчалар

Идентификация – ўзини ахборот эгасига ўхшатиш, унинг ўрнига ўзини қўйиши орқали қадриятларни рад этиши ёки танқидсиз ўзлаштириши;

Проекция – ўзидаги ҳиссий кечинмаларни ташқи обьектларга кўчириши орқали пайдо бўлган ҳолатнинг сабабларини ташқаридан қидиришига мойиллик;

Регрессия – илгари ҳаётидаги масалан, ёшлигида бўлиб ўтган қайсиидир воқеларга қайтиши, уларнинг яхши ва маъқулларини яна хотирада тиклаши ва хулқда қайтариши орқали ўзида психологик ҳимоя ёки оқловни ташкил этиши;

Эгоцентризм – латинча “ego” – мен ва “centrum” – доири маркази сўзларидан олинган бўлиб, ўз фикр-ўйлари, манфаатлари доирасидаги қотиб қолган инсоннинг атроф-муҳит ва одамларга оид ўз билимлари ва ўзгаларга муносабатини ўзгартира олмаслигини билдиради.

¹² Кўчкор Норқобил. Онгни заҳарлаш йўлидаги кураш ёхуд жаҳонни тобе этиш даъвосидаги мафкуравий хурожлар. //Дарракчи, 2009, 21 май, 7 б.

9-мавзу:
ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР (PR)
МУҲИМ ОМИЛ СИФАТИДА

Юрт тинчлиги ва эл осойишталигини барқарор сақлашнинг энг муҳим шартларидан бири – жамиятда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда ёшлар онгини турли ёт, бузгунчи ғоялардан асраш эканлигини ҳаёт ўзи исботламоқда. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг эса турли қирралари мавжуд. Шулардан бири – бу борада ҳам жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантиришдан иборат.

Дунёвий фанлардан бири – Паблик рилейшнз (PR), яъни, жамоатчилик билан алоқалар фани назарияси, мазмун-моҳиятини биргина мавзу доирасида тўла изоҳлаш қийин. Бу ҳақда қисқача тўхталиб ўтамиз.

Тадқиқотчилар PR моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда унга турлича таъриф берадилар. Бу таърифлар моҳиятини теранроқ англаш аввало унинг мақсад ва вазифаларини ўрганиш талаб этилади. PRнинг биринчи ва асосий мақсади – жамоатчилик билан алоқаларни йўлга қўйиш, ташкилот ва жамоатчилик фикрини икки томонлама тинглаш бўлса, бош вазифаси – ахборот ёрдамида омма фикрини тўғри шакллантириш ва бошқаришдир¹. PR ўз моҳиятига кўра ташкилотлар ва жамоатчилик ўртасида доимий алоқа ўрнатишга хизмат қиласи. Бундай алоқа фикр алмасиши, ахборот олиш ва тарқатиш, ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш билан изоҳланади. Республикадаги ҳар бир ташкилот ва муассаса фаолияти халқнинг сиёсий, иқтисодий, маърифий ҳамда маданий ҳаётини яхшилашга қаратилганини PR ишончли тарзда кўрсатиб беради. Бу билан PR ҳатто ўзига хос тафаккур майдонини вужудга келтиради. Очик ва ошкорта тафаккур майдонида бузгунчи ғояларга мутлақо ўрин қолмайди. Ошкоралик майдони эзгу ва улуғвор ғоялар тантанаси учун хизмат қиласи. Жумладан, у жамиятнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашда ҳам самарали натижаларга эришишини таъминлаши шубҳасиз. Зотан, инглиз олими Сэм Блэк таъбири билан айтганда: “Паблик Рилейшнз – аниқ, ҳаққоний ахборотларга асосланган, ўзаро бир-бирини тушуниш тўғрисидаги фан ва санъатдир”².

PR амалда ривожланиши учун аввало жамиятда ошкораликни таъминлаш ғоят муҳимдир. Айтиш жоизки, мамлакатимизда ошкораликни таъминлаш борасида улкан ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат

¹ Каранг: Мўминов Ф.А.Паблик рилейшнз: история и теория. –Т.: Ижод дунёси, 2004.–С. 83.

² Блэк С. Введение в паблик рилейшнз. –Ростов-на-Дону, 1998. –С. 10.

жиҳатидан янгилаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида гапирганда, “Энг муҳим устувор йўналиш – бу инсон ҳуқуqlари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилишdir, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади,— деб таъкидлаганди давлатимиз раҳбари.— Ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари – матбуот, радио-телевидение фаолиятини эркинлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланиши зарур”³.

Жамиятда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашда энг муҳим мезонлардан бири ахборотнинг очиқлиги, ахборот эркинлиги билан боғлиқ муаммодир. Мамлакатимизда ахборот эркинлиги қанчалик ҳуқуқий жиҳатдан таъминланганлиги ҳамда жамиятимизни ахборотлаштириш қонуний асослар⁴ билан амалга оширилаётгани бу борадаги ислоҳотларнинг янада самарали бўлишига хизмат қиласи. Бундай шароитда PR ҳам ўз вазифаларини тўлақонли бажариши мумкин. Яъни, у ташкилотлар фаолияти ҳақида оммага зарур ахборотларни етказа бошлайди. Ташкилот ўз Ахборот хизмати орқали ахборот оқимини вужудга келтиради. Табиийки, жамиятда ҳаққоний ахборот оқими кучайган шароитда четдан ўзгаларнинг бузғунчи мафкураси, “ахборот хуружлари” кириб келишига чек қўйилиши мумкин. Ватан тараққиёти, юрт келажаги, баркамол авлод тақдирини ўйлаб қилинаётган саъй-ҳаракатлар замирида аввало ёшларимиз маънавий оламини бойитишга қаратилган саъй-ҳаракатлар устувор бўлишини изоҳлашга ҳожат йўқ. Бундай шароитда ёшлар онги тўғри шаклланиб, турли бўлмағур ғояларга чалғимайди. “Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгига мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур,— деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари.— Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг “даъвати” ҳам, ахлоқ-одоб тушунчаларини рад

³ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. –Т.: Ўзбекистон, 2002. – 21 б.

⁴ Карапт: Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунлари. /Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-хуқуқий хужжатлар тўплами. –Т.: Адолат, 2008.

этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди”⁵.

Демакки, фаолиятида миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишдек эзгу мақсадлар устувор бўлган республика Маънавият-маърифат тарғибот маркази, ёшлар ташкилотлари, сиёсий партиялар, ижодий уюшмалар, илмий ва таълим муассасалари Ахборот хизматлари орқали жамоатчилик билан алоқаларни муттасил кучайтириб бориши мақсадга мувофиқдир. Шуни таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда жамоатчилик билан алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрда қабул қилинган “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 203-қарорида ахборот хизматларини ташкил этиш ва уларнинг вазифалари ҳам аниқ белгилаб берилди. Ушбу қарорда, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш, кенг жамоатчилик ва аҳолининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг бориши тўғрисида мунтазам хабардор қилиш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашнинг, ошкора фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим йўналиши ҳисобланиши қайд этилган ҳолда, аҳолини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларини Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолияти, мамлакатда изчил амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар тўғрисида хабардор қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бошқаруви органлари таркибида ходимларнинг умумий сони доирасида ахборот хизматлари ташкил этилиши белгиланган. Ахборот хизматларининг вазифалари ҳам мазкур қарорда аниқ кўрсатилган. Яъни, идора раҳбарияти томонидан белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашиш, идора фаолияти соҳасидаги норматив-хуқуқий хужжатларнинг миллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини таъминлаш, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида идора фаолиятининг долзарб жиҳатларини, тегишли соҳадаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш масалаларини ёритиш, интернет тармоғида идора веб-ресурсларини ташкил этиш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш, идора фаолиятига нисбатан ижтимоий фикрнинг аҳволини ҳамда миллий ва хорижий оммавий

⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 119-120 б.

ахборот воситалари позициясини таҳлил қилиш ва улар тўғрисида идора раҳбариятини хабардор қилиш⁶ ахборот хизмати ходимларининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорига асосан республикамиздаги деярли барча идора, ташкилот ва муассасаларда Ахборот хизматлари фаолият кўрсатмоқда. Фақат, ҳамма Ахборот хизматлари фаолиятини бирдек ижобий баҳолаб бўлмайди. Келгусида улар фаолиятини такомиллаштириш орқали жамоатчилик билан алоқаларни янада ривожлантириш мумкин. Шу аснода наинки ташкилотлар ахбороти етарли даражада оммага етказилади ҳамда жамоатчилик фикри ўрганилади, айни пайтда, жамиятда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашда ҳам муайян натижаларга эришилади. Негаки, ҳаққоний ахборотга эга бўлган одамлар оқ билан қорани, қайси ахборот ёки ғоя қандай мақсадга хизмат қилишини яхши англаб етадилар.

Жамиятга зарур ахборотлар етарли даражада етказилмаган тақдирдагина одамлар онгидаги ғоявий, мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлиши мумкин. Бундай “бўшлиқ”ни ўзларининг манфаатларига хизмат қиласиган мафкуралар, бизга ёт ғоялар билан тўлдиришга ҳаракат қиласиган кимсалар биринчи галда жамоатчилик фикрини чалғитишга ҳаракат қиласилар. “Бугун биз янги ҳаёт, хуқуқий демократик давлат барпо этаётган эканмиз, замоннинг ўзи жамиятимизда ҳануз сақланиб келаётган, умрини ўтаб бўлган баъзи қарашларни тубдан ўзгартиришга, давр билан ҳамнафас бўлиб, янгича фикрлашга даъват этаётганини, ўйлайманки, барчамиз яхши англаймиз,— деб таъкидлadi давлатимиз раҳбари.— Бу вазифаларни амалга оширишда журналистлар ҳам шуни унутмаслиги зарурки, мустақил тафаккурни шакллантиришда албатта маҳорат керак, албатта масъулият керак ва албатта халқимизга хос одобандишини йўқотмаслик керак”⁷. Шу ўринда айтиш жоизки, айниқса Ахборот хизматида фаолият кўрсатаётган журналистлар бу борада катта масъулият билан фаолият кўрсатишлари зарур. Яъни, улар ўз ташкилотларининг ахборот оқимларини вужудга келтиришлари, ОАВ билан ҳамкорликни кучайтишилари ва жамоатчилик фикрини муттасил ўрганиб боришлари лозим. Ахборот хизматида фаолият кўрсатаётган журналистлар ва бошқа масъул ходимлар керак бўлса бу борада ўз билим ва малакасини муттасил ошириб боришлари ғоят мухимдир. Мутахассислар фикрича, “Паблик рилейшнз – ташкилот ва жамоатчилик ўртасидаги ўзаро ҳурматга асосланган муносабат, бир-

⁶ Каранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 203-карори. Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив хуқуқий хужжатлар тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2008. – 152-157 б.

⁷ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 22-23 б.

бирини англашга хизмат қиласиган муттасил ҳаракат⁸ экан, ана шу муносабатлар замирида жамиятда шахсларнинг ўзини ўзи психологик ҳимоя қилиш учун ҳам замин пайдо бўлаверади. Юқорида таъкидланганидек, жамоатчилик билан алоқаларни такомиллаштириш орқали ҳар қандай муаммо ўз ечимини топиши мумкин экан, жамоатчилик фикри жамиятда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашда жуда муҳим ўрин тутади. Чунки, дунёқараашлари турлича бўлган одамлар, айниқса ёшлар бу жараёнда аниқ, ҳаққоний ахборотларга эга бўлиб, “ўзаро бир-бирини тушуниш тўғрисидаги фан ва санъат”⁹ нималарга қодирлигини кўрадилар.

Ташкилотлар ва жамоатчилик ўртасида ўрнатилган бундай алоқа фикр алмашиш, ахборот олиш ва тарқатиш, ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш билан изоҳланади. Ҳар бир ташкилот ва муассаса фаолияти халқнинг сиёсий, иқтисодий, маърифий ҳамда маданий ҳаётини яхшилашга қаратилган бўлиши шарт. Шу ўринда ҳам PR ўзига хос тафаккур майдонини вужудга келтирган ҳолда самарали натижаларга эришишга хизмат қиласи. Бу натижалар орасида жамиятнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш муаммоси ҳал этилиши алоҳида ўрин эгаллади. Зотан, “жамиятда ошкоралик ва очиқликни таъминлаш масаласи жамоатчилик фикрини ўрганиш усул-услубларининг қай даражада ривожлангани билан ҳам бевосита боғлиқдир,— деб таъкидлаган давлатимиз раҳбари.— Таъбир жоиз бўлса, жамоатчилик фикри – фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида акс эттирувчи бамисоли бир кўзгу”¹⁰. Бу кўзгу орқали жамиятимиз осойишталиги, миллий хавфсизлигимизга қилинаётган хатти-ҳаракатларни ҳам осонгина илғаб олишимиз ва унга қарши самарали курашишимиз мумкинdir. Бу курашда фуқаролик жамиятининг қай даражада ривожлангани, жамоатчилик билан алоқалар қанчалик йўлга кўйилгани кўп муаммолар ечимини ижобий ҳал этишга хизмат қилишини тўғри англамоқ керак. “Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш вазифасини қатъий қилиб қўймокда,—деб таъкидлади давлат раҳбари.— Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш олиб борилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини

⁸ Пашенцев Е.Н.Паблик рилейшнз: от бизнеса до политики. –М.: Р.Бук. 2001. –С. 5.

⁹ Блэк С. Введение в паблик рилейшнз. Ростов-на-Дону, 1998. –С. 10.

¹⁰ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. –Т.: Ўзбекистон, 2002. –21 б.

таъминлашга, кучли фуқаролик жамиятининг изчил шаклланишига мадад бериши даркор”¹¹.

Бугун жамиятимизга, оиласларимизга маънавий таҳдид солаётган хавф-хатар ҳақида одамлар, айниқса зиёлилар ошкора фикр айтмоқдалар. Аслини олганда жамиятда шундай муаммолар бўладики, уларни ижобий ҳал этиш учун йиллар давомида, эҳтимолки, абадул-абад курашишга тўғри келади. Шундай муаммолардан бири – “оммавий маданият” никоби остидаги таҳдидлардир. Яъни, беҳаё ёхуд ваҳшийликни тарғиб этувчи лавҳалар ёшлар онгиға қандай таъсир этиши мумкин? Модомики, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатар экан, уларни таъқиқлаб қўйишнинг нега иложи бўлмаяпти? Наинки миллий, ҳатто умумбашарий қадриятларга ҳам тўғри келмайдиган бунақа “лавҳалар” инсон онгини заҳарлашдан бошқасига ярамайди. Юртбошимиз 1990 йил 24 март куни республика Олий Кенгашининг биринчи сессиясида бу борада билдирган фикрлари бугунги кунда ҳам ҳамон долзарб бўлиб турганидан кўз юма олмайсиз. Ўша сессияда республикамиизда вужудга келган бир-биридан муҳим муаммолар ва уларни ечиш борасида айнан маънавият масаласига алоҳида эътибор қаратган. “Кейинги пайтда санъатда ошкораликни пеш қилиб, телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида бўлмағур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилик ва ҳаёсизликни, баъзан эса, ҳатто ахлоқий бузуқликни тарғиб қилишлар кўпайиб қолди,— деб таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари.— Барчамиз қаерда, қандай лавозимда ишламайлик, жамиятимизнинг инсонийлик ва ахлоқий ақидаларини поймол қиласиган ана шундай тажовузкорлик кўринишларига қатъий равища қарши туришимиз лозим. Бундай муносабат жамоатчилигимиз, халқимизга ҳам маъқул бўлади, деб ишонаман”¹².

Жамиятда ахборот-психологик хавфсизликни самарали таъминлаш учун жамоатчилик фикрини чуқур англашни тақозо этади. Мутахассислар фикрича, жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг ҳосиласи, жамият турли табақаларининг фикр-қарашлари, муносабатларининг реал ва умумлашма ифодаси ҳисобланади. Жамоатчилик фикрининг ўзгарувчанлик табиатига таъсир ўтказиш уни муайян меъёрларда ушлаб тура олиш ҳамда мақсадли шакллантириш давлат, жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш кафолати ҳам саналади. Масалан, жамоатчилик фикрини бошқариш деб номланувчи (Public Relation) тизими орқали Америка Қўшма Штатларида жамоатчилик фикрини маҳсус шакллантириш борасида 200.000 кишидан кўпроқ киши доимий фаолият юритиб

¹¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация килиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. //Халқ сўзи, 2010 йил 29 январь.

¹² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 80 б.

келади. Биргина АҚШ мудофаа вазирлиги фаолиятини тарғиб этиш бўйича 15.000 мутахассис ишлайди. Худди шундай тизим Англия, Франция, Италияда ҳам мавжуд бўлиб, бу мамлакатларда берилаётган ахборотларнинг таъсири, уларнинг ахоли турли қатламлари орасида ижтимоийлашуви кўламларини ўрганишга ихтисослашган социолог-психологлар фаолият кўрсатади. Демак, бугунги кунда ахборот хуружларига қарши кураш жамоатчилик фикри социологияси фанини ривожлантиришни тақозо этади. Юртимизда истиқлол йилларининг ilk даврлариданоқ жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ана шу реал эҳтиёжлар асосида халқнинг маънавий сарчашмалари булоғини очиш, ўзлигини намоён этиш имкониятларини тиклаш борасида муҳим қадамлар қўйилди¹³. Бу борада “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳам анча самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Айтиш мумкинки, Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш жараёни бугунги кунда ўзининг фаол шаклланиш босқичида эканлигига амин бўламиз¹⁴. Бу жараён такомиллашуви амалда бузғунчи ғоялардан ва турли салбий таъсирлардан ҳоли бўлишига, пировардида, жамиятимизнинг янада осойишталигига хизмат қиласи.

Бундай натижага мудом эришиб бориш учун PR ва унга турдош соҳалар – социология, психология, сиёsatшунослик, журналистика, маданиятшунослик ҳамда педагогика каби фанларни назарий жиҳатдан мукаммал ўрганиб бориш тақозо этилади. Жамоатчилик фикрини ижтимоий психология, ижтимоий мафкура, халқ педагогикаси ва социологиясиз тасаввур этиш қийин. “Жамоатчилик фикри таркибида майший ва назарий онг шаклларининг кенг намоён бўлиши билан бир пайтда,— деб ёзади социология фанлари доктори, профессор Мансур Бекмуродов,— унинг мазмунида халқ анъана ва турмуш тарзи ўзига хосликлари ҳам муҳим ўрин тутади”,¹⁵. Ана шу ўзига хослик ҳар бир онгли фуқаро, шунингдек, баркамол ёшлар фикрида намоён бўлиши пировард мақсадга айланиши муҳимдир. Ҳар бир фикр ўз кўлами ва сифатига кўра хусусий, гурухий, маҳаллий, миллий, табақавий бўлиши мумкин. Уларнинг ҳар бири жамоатчилик фикрига айланиши ёки жамоатчилик фикри юзага келиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин¹⁶. Шундай экан, жамият аъзоларидан бирор кишининг онги “ахборот хуружлари”дан заҳарланишига йўл қўйиб бўлмайди.

Жамоатчилик фикрида ҳамма нарса ойнадек равшан акс этади. Сўнгги пайтларда ОАВ орқали ёритилаётган фикрларда ҳам миллий

¹³ Қаранг: Нуруллаева Ш. Жамоатчилик фикри ва ахборот хавфсизлиги. /Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси жорий архиви, 2006.

¹⁴ Қаранг: ўша манба.

¹⁵ Бекмуродов М. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. –Т.: Фан, 1999. – 25 б.

¹⁶ Қаранг: ўша асар, ўша бетда.

ўзликка, бебаҳо маънавиятимизга қилинаётган таҳдидлар, “ахборот хуружлари” аён сезилиб турибди. “Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин заарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин,— деб ёзади давлатимиз раҳбари.— Ҳаммамиз яхши биламизки, ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз сақлашда ҳарбий куч-қудрат, қуролли кучлар сув билан ҳаводек зарур. Аммо халқимиз, авваламбор, ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асрash учун биз нималарга таяниб-суюниб иш олиб боришимиз керак, деган савол бугун барчамизни ўйлантириши табиий”¹⁷. Бу саволга муҳтасар жавоб топишда ҳам жамоатчилик фикрини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ҳам бу борадаги фикрлари ғоят қадрлидир: “Мен, ҳаётда қўп бора ўз тасдигини топган ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, бу масалада шундай деган бўлардим: тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чукур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин”¹⁸.

Қадимда ҳам жамоатчилик фикрига қанчалик эътибор билан қаралганини тарихий асарлардан билиш мумкин. Ўз моҳияти билан “хуруж” атамаси Соҳибқирон Амир Темурнинг “Темур тузуклари” китобида ҳам учрайди. Яъни, “Хуруж кунлари қилган бешинчи кенгашим”, “Хуруж вақтида қилган олтинчи кенгашим”, “Хуруж кунлари қилган еттинчи кенгашим” сарлавҳали битикларда ғанимларнинг қай тариқа хуруж қилишгани ва унга қарши кўрилган тадбирлар баён этилади. Ҳамиша жаҳолатга қарши маърифат йўлини танлаган Соҳибқирон бир ўринда шундай ёзади: “Ғанимларни чучук сўз, ширин ҳикоятим билан ўз томонимга эгмоқчи ва улар вужудидаги ёндирувчи (ғазаб) ўтини тўғри тадбир суви билан ўчирмоқни маслаҳат кўрдим. Шу тарзда уларни ром қилмоқчи бўлдим”¹⁹. Демакки, ўша даврда ҳам мамлакат тинчлиги ва осойишталигига хуруж қилингани ҳамда унга қарши курашда қандай йўл тутилганини ҳам шундай манбалар орқали билиш мумкин.

Кечаги ўтмишга назар ташласак ҳам шунга ўхшаш хуружлар ҳақида кўп маълумотларга эга бўламиз. “Собиқ иттифоқнинг ҳукмрон мафкураси миллатлар ва тилларни қўшиб юборишига жон-жаҳди билан

¹⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 115-116 б.

¹⁸ Ўша асар, 116 б.

¹⁹ Темур тузуклари. –Т.: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 24-28 б.

ҳаракат қилди. Аммо бу сиёсатни фақат сўз ва тарғибот билан амалга ошириш ами махол бўлгани учун золимлар қrim татар, қорачой, балқар, қалмиқ каби кўпгина халқларни ёппасига ватанларидан бадарға қилдилар,— деб ёзади атоқли адаб Пиримқул Қодиров.— Бироқ, миллийлик шундай зўр қудрат эканки, жаҳонни титратган мустабид тузумнинг етмиш йил давом этган қатағонлари юқорида тилга олинган миллатларнинг биронтасини ҳам йўқ қилиб юбора олмади. Чунки ягона тил ва миллий рух билан яшайдиган катта-кичик ҳар бир халқда атом ядросининг қудрати бўлади”²⁰. Бу фикрлар замирида собиқ мустабид тузум даври заҳматларини чеккан катта авлодга мансуб кишилар фикрини теран англаш мумкин.

Бугунги кунда жамиятда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашда жамоатчилик фикрини турли адабиётлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда ўзаро мулоқотлар, давра сухбатлари, хатлар, анкеталар орқали ўрганиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Назорат учун саволлар:

1. Юртбошимиз жамоатчилик фикрини ўрганиши усул-услубларининг қай даражада ривожланганини қандай омиллар билан изоҳлайди?
2. Жамиятда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашда жамоатчилик фикри қандай ўрин тутади?
3. Жамоатчилик билан алоқалар назариясини қайси фан орқали ўрганамиз?
4. PRнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
5. PR ривожланиши учун жамиятда нималарга эътибор қаратилиши зарур?
6. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрда қабул қилинган “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги 203-қарори моҳиятини тушунтиринг.
7. Юртимизда жамоатчилик фикрини ўрганишига эътибор қай даражада?
8. Жамоатчилик фикри таркибини тушунтиринг.
9. Жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантиришида Ахборот хизматларининг ўрни қандай бўлади?
10. “Темур тузуклари” китобида қайд этилган “хуруж”нинг моҳиятини тушунтиринг.

Асосий тушунчалар

²⁰ Қодиров П. Истиқоллнинг миллий манзиллари. /Қалб кўзлари. –Т.: Маънавият, 2001. – 140 б.

Ёлгизланиш – жамиятдан ўзини олиб қочиши, ўзидағи ўзгаришларни бошқаларга билдиримасликка интилиш (масалан, айрим талабалар ўқишига бормай құядылар);

Ижтимоий психология – ҳис-түйгүлар, тасаввурлар, кайфият, ирода ва бошқалар.

Ижтимоий мағкура – гоялар, нүктаи назарлар, сиёсий концепциялар.

Конверсия – мұлоқотдаги қандайдыр түсікілар ёки барьерларни олиб ташлаш учун күтілмаган усулларни құллаш, масалан, хавотирли ахборотни юмор билан алмастыриши ўйли.

Паблик рилейшinz (PR) – жамоатчилик билан алоқалар.

Рационализация – мұлоқаза ва фикр юритиші орқали ўзида ҳимоя инстинктларини пайдо этиши;

Халқ педагогикаси – урғ-одатлар, таомиллар, расм-русумлар.

10-Мавзу: ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ

Давр журналистлар зиммасига ғоят улкан масъулиятлар юкламоқда. “Шу борада халқимиз, жамоатчилигимиз матбуот ходимларидан якка мафкура ҳукмрон бўлган мустабид тузумдан қолиб келаётган айrim эскича ёндашув ва қарашлардан, журъатсизлик ва ўткир муаммолардан ўзини четда тутиш каби ҳолатлардан бутунлай холос бўлишни, уларнинг янада шижаат ва қатъият билан фаолият кўрсатишини кутаётганини алоҳида таъкидлашни истардим”¹, – деб таъкидлаганди Юртбошимиз Ислом Каримов 2008 йилда “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига” йўллаган табригида.

Шуни қайд этиш жоизки, матбуотда ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришда давлат ва жамоат арбоблари, сиёsatшунослар, ҳуқуқшунослар ва бошқа касб эгаларининг саъи-ҳаракатлари кўпчиликда қизиқиш уйғотади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси Абдурафиқ Аҳадовнинг “Даракчи” газетасининг 2009 йил 5 ноябрь сонида ёритилган “Иллатнинг илдизи бошқарувдаги нўнокликда!” сарлавҳали мақоласи ҳақида шундай ижобий фикр айтиш мумкин.

Гап шундаки, Москвада нашр этиладиган “Аргументы и факты” газетасининг 2009 йил 39-сонида бир пайтлар собиқ Иттифоқ ҳукумати бошлиғи бўлган Николай Рижковнинг ғалати фикрлари ёритилган. Яъни, у амалдорлик курсисида ўтирган кезларидаги СССР деб аталмиш мамлакат иқтисодиётидан мағрурлана туриб, “бизни Ўрта Осиё орқага тортар эди, ахир у томонларда ҳамиша болалар кўп бўлган, даромад ҳисоби эса киши бошига нисбатан олинган” деб ёзган. Бу ҳол гўё қатор бошқа муаммоларни келтириб чиқарган, жумладан, 80-йилларга келиб, мамлакат таназзулга учраган эмиш. “Ана сизга “кудратли” салтанат тепасида турган нуфузли жанобнинг “кашфиёти”, хулосаси! Орадан шунча йил ўтгач топган важи, – деб ёзади бу қабилдаги “ахборот хуружи”га қарши Абдурафиқ Аҳадов.– Унинг жўнгина хулосаси, СССРдек давлатнинг иқтисодий қудрати Ўрта Осиёликларнинг... кўп болали бўлганлиги туфайли заифлашган эмиш!.. Ваҳоланки, ортдаги тарих саҳифалари холислик билан таҳлил қилинса, буткул бошқача манзара намоён бўлиши муқаррар”².

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи Абдурафиқ Аҳадов ўз мақоласида Николай Рижковнинг ушбу масалага ўта бирёқлама, нохолис ёндашганини асослаб беради. “Ер юзининг олтидан

¹ Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига. //Хуррият, 2008 йил 28 июнь.

² Аҳадов А. Иллатнинг илдизи бошқарувдаги нўнокликда. //Даракчи, 2009 йил 5 ноябрь.

бирини эгаллаган СССРнинг тўқимачилик саноати корхоналари учун хомашё ҳисобланган, мисқоли олтинга тенг пахта толасини ким етишириб, ким уни Иттифоқнинг барча бурчакларига етказиб берган?!— деб ёзади муаллиф,— шунча қора меҳнат эвазига Ўзбекистон ва ўзбекистонликлар нима олганлар-у, қандай рўшнолик кўришган?!” Ўша давр сиёсатини яхши билган, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган иқтисодчи ўша чигал масалага шундай ойдинлик киритади: “Жаноб Рижков ҳукуматга раҳбарлик қилган вактда иқтисодиётнинг реал секторида ўз ечимини кутиб, борган сари чигаллашиб кетаётган муаммолар қалашиб ётган эди. Аммо мамлакат раҳбарияти барча ички молиявий муаммоларни четга суриб қўйиб, на сиёсий, на ҳуқукий ва на ҳарбий жиҳатдан ҳеч бир асоссиз Афғонистоннинг ички можароларига тумшуғини сукди. Афғон заминидаги мантиқсиз уруш касофати озмунча ўзбек оиласидаги мусибат келтирдими?!” Собиқ Иттифоқнинг ўша даврдаги фожиали аҳволи ҳақида таҳлилий фикр юритар экан, муаллиф шундай асосли фикрларни илгари суради: “СССР аҳолисининг жон бошига тўғри келадиган даромаднинг пастлигига бизнинг минтақамиздаги болаларнинг кўплиги эмас, балки марказдаги ишбошиларнинг узоқни кўра билмаслиги, жамият иқтисодиётини бошқаришдаги нўноқликлар эди”³. Фаол фуқаролик позициясида туриб юрт шаъни учун курашган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдурафиқ Аҳадов ўша “ахборот хуружи”га яраша муносиб жавоб берган.

Ҳуқуқшунос олим Алишер Азизхўжаевнинг “Ғурурнинг-ку чегараси йўқ, андишанинг-чи?” сарлавҳали мақоласида (“Миллий тикланиш” газетаси 2009 йил 20 май сонида) ҳам “Ўзбекистон аталмиш ҳам ўтмиши, ҳам келажаги буюк мамлакатни, унинг ҳалқини ўз етовига солишга бўлган уринишлар бир зум бўлсин тўхтамаётгани, ҳали Шарқ, ҳали Гарб, ҳали Шимол томондан мана шундай хуружлар шамолининг муентазам эсиб туриши сизу биздан кўзимизни каттароқ очмоқни” талаб этаётгани таъкидланади. “Айниқса, ҳалқимиз шаънига айтилаётган бўйтон гаплар, уйдирма хабар ва шов-шувлар оқимини кўриб кўрмасликка олиш, бояги кучларга менсимай қараш уларнинг янада ғовлашига, бунинг натижасида эса бошқа мамлакатлардаги содда омманинг юртимиз тўғрисидаги тасавурлари нотўғри шаклланишига олиб келиши мумкин,— деб ёзади муаллиф.— Хусусан, Россияда чиқадган расмий ва норасмий ОАВларнинг айримлари томонидан тарқатилаётган хабар, мақола, кўрсатув ва радиоэшиттиришлардаги оҳанг кишини камида энсасини қотиради”. Муаллиф Россияда таникли сиёsatчи В.Жириновский учун бир бутун ҳалқлар, миллатлар тақдири

³ Каранг: ўша мақола.

ҳатто писта пўчоғичалик қимматга эга эмаслигини таассуф билан таъкидлайди. “Бироқ, бу кимсанинг Ўзбекистон, ўзбек халқи шаънига айтаётган гаплари сиз билан бизнинг ҳамиятимизни қўзғамасдан иложи йўқ”⁴.

Глобаллашув жараёни курраи заминимизни ягона ахборот маконига айлантиргани қанчалик ҳайратомуз ва ижобий ҳодиса бўлса, бу жараёнда айрим бузғунчиларнинг ғаразли мақсадда ахборот хуружлари уюштириб, ёшлар онгини заҳарлашга чиранишлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Ҳар қандай ғояга қарши ғоя билан курашар эканмиз, унинг самараси қай даражада бўлаётганидан ҳам боҳабар юришимиз фойдадан ҳоли бўлмайди. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабалари билан “Ёшларнинг ўз сўзи бор” мавзууда ўтказилган давра сұхбатида ёш истеъдод соҳибларининг фикрлари қанчалик теран эканлиги аён бўлди. Ахборот хуружига қарши яқдиллик билан курашаётган талабаларни ҳеч ким “ўргамчак тўрлари” домига илинтира олмаслиги уларнинг фикрларида акс этади! Ахборот хуружига қарши иммунитетлари юқори даражада бўлган ватанпарвар ёшлар ҳеч қачон алданмайди! Негаки, илғор фикрли ёшларнинг жўшқин қалбларида ўз сўзлари бор! Бу сўзлар замирида бузғунчи ғояларга қарши нафақат муносиб жавоб бериш, балки, юрт осойишталиги, халқ фаровонлиги, ватан тараққиёти учун кураш туйғуси ҳам мужассамдир.

Яхшига эргашсанг – етдинг муродга, деганларидек, “ахборот хуружи”га қарши кураш борасида ҳам устоз журналистларнинг изидан боришаётган талабалар бу борада матбуотда ёритилган мақолаларни таҳлил этган ҳолда фикр юритишишмоқда. Улардан айримларининг фикрлари билан танишамиз.

“Ахборот оқими муттасил кучайиб бораётгани ижобий ҳодиса. Бироқ тинч осуда ва фаровон яшаш, тараққиёт йўлини танлаган мамлакатимизга нисбатан айни вақтда ахборот хуружи ҳам авж олиб бораётганига бефарқ қарай олмаймиз,— дейди журналистика факультети талабаси, Президент стипендиати Ҳадия Абдуллаева.— Биз бўлгуси журналистлар бундай бало-қазога қарши кураш усууларини устозлардан ўрганяпмиз. Журналист Мурод Абдуллаевнинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигининг 2008 йил 22 февраль сонида ёритилган “Жаноб Лужков нима демокчи?” сарлавҳали мақоласи ўқувчини мутлақо бефарқ қолдирмайди. “XXI асрга келиб ахборот хуружларига ҳам кўнишиб қолаётганга ўхшаймиз. Ҳар замонда кимдир ақл бовар қилмайдиган бир нарса ҳақида гап очиб қолади-ю аммо унинг замирида бутунлай бошқа бир иддао яширинганини дастлаб пайқаш қийин

⁴ Азизхўжаев А. Ғуурнинг-ку чегараси йўқ, андишанинг-чи? //Миллий тикланиш, 2009 йил 20 май.

кечади. Хусусан, сўнгги йилларда Москва шахри мэри Ю.Лужковнинг Сибир дарёлари сувининг бир қисмини Марказий Осиё давлатларига сотиш тўғрисидаги таклифи хусусида ҳам шундай дейиш мумкин,— деб ёзади муаллиф.— Мақсад бу “ғоя”нинг тагматнидаги гапда. У ўта писмиқлик билан сувни товарга айлантириб сотиш фикрини ўтказиб, миллионлаб йиллар мобайнида ўзанларидан табиий равишда оқиб ётган дарёлардан беминнат ва бамаслаҳат фойдаланиб келаётган қўни-қўшнилар ўртасига нифоқ солишини кўзда тутади”. Буни қарангки, “ахборот хурожи” турлари ҳам шу қадар кўп экан. Демак, бундай офатга қарши курашда биз экологлар, иқтисодчилар ва бошқа турли соҳа кишилари билан ҳам ҳамжиҳатликда иш тутишимиз зарур экан. Илгари онда-сонда “техника хавфсизлиги” деган иборани эшитардик. Эндиликда ахборот хавфсизлиги, “ахборот хурожи” каби иборалар воқеликка айлангани бежиз эмас. Негаки, техника хавфсизлигига риоя этмагани учун бир-икки киши жабр чекса, ахборот хурожидан бутун жамият зиён кўради. Унга қарши асосан журналистлар курашар экан, демак, биз унинг назарий асосларини пухта ўзлаштиришимиз зарур. Бу борада профессор Файзулла Мўминовнинг “Ўзбекистон матбуоти” журналида (2007 йил 5-6 сонларида) ёритилган “Ахборот хавфсизлиги ва ижтимоий тараққиёт” мақоласи анча салмоқли ўринга эга. Яъни, ушбу мақолани эътибор билан мутолаа қилган киши ахборот хурожи ўзи нима, унинг ортида турган кимсаларнинг мақсад ва муддаоси не эканлигини, бу мафкуравий офатга қарши кураш усуллари назариясини англаб етади. Бизда ҳозирча ахборот хурожига қарши кураш асосан матбуотда ёритилмоқда. Афсуски, кўпчилик ёшлар матбуотдан кўра интернетни кузатишга интилади. Демоқчиманки, юртимиз ҳаётини холис ёритадиган халқчил веб-сайтларимизда ҳам ана шундай мақолалар кенгроқ ёритилиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Шу йўл билан ҳар бир ахборот истеъмолчиси қалбига ахборот хурожига қарши “антивирусча” ўрнатиш мумкин. Киши организми турли касалликлардан сақланиши учун маълум даражада иммунитетга эга бўлгани каби замона зайди билан пайдо бўлган “ахборот хурожи”га қарши ҳар бир инсон қалбida иммунитет пайдо қилиш зарур”.

“Ахборот хурожи орқали кимлардир ғаразли ниятини амалга ошириш учун курашар экан, унинг заҳарли нишини йўқотиш ва ахборот маконида тоза ҳаво мўл бўлишига эришишдан биз ҳам манфаатдормиз,— дейди талаба Феруза Валиева.— Ҳамкурсум Ҳадия Абдуллаеванинг фикрларига қўшилган ҳолда шуни айтмоқчиманки, жаҳон ахборот маконида салмоқли ўрнига эга бўлган Ўзбекистоннинг қатор веб-сайтларида бу мавзу кенг ёритилмоқда. Юртбошимиз Ислом Каримов бу жараёнга ўз муносабатини шундай ифода этган: “Бугун дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал

технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун курраи заминни қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда. Масалан, интернет тизими орқали ахборот алмашув, бинобарин, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда. Аслида ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун, дунёнинг барча ҳудудларидағи одамларнинг ўзаро мулоқоти учун, илм фан ва маданият бойликларини ўзлаштириш учун имкониятлар яратадиган жараёндир”. Минг афсуски, ахборот соҳасидаги шу бебаҳо ютуқлардан ёвуз мақсадлар йўлида фойдаланиб, уни тараққиёт кушандасига айлантираётган кучлар кам эмас. Улар ғайриинсоний хатти-ҳаракатлари билан осойишта, фаравон ҳаётимизга дахл қилишмоқда. Бундай ахборот хуружлари айниқса ёшлар онгига салбий таъсир қилиши кузатилаётir. Соддадил кишиларнинг турмуш тарзини, дунёқарашларини салбий томонга ўзгартиришга ҳаракат қилишмоқда улар. Мамлакатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш хилма-хил ғоялар билан қуролланган турли манбалардан озиқланадиган мағкураларнинг асосий мақсадига айланмоқда. Очиғи, XXI аср нафақат ахборот асри, айни вақтда тарғибот-ташвиқот асрига ҳам айланмоқда. Биз бўлғуси журналистлар ўша ахборот маконида ўз сўзимизга эга бўлмоғимиз ва замондошларимиз онгини заҳарлашларига йўл қўймаслигимиз ҳам фарз, ҳам қарз. Сўзимни ижодкорларнинг баҳтили йўлинни ифода этувчи сатрлар билан якунламоқчиман:

Бахт замини замонга туташ,
Юрт юксалса, юксалар баҳт ҳам.
Буюк баҳтга ижод ва кураш,
Сабот ила етишар одам”.

“Яқинда мен интернетда журналист Абдусамат Раҳимовнинг “Интернет, террор, оила, бола” сарлавҳали мақоласини қизиқиши билан ўқидим. Қаранг, сарлавҳанинг ўзида бутун мақола мазмуни ўз ифодасини топган. Наздимда, бу мавзуга қай бир журналист қўл урмасин, унинг турли қирраларини маҳорат билан ёритаётгани талабалар учун катта сабоқдир,— дейди талаба Мафтуна Тожибоева.— Мағкура соҳасида ҳамфирлиқ, яқдиллик қанчалик эзгу мақсадларга хизмат қилса, телба-тескари гаплар билан бир-бирига “ахборот хуружлари” қилиб юриш фақат заарар келтиради. Эътибор берган бўлсангиз, жаҳонда тинчлик, осойишталик ҳукмрон бўлиши учун курашаётган Ўзбекистон ҳеч қачон бирорга “ахборот хуружи” қилмайди, ўзга мамлакатлар хавфсизлигига таҳдид солмайди. Юртбошимиз қайсики давлатга ташриф буюрса, ўзаро ҳамкорлик, келажакда яхшиликка, тараққиётга хизмат қиласидиган битимлар имзолаб келаётганидан кенг жамоатчилик ОАВ орқали боҳабар бўлиб туради. Ўз

навбатида юртимизга ташриф буюраётган хорижликлар ҳам зўр эҳтиром ила кутиб олинади! Бу муносабатлар ортида ўша мамлакатлар халқларининг манфаатлари ётади! Шундай экан, ОАВ, айниқса, интернет орқали ахборот хуружлари уюштиришдан мақсад, муддао не экан? Газета тахламларини кўздан кечираётиб, “Инсон ва қонун”нинг 2006 йил 11 апрель сонида ёритилган Шуҳрат Насимовнинг “Коса тагидаги нимкоса” сарлавҳали мақоласини қизиқиши билан ўқиб чиқдим. Муаллиф “ахборот хурожи”ни кимлар нима мақсадда уюштираётгани ҳақида сўз юритади. Хўш, баъзи қудратли давлатларга ахборот хурожини амалга ошириш нима учун керак, деган саволга мақоладан муҳтасар жавоб топиш мумкин. Шу каби мақолаларни кўпроқ мутолаа қилиш биз бўлғуси журналистларга “ахборот хурожлари”га қарши кураш усулларини ўргатишига амин бўлдим”.

“Бир нашрда ёритилган Доно Раимованинг “Глобаллашувнинг глобал муаммоси” сарлавҳали мақоласидаги ушбу сатрлар эътиборимни тортган: “Ахборий жамиятнинг барча ижобий хусусиятларини эътироф этган ҳолда, унинг салбий жиҳатлари ҳам ўзини намоён қилиб бормоқда. Салбий жиҳатлар ёшлиаримизнинг ахлоқ-одобини издан чиқараётгани ҳақли равишда кўпчиликни ташвишга солмоқда”. Демак, “ахборот хурожи” аталмиш оғатга қарши жамоатчиликнинг билур фикрлари ҳам матбуотда акс этаётгани – ғояга қарши ғоя билан кураш давом этаётганининг ёрқин ифодасидир. Бу курашда эса албатта эзгулик ғолиб бўлишига ишонаман,— дейди талаба Акбаржон Жиянов.— Интернет оммавий ахборотининг универсал воситаси сифатида, унинг очиқ ва чексизлигини яхши биламиз. Интернет глобал халқаро оммавий комммуникация воситаси (ОАК) сифатида барчага маълум. Миллий ва сиёсий маданиятларнинг турфа хиллиги шароитида ахборот оқимлари ва жараёнларини бошқаришга талаб кучаймоқда. Дунёда объектив ахборот маконини шакллантириш йўллари ва имкониятлари кенгаймоқда. Шу ўринда “ахборот хурожлари” ҳақида сўз юритар эканмиз, “Жамият” газетасининг 2006 йил 13 октябрь сонида ёритилган профессор Абдуллажон Бегматовнинг “Оқил бўлсанг ғаниминг ҳам дўст бўлғуси” мақоласидаги ушбу сатрларга эътибор қаратамиз: “Ахборот хурожининг сирларидан бири шундаки, бизга нисбатан бўхтон қилаётганларнинг аксарияти мамлакатимиз тўғрисида етарли билимга эга эмас, бор билимлари ҳам бизга қарши тарғибот юритаётган оммавий ахборот воситаларидан олинган,— деб ёзади муаллиф.— Уларга ҳақиқатни етказиш ва фикрини ўзгартириш мафкуравий курашда кўлланиши лозим бўлган йўллардан биридир”.

Кўриниб турибдики, миллий журналистикамиз майдонига ҳам теран фикрли, қалами ўткир, забардаст қалам соҳиблари дадил қадамлар ила кириб келишмоқда. От ўрнини той босар, деганларидек, бугун

устозлардан сабоқ олишаётган бўлғуси журналистлар эртага глобаллашган ахборот майдонида муносиб ўрниларига эга бўлишларига умид қилса бўлади.

Миллий университет талабалари билан ўтказилган яна бир давра сухбати “Фидокор” газетасининг 2008 йил 6 март сонида ёритилган “АХБОРОТ ХУРУЖИ: талабаларнинг теран фикрларида унга қарши иммунитет қай даражада акс этмоқда?” сарлавҳали мақолада ўз аксини топган. Ушбу мақола матнини илова қилиш мазкур мавзуни янада теранроқ ўрганишга хизмат қиласи, деган умиддамиз.

“Ўтган асрнинг иккинчи ярмида бошланган ахборот глобаллашуви жараёни шу кунга қадар бутун сайёрамизни ягона ахборот маконига айлантириб қўйди. Бугунги кунда нақадар ривожланиб кетган ахборот ва телекоммуникациялар технологияси биринчи галда жамият тараққиётига хизмат қилаётганини ортиқча изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Кимдир сув келтирас, кимдир кўза синдирас, деганларидек, ана шу мўъжизалардан ғаразли мақсадларда фойдаланадиганлар ҳам афсуски кам эмас. Интернет – ахборот технологиялари орасида ақл бовар қилмас мўъжиза ҳисобланади. Ундан инсоният энг буюк мақсадлари йўлида фойдаланиши мумкин ва шундай бўлмоқда ҳам. Таассуфки, дарёнинг бошида – чашма бўйида унга кимдир заҳар ташлаб тургани мисол интернет тармоғига ҳам қайсиdir ичиқоралар тинмасдан вирус юбориб туради. Интернетдан фойдаланувчи кишилар уларни “хаккер” деб аташади. Хаккернинг асосий иши вируснинг янги-янги турларини "кашф қилиш" ва компьютерларни ишдан чиқариш эмиш...

Худди шундай хаккерлардан баттарроқ кимсалар бошқача вируслар тарқатиш борасида “изланадилар”. Уларнинг вируслари – ахборот хуружи ҳисобланади. Хаккерларнинг вируси компьютерни заҳарласа, ичиқора кимсаларнинг вируссимон ахборот хуружи ёш авлод онгини заҳарлашга қаратилган бўлади.

Интернет орқали тарқатилган вируслар дунёдаги барча компьютерга таъсир қилгани каби ахборот хурожлари ҳам дунё ёшлари онгига таҳдид солади. Очифи, турли таъсирлар оқибатида заҳарланган айrim ёшларнинг ғайришуурий хатти-ҳаракатларини ҳам гоҳ АҚШ, гоҳ Россия, гоҳ Франция ва бошқа ривожланган мамлакатлар мисолида кузатиб турибмиз. Демак, бу оғатга қарши кураш ҳам глобал муаммога айланмоқда.

Азал-азалдан яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик ўртасида кураш давом этиб келмоқда. Ахборот технологиялари ривожланган ҳозирги замонда эса ана шу курашлар силсиласида ахборот хурожларига қарши кураш ҳам пайдо бўлди. Бу кураш ҳам абадул-абад давом этиши мумкин эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Ахборот хуружларини бартараф этишнинг ёрқин йўли – унга қарши иммунитет ҳосил қилишдир. Компьютерни вирусдан сақлаш учун антивирус қанчалик зарур бўлса, одамзод учун иммунитетнинг аҳамияти ҳам худди шундай! Содда тилда айтадиган бўлсак, иммунитет – инсон қалбидаги антивирусдир!

Хўш, бугунги кунда интернетга энг кўп қизиқадиган талабаларда ўша ахборот хуружларига қарши иммунитет қай даражада? Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабалари билан суҳбатимиз айнан шу мавзуга бағишиланди. “Ахборот хуружи ўзи нима?”, “Ахборот хуружига қарши кураш деганда нимани тушунасиз?” деган саволларга кўпчилик талабалар “Бу саволларга кундалик газеталардан муҳтасар жавоб топишгани”ни баён қилишган. Демак, ушбу мавзуда ёритилаётган мақолалар талабаларнинг ҳаётда, айниқса, ахборот маконида оқ билан қорани, яхши-ю ёмонни фарқлаб олишларида, пировардида, уларда ҳар хил хуружларга қарши иммунитет уйғотишда муҳим ўрин тутмоқда.

“Ахборот хуружларидан ҳимояланиш, бу борада ёшларда иммунитет ҳосил қилиш ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало бу масаланинг моҳиятини чукур ўрганишимиз зарур. Бу борада биз учун катта мактаблардан бири – мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, биринчи галда, газеталардир. Республикализ газеталарини эътибор билан кузатиб борсангиз, давлатимиз сиёсати, турли ижтимоий, маънавий, маърифий мавзулар қатори ахборот хавфсизлиги масаласига ҳам жидий эътибор қаратилаётганини англайсиз.

Назорат учун саволлар:

1. *Фаол фуқаролик позицияси деганда нимани тушунасиз?*
2. *Кўчма маънодаги “Ўргамчак тўри”ни изоҳланг.*
3. *Ахборот оқими қандай вужудга келтирилади?*
4. *Талабалар фикрларида қандай гоялар акс этган?*
5. *Ахборий босим нима?*

Асосий тушунчалар

Ахборий чақириқ – ахборот манбаининг атайлаб қандайдир ижтимоий обьектга очиқдан-очиқ ёки яширин йўллар билан унинг барқарорлигига рапна солишга йўналтирилган хатти-ҳаракат.

Ахборий таҳдид – ижтимоий субъектга унинг эҳтиёжларини, қизиқишиларини ва мақсадларини мос равишда ўзгартиришига қаратадиган реал ахборий таъсир этиши хавфидир.

Ахборий хавф – маълум бир сиёсий ва ижтимоий кучлар манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда маълум бир ижтимоий тизимни

ёки барқарор ижобий ривожланишларни издан чиқаршига қаратилган ҳолда шахсга, жамият ва давлатга бўладиган реал ахборий таъсиридир.

ХОТИМА ЎРНИДА

Дунё ягона ахборот маконига айланган ҳозирги даврда жамият ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш – давр талабига айланган. Бугунги кунда таълим муассасаларида талабаларга “Очиқ ахборот тизимларида ахборий-психологик хавфсизлик” курсидан сабок бериладётган экан, бу ҳам жамиятни турли заарли ғоялардан, “ахборот хуружлари”дан ҳимоялашга, бинобарин, ёш авлод онгидаги “мафкуравий иммунитет”ни оширишга хизмат қиласи.

Ахборот-психологик хавфсизлик – фаннинг ва ижтимоий амалиётнинг мустақил ва муҳим йўналиши ҳисобланади. “Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик” тушунчасининг структураси ва таркиби – ахборот-психологик хавфсизликнинг обьекти, бу соҳадаги хавф-хатарлар ва бу борада амалга ошириладиган ишлар, уни мудом амалга оширишдаги принципиал ёндашувлар (бўлинмаслиги, узлуксизлиги, мақсадга томон йўналтирилганлиги, режали эканлиги ва комплекслик), ахборот-психологик хавфсизликнинг йўналишлари назарий жиҳатдан ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги қилинадиган ишлар ва услублар тавсифи: сиёсий-хуқуқий, меъерий-услубий, ташкилий, кадрлар масаласи, ахборий, дастурний, математиковий, лингвистик ва бошқа унсурлардан иборат. Улар ҳам мазкур услубий қўлланманинг қатор мавзуларида акс эттиришга ҳаракат қилинди.

Ахборотнинг турли шакллари, ўзига хос хусусиятлари ва хоссалари, улар бажарадиган асосий функциялар ҳам мазкур курсда атрофлича ўрганилади. Ахборот инсонга бирор янгилик бериш билан бир қаторда унинг онгини чалғитиши ҳам мумкин. Бунда ахборий муҳитнинг шахс, жамият, давлатга мафкуравий таъсирини ҳар томонлама ўрганиш талаб этилади.

Глобаллашув – XXI аср ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бош хусусиятидир. Бунда айниқса ахборот соҳасидаги глобаллашув алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур ўқув-услубий қўлланмада ҳозирги босқичдаги оммавий ахборот глобаллашувининг моҳияти ва асосий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу глобаллашув шароитида миллий хавфсизлик масалалари ҳам қанчалик муҳим ўрин тутиши аниқ мисоллар воситасида кўрсатилди. Шуни айтиш жоизки, ахборот инсоният тараққиётининг универсал инструменти, замонавий жамият ривожланишининг асосий манбаларидан, умуминсоний ва миллий қадриятлардан биридир.

XX асрнинг иккинчи яримида катта тезликларга эга ахборот тизимлари ва телекоммуникация технологияларининг динамик

ривожланиш даврига, уларнинг инсон ҳаёти ва фаолиятининг амалда барча соҳалариға кенг қўлланилиши, шулар туфайли ахборот майдонининг глобаллашуви даврига кириб келди. Бу ҳол жаҳон ҳамжамияти ривожига сезиларли таъсир ўтказиб келмоқда. Кишиларнинг ўз мамлакатлари ичидаги ҳам, ташки олам билан фаол ахборот алмашиниш эҳтиёжининг кенгайиши давримизнинг ўзга хос хусусиятларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ахборот доирасининг бундай юқори даражадаги ривожланиш сурати, унинг қуввати ва имкониятларининг ривожланиши, ижтимоий ва давлат ҳаётининг турли жабҳаларида кенг қўлланилиши инсониятининг янги – XXI асрдаги ривожини белгилаб берувчи омиллардан бирига айланishi мумкин.

Эндиликда жамият олдида ахборот-психологик хавфсизлик масаласи қўндаланг бўлмоқда. Сўнгги йиларда ахборот ресурслари давлатнинг ўзаро бир-бирига қарши туришлари, геосиёсий мақсадлари учун бир майдон сифатида фаол қўлланила бошланди. Бу ҳол айниқса замонавий ахборот технологияларига эга бўлган ривожланган мамлакатларга хос бўлиб, замонавий ахборот технологиялари уларнинг бу соҳада сезиларли даражада ривожланишини таъминлайди.

Бугун ягона ахборот маконида “ахборот уруши”, “ўзаро ахборий кураш”, “ахборий босим”, “оммавий маданият” ниқоби остидаги турли таъсирлар ва шу каби тушунчалар тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди. Шунинг баробарида бундай заарли таъсирлардан ҳимояланиш, айниқса ёшларда мафкуравий иммунитетни ошириш ҳам заруратга айланди. Бу масаланинг долзарблиги яна шундаки, эндиликда кишиларнинг (шахслар, ижтимоий гурухлар, жамоатчиликнинг) онги кўп жиҳатдан оммавий ахборт воситалари фаолиятининг, ахборот ресурсларининг таъсири остидадир.

Жамиятнинг ахборот маданиятини шакллантириш биринчи навбатда бу маданиятнинг зиёли қатламда шакллантиришга боғлиқ. Бунда олий ўқув юртларнинг, айниқса улардаги ахборот технологиялари билан боғлиқ ҳамда ижтимоий фанлар кафедраларининг ўрни алоҳида.

“Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик” курсидан таҳсил олаётган талабалар ҳамда мафкура майдонида фаолият кўрсатаётган журналистлар мазкур қўлланмада баён этилган фикрларни теран ўрганган ҳолда юрт тинчлиги ва эл осойишталиги учун дадил курашишларига умид қиласа бўлади.

Ўқиши тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
3. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. –Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
4. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
6. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
8. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. //Моҳият, 2009 йил 3 июль.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммити мингийиллик ривожланиш мақсадларига бағишлиланган ялпи мажлисидаги нутқи. //Халқ сўзи, 2010 йил 21 сентябрь.
10. Каримов И.А. Мамлакатимиизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. //Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг колектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) колектив хавфсизлик кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқи. //Халқ сўзи, 2010 йил 14 декабрь.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 203-қарори. Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2008 й.
13. Азизхўжаев А. Ғурурнинг-ку чегараси йўқ, андишанинг-чи? //Миллий тикланиш, 2009 йил 20 май.
14. Аҳадов А. Иллатнинг илдизи бошқарувдаги нўноқликда. //Даракчи, 2009 йил 5 ноябрь.

15. Бегматов А. Глобаллашув, миллий маънавият ва ахборот тизимлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жорий архиви, 2006.
16. Бекмуродов М. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. –Т.: Фан, 1999.
17. Жўраев Н. Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимиning моҳияти ва унсурлари. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг вазифалари, асосий фаолият йўналишлари ва услублари. /Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жорий архиви, 2006.
18. Дўстмуҳаммад Х. Глобаллашув даври ва ахборот макони. //Ўзбекистон матбуоти, 2007 йил 3-сон.
19. Каримова В. Очиқ оммавий ахборот тизими шароитида шахснинг психологик ўзини-ўзи ҳимоялаши. /Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жорий архиви, 2006.
20. Криско В. Секреты психологической войны. Цели, задачи, формы, опыт. –Минск. Харвест, 1999.
21. Комилов Н. ва бошқ. Маърифатли жамият мухолифлари. –Т.: Академия, 2005.
22. Лопатин В.Н. Информационная безопасность России: человек, общество, государство. –Санкт-Петербург. Фонд «Университет». 2000.
23. Манойло А.В., Петренко А.И., Фролов Д.Б. Государственная информационная политика в условиях информационно-психологической войны. 2-нашр. –М.: Горячая линия. Телеком. 2006.
24. Миллий истиқлол ғояси. Т., “Ўзбекистон”, 2005.
25. Миралимов Ш., Эшбеков Т. Журналистика, маънавият, жамият. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
26. Мўминов Ф.А. Ахборот хавфсизлиги ва ижтимоий тараққиёт. //Ўзбекистон матбуоти, 2007 йил 6-7-сонлар.
27. Мўминов Ф.А. Оммавий ахборот воситалари ва ахборот қарама-қаршилиги. Шахс, жамият ва давлатнинг ахборот-психологик хавфсизлигидаги манбалар ва уларнинг турлари. /Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жорий архиви, 2006.
28. Мўминов Ф.А. Паблик рилейшнз: история и теория. –Т.: Ижод дунёси, 2004.
29. Нуруллаева Ш. Жамоатчилик фикри ва ахборот хавфсизлиги. /Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жорий архиви, 2006.
30. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. –Т: Янги аср авлоди, 2008.

31. Очилдиев А. Ахборот ва жамият тараққиёти. /Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жорий архиви, 2006.
32. Раимов Ш.У. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш – миллий хавфсизлик стратегиясининг энг муҳим йўналиши. /Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жорий архиви, 2006.
33. Сайдов У. Глобаллашув ва маданиятлараро муроқот. –Т.: Академия, 2008.
34. Сафоев С. Глобаллашув шароитида миллий хавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жорий архиви, 2006.
35. Темур тузуклари. –Т.: Fafur Fulom nomidagi nashriyot-matbaa birlashmasi, 1991.
36. Февраль воқеалари. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – 5-6 б.
37. Хозиков В.И. Информационное оружие. –Санкт-Петербург.: Нева, –М.: Олма-пресс Образование, 2003.
38. Эшбеков Т. “Ўргамчак тўри”. //Жамият, 2007 йил 27 апрель.
39. Қодиров П. Амир Темур сиймоси. –.: Ўзбекистон, 2007. – 9 б.
40. Қодиров П. Қалб кўзлари. –Т.: Маънавият, 2001.
41. Қосимов С.С. Ахборот уруши: мақсадлар, воситалар, шакллар. /Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жорий архиви, 2006.
42. Кўчқор Норқобил. Онгни заҳарлаш йўлидаги кураш ёхуд жаҳонни тобе этиш даъвосидаги мафкуравий хуружлар. //Даракчи, 2009, 21 май.
43. Ғуломов Ш. Миллий матбуотимизда янги босқич. //Ўзбекистон матбуоти, 2010 йил, 1-сон.
44. Хотамов F. Тарихнинг қонли ва кўзёшли саҳифалари. – Т.: Адолат, 2004. – 13-16 б.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-мавзу: Ахборот-психологик хавфсизлик моҳияти	5
2-мавзу: Ахборотлашган жамият тараққиёти	10
3-мавзу: Ахборот глобаллашуви шароитида мафкуравий таҳдидларга қарши кураш	21
4-мавзу: Шахс, жамият ва давлатнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш	30
5-мавзу: Ахборот маконида ғоялар кураши	39
6-мавзу: Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш усуллари	47
7-мавзу: Жамиятда ахборот-психологик хавфсизлик масалалари ҳал этилиши	54
8-мавзу: Шахснинг ахборот таҳдидларидан ўзини ўзи психолигик ҳимоялаши	70
9-мавзу: Жамоатчилик билан алоқалар (PR) муҳим омил сифатида	77
10-мавзу: Ўзбекистонда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг самарали усуллари	86
Хотима ўрнида	94

Тўлқин ЭШБЕКОВ

**МАФКУРА МАЙДОНИДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК
ХАВФСИЗЛИК
(Ўқув қўлланма)**

**Муҳаррирлар:
Нодир ҲАМРОЕВ
Наргиза ДУСИМБЕТОВА**

**Техник муҳаррир: Аббосбек Исроилов
Саҳифаловчи: Улуғбек Усмонов
Мусахҳих: Жаҳонгир Маллабоев**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
“Маънавият ва маърифат” маркази “Ёшларнинг инновацион лойиҳалари ва
янги ғояларини жорий этиш” гурӯҳи ҳамда ЎзМУ Ахборот хизмати
томонидан нашрга тайёрланди. Босишга руҳсат этилди 27.04.2011 й. Ҳажми
7,4 босма табоқ. Бичими 60x84 1/16. Адади 100 нусха.**

**Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги
Қонуни (янги таҳрири) 21-моддасига асосан хизматда фойдаланиш учун
тайёрланган ушбу тўпламни кўпайтириш ёки ундаги маълумотлардан
фойдаланиш ЎзМУ Ахборот хизматининг руҳсати билангина амалга
оширилиши мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, “Ёшлик”
Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ бош биноси, 6-қават.**